

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



“МАКРОИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

Б.Беркинов

“ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШ”

**ФАНИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Маъруза машғулотлар учун

ТОШКЕНТ – 2016

**Б.Беркинов “Индикатив режалаштириш” фани бўйича ўқув-услугий
мажмуа. –Тошкент: ТДИУ, 2016, 253 бет.**

Такризчилар:

Махмудов Н.М. - “Макроиктисодиёт” кафедраси профессори,
и.ф.д.;

Абдуллаев М.К. - “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси
доценти, и.ф.н.

“Муҳокама этилди”

Макроиктисодиёт кафедраси
мажлисида муҳокама этилди.

2016 йил баённома

Ўқув-услугий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Кенгашининг 2016 йил “___” _____даги _____-сонли қарорига мувофиқ
ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

©**Б.Беркинов** “Индикатив режалаштириш” фани бўйича ўқув-услугий мажмуа. –Тошкент: ТДИУ, 2016
йил, 253 бет.

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

(Маъруза машғулотлар учун)

№	Мажмуанинг таркибий қисмлари	бетлар
	Мажмуанинг қисқача аннотацияси.....	4
I.	Фаннинг меъёрий-услубий таъминоти.....	5
1.1	Ўқув дастури.....	5
1.2	Ўқув курси проспекти.....	14
1.3	Маъруза машғулотлари режаси.....	21
II.	Фаннинг мазмуни ва ахборот-ресурс таъминоти.....	24
2.1	Мавзулар бўйича матн аннотацияси ва охирги янгиликлар.....	24
2.2	Мавзулар бўйича тақдимот слайдлари ва видео роликлар.....	112
III	Фанни ўқитишнинг интерактив технологиялари.....	149
3.1	Қўлланиладиган педагогик технологиялар шарҳи.....	149
3.2	Глоссарийлар.....	151
IV	Талабалар билимини баҳолаш услубиёти.....	159
4.1	Рейтинг назорати турлари, баҳолаш мезонлари ва ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар.....	159
4.2	Назорат турлари бўйича саволлар ва тестлар.....	162
4.3	Рефератнинг намунавий мавзулари.....	200
V.	Қўшимча электрон таълим ресурслари.....	202
5.1	Чет эл адабиётлари ва интернет сайтлар.....	202
5.2	Мавзулар бўйича янгиликлар ва тарқатма материаллар.....	213
	Муаллиф ҳақида.....	251
	Фойдали маслаҳатлар ва тавсиялар.....	252

МАЖМУАНИНГ ҚИСҚАЧА АННОТАЦИЯСИ

Ўқув-услугий мажмуа – Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистратура таълим босқичиларининг “Макроиқтисодиёт” мутахассислиги Ўқув режаларида акс этган “Индикатив режалаштириш” фани бўйича профессор-ўқитувчининг дарс жараёнига тайёрлигини тасдиқловчи меъёрий-услугий ҳужжат ҳисобланади.

Мажмуанинг асосий мақсади – фаннинг ўқитувчиси фанни ҳар томонлама сермазмун, чуқур назарий, услубий ва амалий тарзда ўқитиш учун ўқув-услугий ва ахборот-ресурс манбаини яратиш ҳисобланади.

Ушбу Ўқув-услугий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистратурасининг “Макроиқтисодиёт” мутахассислиги учун мўлжалланган бўлиб, у жумладан қуйидаги таркибий тузилишга эга:

- *фаннинг меъёрий-услугий таъминоти,*
- *фаннинг мазмуни ва ахборот-ресурс таъминоти,*
- *фани ўқитишнинг интерактив технологиялари,*
- *талабаларнинг билимини баҳолаш услубиёти,*
- *қўшимча электрон таълим ресурслари.*

Илғор хорижий тажриба билан узвийлик.

Мазкур мажмуа илғор хорижий тажрибани кенг ўрганиш, умумлаштириш ва ундан таълим ва тадқиқотлар жараёнида самарали фойдаланиш маҳсулидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 май қарорида олий ўқув юртлари “жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи университетлар ва олий ўқув юртлари билан қалин ҳамкорлик доирасида кенг кўламда иштирок этган ҳолда 2016/2017 ўқув йили бошлангунга қадар барча ўқув режалари ва дастурлари тубдан қайта ишлаб чиқирилишини ниҳоясига етказишни таъминласин, фанларни ўқитишнинг эскирган, умрини ўтаб бўлган ёндашув ва услубларидан батамом воз кечишни, бакалавриат ва магистратурада жаҳон фани ва илғор педагогик технологияларнинг замонавий ютуқларига асосланган янги ўқув режалари ва дастурларини жорий этишни, шунингдек, таълим жараёнида уларни амалга ошириш ҳамда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш учун ... етакчи хорижий олимлар ва ўқитувчиларни жалб этишни назарда тутсин”¹ деб алоҳида таъкидланган.

Ушбу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида таълим ва тадқиқотларнинг мазкур ахборот-ресурс манбаини ишлаб чиқишда Нью-Йорк Давлат Университети (АҚШ), Оксфорд Университети, Васеда Университети (Япония), Шанхай Университети (ХХР) ва бошқа етакчи хорижий университетлар бой ижобий тажрибасидан самарали фойдаланилди.

Мажмуани такомиллаштириш масалалари.

Ўқув-услугий мажмуа ўқув йили мобайнида халқаро ва миллий иқтисодиёт тизимидаги ўзгаришлар ва тенденциялар, янги қабул қилинган қонунлар, фармонлар ва қарорларни, хорижда ва республикада чоп этилган янги ўқув ва илмий адабиётларни, фан-техника ва технология борасида эришилган янги ютуқларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам такомиллаштирилиб борилади.

“Индикатив режалаштириш” фанининг мақсади ва вазифалари унинг Ўқув дастурида баён этилган.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги “2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 27 май, №103 (6538). Б. 1

I. ФАННИНГ МЕЪЁРИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ

1.1 ЎҚУВ ДАСТУРИ

Кириш

Ўзбекистонда мустақиллик йилларининг дастлабки кунларидан бошлаб 5 тамойил асосида² амалга оширилган институционал ислохотлар натижасида шаклланган хусусий мулк устувор бўлган кўп укладли иқтисодий бошқариш, уни тармоқ ва корхоналарини тартибга солишнинг тубдан янги тизими барпо этилди. Ана шу яратилган тизимни узвий бир қисмини иқтисодий бошқаришнинг муҳим функцияси сифатида мамлакатимизда қабул қилинган ижтимоий – иқтисодий ривожланишни прогнозлаштириш ва режалаштириш концепцияси ташкил этади. Концепциянинг асосий босқичларини амалда ижросини таъминлаш прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг турли усул ва воситаларини қўллашни тақозо қилади.

Ана шундай воситалардан бири жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган индикатив режалаштириш ҳисобланади. Индикатив режалаштириш бозор иқтисодиётини давлат йўли билан тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида узоқ такомиллашув йўлини босиб ўтган ва ўзининг юқори самарадорлигини кўрсатди.

Ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва унинг глобаллашуви шароитида индикатив режалаштириш ўзининг стратегик шаклига эга бўлди ва алоҳида фан сифатида шаклланди.

Индикатив режалаштиришнинг сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юз берган молиявий – иқтисодий инқирози каби вазиятларни олдиндан кўра билиш воситаси сифатида роли бекиёсдир. Гап шундаки, индикатив режалаштириш иқтисодий ўсиш, молиявий оқимларни прогнозлаштиришни, уларни реал иқтисодий жараёнга яқин бўлган ҳолатини аниқлашга имкон беради. Шу билан бир вақтда индикатив режалаштириш ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг стратегик мақсадларига эришишнинг ишончлилигини оширишга хизмат қилади.

Индикатив режалаштиришнинг таркибий шаклининг қарор топиши, бу борада етакчи ривожланган мамлакатларнинг индикатив режалаштириш тажрибаларини умумлаштириш асосида Ўзбекистонда индикатив режалаштиришнинг илмий-услубий асосларини яратиш, миллий иқтисодиётнинг глобал муаммоларини ҳал этиш бўйича стратегик қарорлар қабул қилишга замин яратади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида 2016 йил 15 январда бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган нутқида "... 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробарга ошириш вазифасни қўйишимиз учун бугун, ҳеч шубҳасиз, барча асосларимиз бор ”³, деб алоҳида таъкидлади. Шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистон иқтисодиётига глобал инқирознинг хавф-хатар ва оқибатлари таъсирини ҳисобга олиш, амалда барқарор иқтисодий ривожланиш индикаторларини прогнозлашда индикатив режалаштириш усул ва ёндошувларидан кенг фойдаланишни тақозо этади.

Бозор кўникмаларининг ривожланишига «Индикатив режалаштириш» фанини ўрганиш ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

² И. Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б.10-11.

³ Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изаил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” // Халқ сўзи. 16.01.2016 йил.

Фанни ўқитишдан мақсади – бўлажак мутахассисга амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни иқтисодий жиҳатдан асослаш методологиясини ўргатишдан иборат. Илмий жиҳатдан олдиндан кўра билиш тамойиллари ва усуллари билиш мутахассисга иқтисодиётда содир бўлаётган ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниш, турли иқтисодий вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Фаннинг вазифаси – индикатив режалаштириш методологияси, усуллари, мақсадлари ва вазифаларини ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Индикатив режалаштириш” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба:

- ҳодисалар ўзгариши қонуниятлари, илмий жиҳатдан олдиндан кўра билиш шакллари;
- прогнозлаштириш ва режалаштиришни бозор иқтисодиётидаги роли ва ўрни;
- иқтисодий-ижтимоий ривожланишни индикатив режалаштиришнинг методологик ва концептуал асослари;
- давлат, минтақалар ва хўжалик субъекти даражасида прогнозлаштириш ва индикатив режалаштириш мақсадлари, вазифалари ва ёндашувлари ҳақида аниқ тасавурга эга бўлиши;
- индикатив режалаштиришнинг методологик ва ташкилий асосларини;
- индикатив режалаштиришнинг асосий йўналишларини;
- иқтисодиёт индикаторлари асосида стратегик режалаштириш усуллари ва ёндашувларини;
- индикатив режалаштириш манбалари ва ахборот базасини;
- индикатив режалаштиришда қўлланиладиган статистик ва иқтисодий-математик моделларни, экстраполяциялаш усуллари *билиши*;
- прогнозлаштириш ва режалаштириш индикаторларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- давлат ва минтақалар даражасида, прогноз, индикатив режалар, мақсадли тармоқ дастурларини кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
- индикатив режалаштириш усулларида фойдаланиш бўйича малакаларга эга бўлиши керак.

Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

«Индикатив режалаштириш» фани «Макроиқтисодиёт», «Минтақавий иқтисодиёт», «Статистика», «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти», «Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар», «Иқтисодиёт назарияси» фанлари билан узвий боғлиқ бўлиб, магистратурада 3–семестрда ўтилади. Юқорида санаб ўтилган фанлар «Индикатив режалаштириш» фанининг назарий асосини ташкил қилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Ҳодисалар ўзгариши қонуниятлари, илмий жиҳатдан олдиндан кўра билиш шакллари, прогнозлаштириш ва индикатив режалаштиришни бозор иқтисодиётидаги роли ва ўрни, иқтисодий-ижтимоий ривожланишни индикатив режалаштиришнинг методологик ва концептуал асослари, давлат, минтақалар ва хўжалик субъекти даражасида стратегик режалаштириш мақсадлари, вазифалари ва ёндашувлари, индикатив режалаштиришнинг методологик ва ташкилий асослари, индикатив режалаштиришнинг асосий йўналишлари, иқтисодиёт индикаторлари асосида режалаштириш усуллари ва ёндашувлари “Индикатив режалаштириш” фанининг таркибий қисмларини ташкил қилади.

Шунинг учун “Индикатив режалаштириш” фани мутахассислик фанлар блокининг асосий фанларидан бири ҳисобланади.

Фанни ўқитишдаги янги педагогик ва ахборот технологиялари

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдида қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш.

“Индикатив режалаштириш” курсини лойиҳалаштиришда қуйидаги асосий концептуал ёндашувлардан фойдаланилади:

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг тўлақонли ривожланишини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштираётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилишни назарда тутди.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндашув. Бу ёндашув ўқув муносабатларини яратиш заруратини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътибор қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимнинг объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усуллари қўллаш – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Ўқитишнинг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади ва лойиҳалаш усуллари, амалий ишлар.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни, ўқув-услубий мажмуа) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан тезкор тесқари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тесқари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, оралик ва жорий ва яқунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти бошқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёки ёзма иш вариантлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

“Индикатив режалаштириш” фанини ўқитиш жараёнида компьютер технологиясидан, “Excel” электрон жадваллар дастурларидан фойдаланилади. Айрим мавзулар бўйича талабалар билимини баҳолаш тест асосида ва компьютер ёрдамида бажарилади. “Интернет” тармоғидаги расмий иқтисодий кўрсаткичларидан фойдаланилади, тарқатма материаллар тайёрланади, тест тизими ҳамда таянч сўз ва иборалар асосида оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фан бўйича маъруза мавзулари ва уларнинг мазмуни

1-мавзу. Бозор иқтисодиётида режалаштиришнинг моҳияти ва роли

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маърузаларида қўйилган устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, фаннинг мақсади ва вазифаси. Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар.

Индикатив режалаштириш фанининг предмети. Бозор ҳўжалиги. Индикатив режалаштириш орқали тартибга солиш. Режа ва дастурнинг моҳияти ва мақсадлари. Прогноз қилиш, режа ва дастурнинг ўзаро боғлиқлиги. Индикатив режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Бозор ҳўжалиги – давлатнинг тартибга солиш ва индикатив режалаштириш объекти сифатида. Стратегик индикатив режалаштиришнинг моҳияти.

2-мавзу. Жаҳон иқтисодиётида индикатив режалаштиришнинг эволюцион ривожланиши. Ўзбекистонда индикатив режалаштириш концепцияси

Бозор шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш зарурати. Иқтисодиётда индикатив режалаштиришни қўллашнинг устунликлари ва камчиликлари. Жаҳонда, шу жумладан Ўзбекистонда индикатив режалаштириш шакллари ривожланиши ва ҳозирги ҳолати. Хорижий давлатларда индикатив режалаштириш борасидаги тажрибалар. Ўзбекистон Республикасида индикатив режалаштириш концепцияси. Индекаторлар тизими.

3-мавзу. Бозор ҳўжалигида режалаштириш методологияси ва уларни ташкил этиш

Замонавий бозор иқтисодиётида индикатив режалаштириш зарурияти. Индикатив режалаштириш методикаси. Прогнозлар, дастурлар, режалар ва режа кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш. Дастурий-мақсадли стратегик режалаштириш. Мақсадли дастурнинг режадан фарқи. Индикатив режанинг таркибий тузилиши. Умумдавлат мақсадларининг устуворлигини белгилаш. Давлат, минтақавий ва муниципал мақсадли дастурлар мақоми. Мақсадли дастурни ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари.

4-мавзу. Режалаштириш бошқарув воситаси сифатида

Режалаштириш стратегияси ва таснифи. Режалаштириш муддати, аниқлиги, мақсадларнинг йўналтирилиши. Олдиндан огоҳлантириш. Алоҳида режаларни мувофиқлаштириш. Қарорларни қабул қилиш учун тайёрлаш. Назорат қилишнинг асосий усуллари аниқлаш. Ходимлар учун ахборот. Ходимларни қизиқтириш. Мақсадларни ишлаб чиқиш. Муаммоларни қўйиш. Муқобил вариантларни топиш. Прогнозлаштириш. Қарорларни баҳолаш ва қабул қилиш. Ижро. Режа кўрсаткичларини аниқлаш. Амалдаги кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш. Қишлоқ ҳўжалигини режалаштиришда прогнозлашнинг аҳамияти.

5-мавзу. Индикатив режалаштиришнинг ташкилий асослари

Режани ишлаб чиқиш тартиби ва изчиллиги. Ахборот тизими. Ижрочилар. Индикатив режалаштиришни ташкил этиш. Иқтисодчиларнинг индикатив режалаштиришдаги вазифалари ва функциялари. Иқтисодиёт кўрсаткичларини индикатив режалаштиришда ахборот технологияларининг устунликлари. Индикатив режалаштиришда қўлланиладиган ахборот технологиялари дастурий воситалари.

6-мавзу. Индикатив режалаштириш ва иқтисодий ҳодисалар тамойиллари

Индикатив режалаштириш функциялари. Индикатив режалаштириш методологиясининг асосий тамойиллари (қонуниятлари). Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциялари, иқтисодиёт фаолият кўрсатишини прогноз қилиш, давлат дастурлари, иқтисодий тартибга солувчилар.

7-мавзу. Индикатив режалаштириш усуллари

Асосий индекаторлар тизими ва индикатив режалаштириш усуллари асосий гуруҳлари. Режалаштиришнинг фактографик усуллари. Режалаштиришнинг баланс усули. Режалаштиришнинг тажриба-статистик усули. Боғлиқликларнинг статистик шакллари. Омилий статистик таҳлил. Динамик қаторлар таҳлили. Режалаштиришнинг норматив усули. Режалаштиришнинг иқтисодий-математик усули. Экстраполяциялаш усуллари. Режаларнинг ахборот базаси. Мунтазам хатолар манбаларини аниқлаш ва ҳисобга олиш. Режалаштиришнинг ахборот массиви сифати. Бошланғич ахборотнинг тўлиқлиги.

8-мавзу. Индикатив режалаштиришда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси шартларини аниқлаш

Сиёсий қарорлар вариантларининг ижтимоий-иқтисодий тизимни ривожланишига таъсири. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясининг таркибий тузилиши. Демографик, ижтимоий, иқтисодий, ташқи иқтисодий, бандлик, муҳофаа, монополияга қарши сиёсатлар ҳамда меҳнат ресурсларини касбга тайёрлаш соҳасидаги сиёсатда стратегик режа сценариясини шакллантириш шартлари. Давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг миқдор ва сифат жиҳатлари.

9-мавзу. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида индикатив режалаштиришнинг стратегик мақсади ва вазифалари

Минтақавий индикатив режалаштириш—минтақавий бошқарув тизимининг муҳим унсури. Минтақавий режаларни ишлаб чиқишнинг асосий йўналишлари. Минтақавий режаларни ишлаб чиқишнинг изчиллиги. Минтақавий режалаштиришнинг замонавий тенденциялари. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси. Шаҳарни, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни варинатли режалаштириш. Минтақавий инвестиция сиёсати минтақани ривожлантириш стратегик мақсадларини амалга ошириш воситаси сифатида. Режалаштириш минтақавий амалиётининг асосий муаммолари. Ўзбекистонда минтақавий режалаштириш амалиёти. Уй ҳўжалиги сектори даромадлари ва харажатлари индекаторлари прогнози.

10-мавзу. Молиявий оқимлар индикатив режалаштириш ва тартибга солишнинг объекти сифатида

Бюджетлаш ва бюджет тушунчалари. Бюджет ресурслари ва давлатнинг макроиқтисодий сиёсатида уларни бошқаришнинг аҳамияти. Давлатнинг бюджет режаси,

бюджетни режалаштириш шакллари. Мамлакат бюджетини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби.

11-мавзу. Демографик жараёнларни прогноз қилиш

Демографик режалаштириш индикаторлари ва босқичлари. Демографик ривожланиш тенденциялари ва омиллари. Аҳоли сони. Бандлик даражаси. Истеъмол салоҳияти индекси. Минтақавий демографик режаларнинг роли.

Режалаштиришда инсон ривожи индикаторлари. Аҳоли ўсиши индекаторларини прогнозлаш. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯИМ. Ҳаётнинг кутилаётган давомийлиги. Аҳолининг таълим даражаси. Банд аҳолининг сони. Тармоқлар бўйича бандликнинг таркиби. Янги иш ўринларини барпо этиш.

12-мавзу. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини индикатив режалаштиришнинг ҳозирги ҳолати

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни индикатив режаларининг заруряти. Макроиқтисодий индикаторларни режалаштиришда Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий Банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя вазирлиги, ДСҚ, ДРҚ, ДТҚ, ТИАИСВ ва бошқа вазирлик ҳамда ташкилотларнинг роли ва ўрни. Тармоқлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини индикатив режалаштириш. Вазирликлар ва идоралар томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда амалга ошириладиган тармоқ дастурлари. Тармоқнинг индикатив режаси. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторларини прогноз кўрсаткичлари (ЯИМ, аҳоли даромадлари). Саноат ишлаб чиқариши, ноишлаб чиқариш соҳаси, қурилиш ҳажмларининг режалари. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг тармоқ ичидаги улушлари. Жамғариш ва истеъмол қилиш улушлари. Инвестициялар ва жалб қилинадиган ишлаб чиқариш ҳамда меҳнат ресурслари ҳажмларининг режаси.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар ва тавсиялар

Бу фанни ўқиш орқали талабалар иқтисодиётни ривожлантиришни режалаштириш жараёнининг назарий-амалий масалаларини ҳамда индикатив режалаштириш методологияси, усуллари, мақсадлари ва вазифаларини ўрганадилар.

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари

1. Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлаш шартлари.
2. Бозор иқтисодиётида режалаштиришнинг моҳияти ва ўрни
3. Жаҳон иқтисодиётида индикатив режалаштиришнинг эволюцион ривожланиши ва ҳозирги ҳолати
4. Индикатив режалаштириш иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида
5. Индикатив режалаштиришнинг ташкилий асослари
6. Индикатив режалаштириш усуллари
7. **Индикатив режалаштиришда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг сценария шартларини аниқлаш**
8. Молиявий оқимлар индикатив режалаштириш ва тартибга солишнинг объекти сифатида
9. Солиқни режалаштиришнинг методологик асослари
10. Демографик режалаштириш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш режаси
11. Тармоқ ривожланишини индикатив режалаштириш
12. Аҳолининг турмуш даражаси ва бандлигини индикатив режалаштириш

13. Умумдавлат мажмуи таркибида давлат харидлари, фондлар ва захираларни индикатив режалаштириш

14. Бозор иқтисодиётида давлат секторини тартибга солиш

15. Иқтисодиёт рақобатбардошлигининг моҳияти, омиллари, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги роли

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини кейс стадийлар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар, рефератлар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

III Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

“Индикатив режалаштириш” фани бўйича лаборатория ишларини бажариш ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишлари бўйича услубий кўрсатмалар

“Индикатив режалаштириш” фани бўйича курс ишларини бажариш ўқув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Университет ректори томонидан тасдиқланган «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат ва баҳолаш тўғрисидаги Низом»и асосида фан бўйича Мустақил ишни ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Мустақил таълимнинг дарслик ёки ўқув қўлланмалари бўйича фанлар бобларини ва мавзуларини ўрганиш, тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш, автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш, илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш, талабаланинг илмий текшириш ишларини бажариши билан боғлиқ бўлган мавзуларни чуқур ўрганиш, мавзуларни ўтишда фаол ўқитиш услубларидан фойдаланиш шаклларида кенг фойдалаланилади.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. “Соғлом она ва бола йили” давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий масалалар таҳлили ва унинг ижроси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маърузасида 2015 – 2019 йиллар учун мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация ва таркибий ўзгартиришлар бўйича ҳал этилиши лозим бўлган устувор йўналишлар.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида индикатив режалаштиришнинг моҳияти ва ўрни

4. Императив ва индикатив режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

5. Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар.

6. Ўзбекистонда индикатив режалаштириш шаклларининг ривожланиши

7. Жаҳон иқтисодиётида индикатив режалаштиришнинг эволюцион ривожланиши

8. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда индикатив режалаштиришдан фойдаланиш.

9. Индикатив режалаштиришни ташкил этиш йўналишлари.

10. Индикатив режалаштириш методологиясининг асосий тамойиллари (қонуниятлари).
11. Индикатив режалаштириш усуллари.
12. Индикатив режалаштиришда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг шартларини аниқлаш.
13. Ўзбекистонда минтақавий режалаштириш амалиёти.
14. Мамлакат бюджетини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби
15. Солиқни режалаштиришнинг методологик асослари
16. Демографик режалаштириш индикаторлари ва босқичлари
17. Ижтимоий соҳани ривожлантириш режаси
18. Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлаш шартлари
19. Аҳолининг турмуш даражаси ва бандлигини индикатив режалаштириш
20. Давлат харидлари ва маҳаллий ҳокимиятлар харидларининг индикатив режаси.
21. Изчил ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш.

Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

“Индекатив режалаштириш” фанни ўқитишда интерфаол усулларида, ахборот-коммуникацияларининг презентацион, мультимедия, электрон-дидактик технологияларидан кенг фойдаланилади.

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар

1. Беркинов Б.Б., Ярмолик Е.А., Қувноқов Ҳ.Қ. Индикатив режалаштириш: ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисодчи, 2011.-199 б.
2. Беркинов Б.Б., Абдуллаев А.М., Ашурова Д.С., Тавакалов Ж.Т. Минтақаларни ижтимоий – иқтисодий ривожланишини прогнозлаштириш: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, Иқтисодчи, 2011. – 173 бет.
3. Басовский Л.Е. Прогнозирование и планирование в условиях рынка: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2006.

Қўшимча адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. – 267 б.
2. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14.
3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш. // Халқ сўзи. 19.01.2013 й.
4. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”.// Халқ сўзи. №12 (5342), 18.01.2014 й.
5. А.Ўлмасов, А.Вахобов. Иқтисодиёт назарияси. Т.: 2006, 420 б.
6. Владимирова Л.П. Прогнозирование и планирование в условиях рынка: Учебное пособие. – М.: 2005.
7. Пивоваров К.В. Планирование на предприятии. Учебное пособие. -М.: 2005, 230 стр.
8. Садиков А.М. Основы региональной экономики. Монография. –Т.: Иқтисод-молия, 2005. 280 б.
9. Хидиров А.М. Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва унинг асосий соҳаларини индикатив режалаштириш. Магистрлик диссертацияси. –Т.: ТДИУ, 2013. – 91 б.

Интернет сайтлари

1. www.mineconomy.uz. – ЎзР Иқтисодиёт вазирлигининг расмий сайти
2. www.mf.uz - ЎзР Молия вазирлигининг расмий сайти
3. www.stat.uz - ЎзР Давлат статистика қўмитаси расмий сайти
4. www.cbu.uz – ЎзР Марказий банки расмий сайти
5. www.agro.uz – ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги расмий сайти
6. www.gki.uz – ЎзРнинг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси расмий сайти

1.2 ЎҚУВ КУРСИНИНГ ПРОСПЕКТИ

(2016/2017 ўқув йили)

Ўқув курсининг тўлиқ номи:	Индикатив режалаштириш		
Курснинг қисқача номи:	ИНДРЕЖА	Код: ИНДРЕЖА	
Кафедра:	Макроиктисодиёт		
Ўқитувчи ҳақида маълумот:	Беркинов Бозорбой Беркинович и.ф.д., профессор		
Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги	3-семестр, 19 ҳафта		
Ўқув соатлари ҳажми:	жами:	120	
	шунингдек:		
	маъруза	40	
	семинар		
	амалий	40	
	мустақил таълим	40	
Йўналиш номи ва шифри	5A230013	-Макроиктисодиёт	
	5A230013	-Макроиктисодиёт	
Ўқув курсининг статуси	Танлов ўқув курси		
Дастлабки тайёргарлик:	Курс “Иқтисодиёт назарияси”, “Макроиктисодиёт”, “Минтақавий иқтисодиёт”, “Статистика”, “Иқтисодий математик усуллар ва моделлар” фанларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.		
Курсни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари: Фанни ўқитишдан мақсади – бўлажак мутахассисга амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни иқтисодий жиҳатдан асослаш методологиясини ўргатишдан иборат. Илмий жиҳатдан олдиндан кўра билиш тамойиллари ва усуллари билиш мутахассисга иқтисодиётда содир бўлаётган ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниш, турли иқтисодий вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилишга ёрдам беради. Фаннинг асосий вазифалари – индикатив режалаштириш методологияси, усуллари, мақсадлари ва вазифаларини ўргатишдан иборат.			

“Индикатив режалаштириш” фанидан машғулотларининг мавзулар ва соатлар бўйича тақсимланиши						
№	Мавзу	Аудитория соатлари			Мустақ ил иш	Жами
		Жаи	Шу жумладан:			
			Маъруза	Амалий (семи нар)		
3-семестр						
1.	Бозор иқтисодиётида режалаштиришнинг моҳияти ва роли	8	4	4	4	12
.	Жаҳон иқтисодиётида индиктив режалаштиришнинг эволюцион ривожланиши. Ўзбекистонда индикатив режалаштириш концепцияси	4	2	2		8
3.	Бозор хўжалигида режалаштириш методологияси ва уни ташкил этиш	4	2	2	4	8
4.	Режалаштириш бошқарув воситаси сифатида	8	4	4	2	10
5.	Индикатив режалаштиришнинг ташкилий асослари	4	2	2	4	8
6.	Индикатив режалаштириш ва иқтисодий ҳодисалар тамойиллари	4	2	2	4	8
7.	Индикатив режалаштириш усуллари	8	4	4	2	10
8.	Индикатив режалаштиришда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси шартларини аниқлаш	4	2	2	4	8
9.	Минтакаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида индикатив режалаштиришнинг стратегик мақсади а вазифалари	8	4	4	4	12
10.	Молиявий оқимлар индикатив режалаштириш ва тартибга солишнинг объекти сифатида	8	4	4	2	10
11.	Демографик жараёнларни прогноз қилиш	8	4	4	2	10
12.	Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини индикатив режалаштиришнинг ҳозирги ҳолати	12	6	6	4	16
	Ҳаммаси	80	40	40	40	120
1-мавзу. Бозор иқтисодиётида режалаштиришнинг моҳияти ва роли Индикатив режалаштириш фанининг предмети. Бозор хўжалиги. Инидикатив режалаштириш орқали тартибга солиш. Режа ва дастурнинг моҳияти ва мақсадлари. Прогноз қилиш, режа ва дастурнинг ўзаро боғлиқлиги. Индикатив режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Бозор хўжалиги – давлатнинг тартибга солиш ва индикатив режалаштириш объекти сифатида. Стратегик индикатив режалаштиришнинг моҳияти. Қўлланиладиган таълим технологиялари: <i>диалогик ёндашув, муаммоли таълим, Т-схемаси, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.</i> Адабиётлар: А1; А3; Қ1; Қ4; Қ5; Қ7; Қ9. 2-мавзу. Жаҳон иқтисодиётида индикатив режалаштиришнинг эволюцион ривожланиши. Ўзбекистонда индикатив режалаштириш концепцияси						

Бозор шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш зарурати. Иқтисодиётда индикатив режалаштиришни қўллашнинг устунликлари ва камчиликлари. Жаҳонда, шу жумладан Ўзбекистонда индикатив режалаштириш шакллари ривожланиши ва ҳозирги ҳолати. Хорижий давлатларда индикатив режалаштириш борасидаги тажрибалар. Ўзбекистон Республикасида индикатив режалаштириш концепцияси. Индикаторлар тизими.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, Т-схемаси, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; Қ1; Қ4; Қ9; ИС1; ИС3.

3-мавзу. Бозор ҳўжалигида режалаштириш методологияси ва уларни ташкил этиш

Замонавий бозор иқтисодиётида индикатив режалаштириш зарурияти. Индикатив режалаштириш методикаси. Прогнозлар, дастурлар, режалар ва режа кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш. Дастурий-мақсадли стратегик режалаштириш. Мақсадли дастурнинг режадан фарқи. Индикатив режанинг таркибий тузилиши. Умумдавлат мақсадларининг устуворлигини белгилаш. Давлат, минтақавий ва муниципал мақсадли дастурлар мақоми. Мақсадли дастурни ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, Т-схемаси, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; А3; Қ1; Қ5; Қ6; ИС1.

4-мавзу. Режалаштириш бошқарув воситаси сифатида

Режалаштириш стратегияси ва таснифи. Режалаштириш муддати, аниқлиги, мақсадларнинг йўналтирилиши. Олдиндан огоҳлантириш. Алоҳида режаларни мувофиқлаштириш. Қарорларни қабул қилиш учун тайёрлаш. Назорат қилишнинг асосий усуллари аниқлаш. Ходимлар учун ахборот. Ходимларни қизиқтириш. Мақсадларни ишлаб чиқиш. Муаммоларни қўйиш. Муқобил вариантларни топиш. Прогнозлаштириш. Қарорларни баҳолаш ва қабул қилиш. Ижро. Режа кўрсаткичларини аниқлаш. Амалдаги кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш. Қишлоқ ҳўжалигини режалаштиришда прогнозлашнинг аҳамияти.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, Т-схемаси, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А3; Қ1; Қ3; ИС1; ИС3.

5-мавзу. Индикатив режалаштиришнинг ташкилий асослари

Режани ишлаб чиқиш тартиби ва изчиллиги. Ахборот тизими. Ижрочилар. Индикатив режалаштиришни ташкил этиш. Иқтисодчиларнинг индикатив режалаштиришдаги вазифалари ва функциялари. Иқтисодиёт кўрсаткичларини индикатив режалаштиришда ахборот технологияларининг устунликлари. Индикатив режалаштиришда қўлланиладиган ахборот технологиялари дастурий воситалари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, Т-схемаси, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; Қ6; Қ7; ИС1; ИС3; ИС4.

6-мавзу. Индикатив режалаштириш ва иқтисодий ходисалар тамойиллари

Индикатив режалаштириш функциялари. Индикатив режалаштириш методологиясининг асосий тамойиллари (қонуниятлари). Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциялари,

иқтисодий фаолият кўрсатишини прогноз қилиш, давлат дастурлари, иқтисодий тартибга солувчилар.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, Т-схемаси, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; А3; А6; ИС1; ИС3.

7-мавзу. Индикатив режалаштириш усуллари

Асосий индекаторлар тизими ва индикатив режалаштириш усуллари асосий гуруҳлари. Режалаштиришнинг фактографик усуллари. Режалаштиришнинг баланс усули. Режалаштиришнинг тажриба-статистик усули. Боғлиқликларнинг статистик шакллари. Омилий статистик таҳлил. Динамик қаторлар таҳлили. Режалаштиришнинг норматив усули. Режалаштиришнинг иқтисодий-математик усули. Экстраполяциялаш усуллари. Режаларнинг ахборот базаси. Мунтазам хатолар манбаларини аниқлаш ва ҳисобга олиш. Режалаштиришнинг ахборот массиви сифати. Бошланғич ахборотнинг тўлиқлиги.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, Т-схемаси, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; Қ1; Қ2; Қ5; Қ6; ИС1; ИС2.

8-мавзу. Индикатив режалаштиришда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси шартларини аниқлаш

Сиёсий қарорлар вариантларининг ижтимоий-иқтисодий тизимни ривожланишига таъсири. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясининг таркибий тузилиши. Демографик, ижтимоий, иқтисодий, ташқи иқтисодий, бандлик, мудофаа, монополияга қарши сиёсатлар ҳамда меҳнат ресурсларини касбга тайёрлаш соҳасидаги сиёсатда стратегик режа сценариясини шакллантириш шартлари. Давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг миқдор ва сифат жиҳатлари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, Т-схемаси, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; А3; Қ1; Қ2; Қ4; ИС1; ИС3.

9-мавзу. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида индикатив режалаштиришнинг стратегик мақсади ва вазифалари

Минтақавий индикатив режалаштириш—минтақавий бошқарув тизимининг муҳим унсури. Минтақавий режаларни ишлаб чиқишнинг асосий йўналишлари. Минтақавий режаларни ишлаб чиқишнинг изчиллиги. Минтақавий режалаштиришнинг замонавий тенденциялари. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси. Шаҳарни, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни варинатли режалаштириш. Минтақавий инвестиция сиёсати минтақани ривожлантириш стратегик мақсадларини амалга ошириш воситаси сифатида. Режалаштириш минтақавий амалиётининг асосий муаммолари. Ўзбекистонда минтақавий режалаштириш амалиёти. Уй хўжалиги сектори даромадлари ва харажатлари индекаторлари прогнози.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, Т-схемаси, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; Қ1; Қ6; Қ7; Қ8; ИС1; ИС4.

10-мавзу. Молиявий оқимлар индикатив режалаштириш ва тартибга солишнинг объекти сифатида

Бюджетлаш ва бюджет тушунчалари. Бюджет ресурслари ва давлатнинг макроиқтисодий сиёсатида уларни бошқаришнинг аҳамияти. Давлатнинг бюджет режаси, бюджетни режалаштириш шакллари. Мамлакат бюджетини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, Т-схемаси, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; Қ2; Қ3; Қ4; ИС1; ИС2; ИС3.

11-мавзу. Демографик жараёнларни прогноз қилиш

Демографик режалаштириш индикаторлари ва босқичлари. Демографик ривожланиш тенденциялари ва омиллари. Аҳоли сони. Бандлик даражаси. Истеъмол салоҳияти индекси. Минтақавий демографик режаларнинг роли.

Режалаштиришда инсон ривожини индикаторлари. Аҳоли ўсиши индекторларини прогнозлаш. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯИМ. Ҳаётнинг кутилаётган давомийлиги. Аҳолининг таълим даражаси. Банд аҳолининг сони. Тармоқлар бўйича бандликнинг таркиби. Янги иш ўринларини барпо этиш.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, Т-схемаси, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; Қ1; Қ2; Қ3; Қ8; ИС1; ИС3.

12-мавзу. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини индикатив режалаштиришнинг ҳозирги ҳолати

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни индикатив режаларининг заруряти. Макроиқтисодий индикаторларни режалаштиришда Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий Банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя вазирлиги, ДСҚ, ДРҚ, ДТҚ, ТИАИСВ ва бошқа вазирлик ҳамда ташкилотларнинг роли ва ўрни. Тармоқлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини индикатив режалаштириш. Вазирликлар ва идоралар томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда амалга ошириладиган тармоқ дастурлари. Тармоқнинг индикатив режаси. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторларини прогноз кўрсаткичлари (ЯИМ, аҳоли даромадлари). Саноат ишлаб чиқариши, ноишлаб чиқариш соҳаси, қурилиш ҳажмларининг режалари. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг тармоқ ичидаги улушлари. Жамғариш ва истеъмол қилиш улушлари. Инвестициялар ва жалб қилинадиган ишлаб чиқариш ҳамда меҳнат ресурслари ҳажмларининг режаси.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, Т-схемаси, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; А3; Қ1; Қ4; Қ9; ИС1; ИС2; ИС4; ИС7.

Таълим бериш ва ўқитиш

Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (думалок

услуги:	стол, кейс стади, мастер-класслар)		
Мустақил ишлар:	Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдимот, рефератлар, кейслар, докладлар, кроссвордлар, постер, проспект, эссе ва х.з		
Маслаҳатлар топшириқларни топшириш ва вақти	Чоршанба Шанба	14.30-15.30 11.00-13.00	Ауд. 1/226 Ауд. 1/226
Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари, ва тартиби:			
Баҳолаш усуллари	Экспресс тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва х.з.		
Баҳолаш мезонлари	86-100балл «аъло» 71-85 балл «яхши» 55-70 балл«қониқарли» 0-54 балл«қониқарсиз»		
	Рейтинг баҳолаш турлари	Макс.балл	Ўтқизиш вақти
	Жорий назорат:	35	
	маъруза машғулотларда фаоллиги, мунтазам равишда конспект юритиши учун	6	Семестр давомида
	Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши	9	
	Амалий машғулотларда фаоллиги, саволларга тўғри жавоб берганлиги, амалий топшириқларни бажарганлиги учун	20	
	Оралик назорат		
	Биринчи оралик назорат ёзма иш (амалий машғулот ўқитувчиси томонидан қабул қилинади).	15	10 ҳафта
	Иккинчи оралик назорат (маърузачи ўқитувчиси томонидан қабул қилинади). Иккинчи оралик назорат 2 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич, 10 балл-талаба яқка тартибда топшириқлар олади ва химоя қилади. Иккинчи босқич, 10 балл-талабалар кичик гуруҳларга бўлинади (ҳар бир гуруҳда талабалар сони 5-7 тагача бўлиши мумкин), ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқлар берилади ва химоя қабул қилинади. Топшириқлар 2-3-ҳафталар оралиғида талабаларга бириктирилади.	20	17-ҳафта

	Гуруҳнинг фаоллиги, берилган топшириқни назарий ва амалий жиҳатдан ёритилиши, хулосаларнинг мантикий боғлиқлиги, креатив мулоҳазаларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни билиши ва бошқа талабларга мослиги ҳисобга олинади. Гуруҳдаги ҳар бир талабага 0-10 оралиғида бир хил балл қўйилади. Ҳимоя кафедра мудири томонидан тасдиқланган график асосида дарс машғулотларидан сўнг ташкил этилади		
	Яқуний назорат	30	20 ҳафта
	Ёзма иш	30	
	ЖАМИ	100	
Ахборот ресурс база:			
Асосий адабиётлар:	1. Беркинов Б.Б., Ярмолик Е.А., Қувноқов Ҳ.Қ. Индикатив режалаштириш: ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисодчи, 2011.-199 б. 2. Беркинов Б.Б., Абдуллаев А.М., Ашурова Д.С., Тавакалов Ж.Т. Минтақаларни ижтимоий – иқтисодий ривожланишини прогнозлаштириш: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, Иқтисодчи, 2011. – 173 бет. 3. Басовский Л.Е. Прогнозирование и планирование в условиях рынка: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2006.		
Қўшимча адабиётлар:	1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. – 267 б. 2. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14. 3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Халқ сўзи. 19.01.2013 й. 4. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”.// Халқ сўзи. №12 (5342), 18.01.2014 й. 5. А.Ўлмасов, А.Вахобов. Иқтисодиёт назарияси. Т.: 2006, 420 б. 6. Владимиров Л.П. Прогнозирование и планирование в условиях рынка: Учебное пособие. – М.: 2005. 7. Пивоваров К.В. Планирование на предприятии. Учебное пособие. -М.: 2005, 230 стр. 8. Садиков А.М. Основы региональной экономики. Монография. –Т.: Иқтисод-молия, 2005. 280 б. 9. Хидиров А.М. Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва унинг асосий соҳаларини индикатив режалаштириш. Магистрлик диссертацияси. –Т.: ТДИУ, 2013. – 91 б.		
Илмий журналлар:	“Экономическое обозрение”, Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, “Иқтисодиёт ва таълим”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар”, “Экономист”, “Вопросы экономики”		
Даврий наишлар:	“Халқ сўзи”		
Статистик наишлар:	1. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. Госкомстат Узбекистана.		

	2. Статистическое обозрение Узбекистана. Госкомстат Узбекистан в цифрах. – Т.: Госкомстат Узбекистана. “Ўзбекистон иқтисодиёти” ахборот-таҳлил бюллетени
Интернет ресурслар:	www.economics.ru 2. www.ved.ru 3. www.ser.uz 4. www.uza.uz 4. www.ifmr.uz 5. www.Lex.uz 6. www.marketing.ru 7. www.brand.uz

1.3 МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

“Индикатив режалаштириш” фани бўйича маъруза машғулотларининг календарь тематик режаси

т/р	Маъруза мавзулари	Соат
1	2	3
	1-мавзу. Бозор иқтисодиётида режалаштиришнинг моҳияти ва роли	4
	1-маъруза машғулот	2
1.	Ўзбекистонда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш стратегиялари	
2.	“Соғлом бола йили” давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар ва саноат ривожланиши	
3.	Индикатив режалаштириш фанининг мақсади, мазмуни ва предмети	
	2-маъруза машғулот	2
1	Прогноз қилиш, режа ва дастурларнинг ўзаро боғлиқлиги	
2	Бозор ҳўжалигини давлат йўли билан тартибга солиш—индикатив режалаштиришнинг объекти сифатида	
3	Индикатив режалаштиришнинг моҳияти ва унинг ижтимоий-иқтисодий вазиятларни тартибга солишдаги роли	
	2-мавзу. Жаҳон иқтисодиётида индикатив режалаштиришнинг эволюцион ривожланиши ва тартибга солиниши ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолати	2
1	Индикатив режалаштириш шакллари эволюцияси	
2	Жаҳонда, шу жумладан Ўзбекистонда прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг ҳолати	
3	Ўзбекистон Республикасида индикатив режалаштириш концепцияси. Индикаторлар тизими	
	3-Мавзу. Бозор ҳўжалигида режалаштириш методологияси ва уларни ташкил этиш	2
1	Индикатив режалаштириш методологиясининг тизими	
2	Бозор шароитида мувозанатлашган режалаштиришнинг зарурияти	
3	Дастурий-мақсадли (стратегик) режалаштириш	

	4-Мавзу. Режалаштириш бошқарув воситаси сифатида	4
	1-маъруза машғулот	2
1	Режалаштириш тушунчаси ва унинг мақсадлари	
2	Режалаштиришнинг асосий вазифалари ва босқичлари	
1	2	3
3	Режалаштириш муддати аниқлиги, мақсадларнинг йўналтирилганлиги	
	2-маъруза машғулот	2
1	Қарор қабул қилишнинг асосий усуллари. Муқобил вариантларни топиш	
2	Корхонада режалаштиришнинг таркибий қисмлари	
3	Қишлоқ хўжалигини режалаштиришда прогнозлашнинг аҳамияти	
	5- Мавзу. Индикатив режалаштиришнинг ташкилий асослари	2
1	Индикатив режалаштиришни ташкил этиш	
2	Индикатив режалаштиришда иқтисодчиларнинг функциялари ва мажбуриятлари	
3	Иқтисодиёт кўрсаткичларини индикатив режалаштиришда ахборот технологияларининг устунликлари	
	6-Мавзу. Индикатив режалаштириш ва иқтисодий ҳодисаларнинг тамойиллари	2
1	Индикатив режалаштириш функциялари	
2	Индикатив режалаштириш методологиясининг асосий қоидалари	
3	Иқтисодий инқирозлар ва режалаштириш тажрибалари	
4	Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт концепциялари	
	7-Мавзу. Индикатив режалаштириш усуллари	4
	1-маъруза машғулот	2
1	Асосий индекторлар тизими ва индикатив режалаштиришнинг асосий гуруҳлари	
2	Индикатив режалаштиришда умумий ёндашувлар	
3	Индикатив режалаштиришда тизимли ёндашув	
	2-маъруза машғулот	2
1	Режалаштиришнинг норматив усуллари	
2	Режалаштиришнинг иқтисодий-математик усуллари	
3	Мунтазам хатоларни аниқлаш ва ахборот базаси	
	8-Мавзу. Индикатив режалаштиришда ижтимоий- иқтисодий ривожланиш стратегияси шартларини аниқлаш	2
1	Сиёсий қарорлар вариантларининг ижтимоий-иқтисодий тизимлар ривожланишига таъсири	
	Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясини таркиби	
3	Иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида режа сценариясини шакллантириш шартлари	
	9-Мавзу. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида индикатив режалаштиришнинг стратегик мақсади ва вазифалари	4
	1-маъруза машғулот	2
1	Минтақавий индикатив режалаштириш – минтақа бошқарув тизимининг асосий унсури	
2	Минтақавий режаларни ишлаб чиқишнинг асосий йўналишлари	
3	Минтақани комплекс тарзда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури	
	2-маъруза машғулот	2
1	Минтақавий режалаштириш муаммолари ва минтақага инвестиция жалб этиш сиёсати	

2	Ўзбекистонда минтақавий режалаштириш амалиёти	
3	Минтақада уй хўжаликлари ривожланиши кўрсаткичлари прогнози	
1	2	3
	10-Мавзу. Молиявий оқимлар индикатив режалаштириш ва тартибга солишнинг объекти сифатида	4
	<i>1-маъруза машғулоти</i>	2
1	Бюджетлаштириш ва бюджетнинг асосий тушунчалари	
2	Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати ва уларни бошқаришда бюджет ресурсларининг аҳамияти	
3	Давлат бюджети режаси ва бюджетни режалаштириш шакллари	
	<i>2-маъруза машғулоти</i>	2
1	Мамлакат бюджетини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби	
2	Истиқболли молиявий режалаштириш	
3	Йиғма молиявий баланс ва унинг таркиби	
	11-Мавзу. Демографик жараёнларни прогноз қилиш	4
	<i>1-маъруза машғулоти</i>	2
1	Ўзбекистонда аҳоли ва меҳнат ресурслари динамикаси	
2	Демографик прогноз қилишнинг моҳияти	
3	Демографик прогнозлар таснифи	
	<i>2-маъруза машғулоти</i>	2
1	Аҳоли ўсишини прогноз қилиш усуллари	
2	Режалаштиришда инсон ривожланишининг индикаторлари	
3	Аҳоли бандлигининг индикаторлари	
	12-Мавзу. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни индикатив режалаштиришнинг ҳолати	6
	<i>1-маъруза машғулоти</i>	2
1	Ишлаб чиқариш ва унинг асосий соҳаларини индикатив режалаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши	
2	Индикатив режа тузишда иқтисодий органларнинг функционал ҳамкорлиги	
3	Режаларни амалга ошириш механизмлари ва воситалари	
	<i>2-маъруза машғулоти</i>	2
1	Аҳоли ўсиш индекаторини прогнозлаш	
2	Ялпи ички маҳсулот индекаторлари прогнозлари	
3	Аҳоли даромадлари ва харажатлари индекаторлари	
	<i>3-маъруза машғулоти</i>	2
1	Минтақа салоҳиятини баҳолаш. Саноатни ривожлантириш	
2	Минтақани ривожлантириш стратегияси ва уни амалга оширишнинг ташкилий жиҳатлари	
3	Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегияси прогнози	
	Жами	40

II. ФАННИНГ МАЗМУНИ ВА АХБОРОТ - РЕСУРС ТАЪМИНОТИ

2.1 МАВЗУЛАР БЎЙИЧА МАНТ АННОТАЦИЯСИ

1-Мавзу.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА РОЛИ

- 1.1. Индикатив режалаштириш фанининг мақсади, мазмуни ва предмети.
- 1.2. Бозор хўжалигини давлат йўли билан тартибга солиш— индикатив режалаштиришнинг объекти сифатида.
- 1.3. Индикатив режалаштиришнинг моҳияти ва унинг ижтимоий-иқтисодий вазиятларни тартибга солишдаги роли.

1.1. Индикатив режалаштириш фанининг мақсади, мазмуни ва предмети

Курснинг мақсади – бўлажак мутахассисни индикатив режалаштиришнинг мазмун – моҳияти ва иқтисодий ривожланишни асослаш методологиясига ўқитишдан иборат. "Билимлар – йўлни йўлсизликдан фарқлаш учун мавжуд", - деган эди шарқ мутафаккирларидан бири. Илмий олдиндан кўра билиш тамойиллари ва усуллари билиш бўлғуси мутахассисга содир бўлаётган ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга ва турли вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради.

Иқтисодий ривожланишни илмий олдиндан кўра билиш методологиясини ўрганиш “Индикатив режалаштириш” **курснинг предмети** ҳисобланади. Ҳар қандай бошқариш прогноз ёки режа шаклида илмий олдиндан кўра билишни талаб қилади. Бу - хўжалик юритишнинг исталган соҳасини бошқариш аксиомаси. Бироқ амалиёт учун исталган прогноз ёки режа эмас, балки келажакнинг яхши асосланган тимсоли керак. Ҳақиқий воқеаларнинг назарда тутилаётган воқеаларга мос келиши асослаш сифатининг бош мезони бўлади, бу иқтисодиёт ривожини танланган устувор йўналишлар мақсадларига яқинлаштиради.

Курснинг мазмуни давлат даражасида ҳам, тармоқ, корхона даражасида ҳам индикатив режалаштириш жараёнининг назарий-амалий масалаларини ўз ичига олади. Иқтисодий олдиндан кўра билиш табиати, кўрсаткичлар ва параметрлар таснифи, мутахассисларнинг прогнозлаштириш ва режалаштириш масалалари бўйича фикрлари ва қарашлари, хорижий мамлакатларнинг ушбу соҳадаги тажрибаси, фаолиятнинг турли соҳаларини иқтисодий жиҳатдан асослаш, шу жумладан ривожланиш стратегияларини танлашга нисбатан тавсия этилаётган ёндашувлар, танланган қарорларининг иқтисодий самарасини аниқлаш, режа таркиби, мамлакатда режали ишни такомиллаштириш вазифалари – буларнинг барчаси ва қатор бошқа масалалар ўрганилаётган

фаннинг мазмунини ташкил қилади. Мазкур курсни билиш бўлажак мутахассисга танланган хўжалик юритиш мақсадлари, кўзланган натижаларга эришиш, фаолият кўрсатишнинг иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган ҳаракатларни малакали асослаш имконини беради.

Курснинг методологик асосини диалектика ташкил этади. Айнан диалектика, кўплаб илмий фанларнинг методологияси бўлгани ҳолда, мутахассисга турмуш, жамият ва тафаккур ривожланишининг умумий қонуниятлари ҳақидаги билимни беради. Хўжалик юритиш муҳитини тушунишни белгилаб берувчи унинг категориялари ҳаёт фаолияти унсурларининг туташиб нукталарини аниқлаш, уларда бир лаҳзали ва тасодифий ҳолатларни олиб ташлаб, объектив ва алоҳида ҳолатларни кўриш имконини беради.

Диалектика категориялари ва қонунлари иқтисодий ҳодисалар тадқиқотлари қоидалари ва усуллари тушунишга ёрдам беради. Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил исталган режалаштириш жараёнининг мажбурий қисми ҳисобланиб, у ниҳоясига етгач, алоҳида ҳисоб-китобларнинг ўзаро таъсири ва тўлдиришини текшириш орқали уларни синтез қилиш зарур. Бунда фанларни билиш диалектикаси намоён бўлади.

Индикатив режалаштиришнинг замонавий амалиёти давлатнинг ўтмишдаги кўрсатмали режалаштиришини тубдан қайта англаб етади. Бироқ, бир неча йилдан сўнг режалаштириш даражасига нисбатан янги талаблар режалаштириш назариясининг кўплаб ҳозирги талқинларидан воз кечишга мажбур қилади. Мана шунда ҳам – курсни ўрганиш диалектикаси ҳар қандай илмий фан ривожланишининг қонуний жараёни ҳисобланади, чунки янгидан жамғарилган тажриба, одатда, вақт ўтиши билан илгариги ёндашувларнинг мақсадга мувофиқлигини инкор қилади, уларнинг фаолият юритишнинг янги шароитларига хос бўлган сифат жиҳатдан янги таркибини белгилаб беради.

1.2. Бозор хўжалигини давлат йўли билан тартибга солиш—

индикатив режалаштиришнинг объекти сифатида

Иқтисодий мустақилликнинг мустаҳкамланиши билан ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солиш зарурати янада қатъийлашди. Янги шароитда давлатнинг тартибга солувчи роли иқтисодиётни ривожлантиришнинг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини яратиш, фаол саноат, ташқи иқтисодий, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ҳамда ҳаётни таъминловчи муҳим тизимлар – инфратузилма, фан-техника соҳаси, фуқаролар ҳавфсизлигини тўғридан-тўғри давлат йўли билан бошқаришдан иборат. Ривожланган мамлакатларда индикатив режалаштириш иқтисодиётни тартибга солишнинг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади.

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўп қиррали, кўп омилли ва зиддиятли бўлиб, шунинг учун прогнозлар ва режалар одатда эҳтимолий ўзгаришларни баҳолаш учун кўп вариантлидир. Бу иқтисодий тизимнинг

ривожланишидаги ўтиш, танглик босқичлари шароитида жуда муҳим, чунки бунда у беқарор бўлиб қолади.

Прогнозлар давлат органлари учун, биринчи галда, узоқ муддатли ва ўрта муддатли даврларга мўлжалланган ривожланишнинг устувор йўналишлар ва стратегияларини асослаш учун, яъни *индикатив режаслаштириши* учун зарур. Марказлашган-режали тизимдан бозор иқтисодиётига ўтиш *режаслаштиришнинг роли ва аҳамиятини* тубдан оширди. Илгари асосий қарорлар иттифоқ марказида қабул қилиниб, улар фан-техника тараққиётининг йиғма дастури ва уларнинг 20 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, 15 йилга мўлжалланган мамлакатнинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш бош схемаси каби узоқ муддатли прогнозларга асосланар эди. Эндиликда корхоналар, ташкилотлар, банклар, холдинглар хўжалик қарорларини қабул қилади ва улар оқибатлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Сифатли прогнозлар учун талаб кескин ошди. Улар эндиликда бозорнинг барча агентларига талаб этилади. Бироқ ҳар бир тадбиркор миллий ва жаҳон хўжалигидаги ўзгаришларни олдиндан кўра билишга қодир эмас. Давлат органлари ва илмий ташкилотларнинг роли ҳамда прогнозларнинг асослилиги ва ишончилиги учун жавобгарлиги ошди.

1.3. Индикатив режаслаштиришнинг моҳияти ва унинг ижтимоий-иқтисодий вазиятларни тартибга солишдаги роли

Ижтимоий – иқтисодий ривожланишни прогнозлаштириш жараёни монанд равишда ҳаётнинг объектив шарт-шароитларини, иқтисодиёт субъектлари манфаатларини акс эттирувчи объектив омилларни ўз ичига олувчи режаслаштириш жараёнига айланади. Бозор иқтисодиётида омилларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш режалар орқали эришилади.

Режа – бу хўжалик юритиш муҳитининг конъюнктурали прогнози асосида барпо этилган бўлиб, ижрочилар, вақт ва ресурслар билан таъминланган тадбиркорлик субъекти томонидан олдинга қўйилган мақсадларга эришиш ишчи воситасидир.

Режанинг юқорида келтирилган таърифи қуйидаги асосий сўзларни ўзида мужассам этган:

"Восита" – бу режа мақсаднинг ўзи эмас, балки мақсадга эришиш воситаси эканлигини англатади. Мақсадга эришиш воситаларининг мажмуи иқтисодий, рухий, тижорат, ташкилий, кадрлар, технологик ва бошқа ҳарактларни ўз ичига олади. Мақсадга эришиш воситалари ўзгариши мумкин ва "ишчи воситаси" тушунчасининг мазмуни ана шундан иборат. Бундай ёндашув режани мослаштиришнинг унинг барқарорлигидан усунлигини англатади;

"Олдинга қўйилган мақсадларга эришиш" – хўжалик юритиш объекти ходимларининг шахсий ва жамоавий манфаатларининг қониқишини белгилаб беради. Мақсад – исталган натижа ва режадаги интилишлар маркази сифатида белгиланган муддатга аниқ амалга оширилиши лозим;

«Конъюнктура прогнози асосида» – бу шуни англатадики, режа ижрочиларининг субъектив ҳаракатлари асосида уларнинг хўжалик муҳити

мавжуд бўлишининг объектив қонуниятларини тушуниши ва ундан фойдаланиши: бозор механизмини билиш ва режалаштиришнинг дастлабки қисми сифатида прогнозни ишлаб чиқиш ётади;

"Ижрочилар, вақт ва ресурслар билан таъминланган" – шуни англатадики, ҳаракатлар режаси ресурслар билан таъминланиши шарт, яъни ижро этиш муддатлари бўйича моддий, меҳнат, молиявий ва интеллектуал ресурслар билан таъминланган бўлиши керак. Бундай таъминотсиз режа ҳаёлга айланади.

Режанинг юқорида келтирилган таърифи асосида режалаштиришнинг асосий мақсади ва асосий вазифасини таърифлаш мумкин. *Режанинг асосий мақсадини* амалга оширилган воқеа ташкил этади. *Режалаштиришнинг асосий вазифаси* ижрочилар, вақт ва ресурслар бўйича мувазанатлашган мавжуд ресурс чекловлари шароитида ҳаракатларни танлашдан иборат.

Режалаштириш ҳам устунликларга, ҳам камчиликларга эга.

Режалаштиришнинг устунлик томонлари:

- вазифани оқилона тарзда ва кам ҳаражатлар билан ҳал этишга уриниш;
- ҳўжалик юритиш муҳитининг бўлажак устунликларидан фойдаланишга чуқур ўйлаб тайёргарлик кўриш;
- ижрочилар ҳаракатларини мувофиқлаштиришни яхшилаш;
- манфаатдор шахсларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ҳисобидан кучларни сарфлашнинг жамоавий имкониятларини кучайтириш;
- чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- воқеаларни назорат қилиш имконияти ва фаолиятдаги муаммоларни аниқлаш.

Режалаштиришнинг камчиликлари:

- режада, айниқса мураккаб ташкил этилган тизимларда ҳаёт шароитларининг барча хилларини акс эттириш имкониятининг йўқлиги;
- қабул қилинган қарорнинг барқарорлиги, бу бизнеснинг ўзгарувчан шароитида зарар келтириши мумкин;
- режани ишлаб чиқиш учун ресурслар (вақт ва маблағлар) зарурлиги.

Режалаштириш бўйича хорижлик мутахассислар режани ишлаб чиқишга нисбатан ўз муносабатларини қуйидагича билдирадилар:

1) муваффақиятни режалаштиришнинг узоқ вақтли (одатда 2 йилдан ортиқ) тажрибаси келтиради;

2) тадбиркор учун йирик муваффақиятлар кўпинча режалаштиришнинг эмас, балки омаднинг, унинг ишбилармонлик ва ижодий қобилиятининг натижаси ҳисобланади;

3) режалаштириш фаолиятда устунликни ҳосил қилади.

Шунинг учун фойдаланишнинг қулайлиги нуқтаи назаридан режанинг қуйидаги *шакллари* мавжуд:

- зарурий ҳужжатлар тўплами;
- тузилманинг ички мантиғини акс эттирувчи тузилмалар;
- табақаланган вазифалари кўрсатилган ҳолда ижрочилар рўйхати;
- назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатлар рўйхати;

- зарур ҳаракатларнинг изчиллигига мувофиқ кўрсатилган ижро этиш муддатлари;
- харажатлар сметалари;
- олдинга қўйилган вазифалар сонли ифодаланиши иқтисодий самарасининг ҳисоб-китоби.

Ривожланган капиталистик мамлакатларда синовдан ўтган иқтисодиётни тартибга солиш институтлари, шу жумладан индикатив режалаштиришдан фойдаланишдан воз кечиш, масалан, жаҳон иқтисодиётининг 2008 йилдан бошлаб чуқур инқирозга юз тутишига сабаблардан бири ҳисобланади. Унга барҳам бериш, сўнгги йиллардаги ўнлаб иқтисодий мақолаларда таъкидланганидек, иқтисодиётга давлат таъсирининг кучайишини, шу жумладан индикатив режалаштиришнинг амалий тизимини ташкил этишни назарда тутди. Бироқ бунда хўжалик механизмини бюрократлаштиришга нисбатан ҳаддан зиёд марказлашувга йўл қўмаслик лозим. Ж.К.Гэлбрейтнинг сўзларига кўра, «режалаштириш манфаатларини эмас, балки жамият манфаатларини акс эттирувчи режалаштириш талаб этилади»⁴. Яна бир бор шуни таъкидлаш лозимки, режалаштириш бозор рағбатлари асосида амалга оширилиши лозим. Режа билан бозорнинг ўзаро таъсири бўйича чет эл ва мамлакатимиз (ҳам ижобий, ҳам салбий) тажрибасини ҳисобга олиш ҳамда, энг асосийси, уни ҳозирги шароитга мослаштириш зарур.

Афсуски, индикатив режалаштириш мавзуи биздаги адабиётларда етарлича намоён этилмаган. Чет эл тажрибасини ёритувчи ва Ўзбекистонда индикатив режалаштиришни амалга киритиш юзасидан муайян хулосалар ва тавсияларни ўзида мужассам этмаган ишлар кўпчиликни ташкил қилади. Индикатив режалаштириш тушунчасининг умумий эътироф этилган таърифи мавжуд эмас.

Индикатив режалаштиришнинг моҳияти ва мазмуний ўзига хослигини ишлаб чиқишнинг муҳим назарий-методологик йўналишлари италиялик олим Б.Даллаго томонидан тадқиқ этилган. Унинг таъкидлашича, «индикатив режалаштириш давлат бошқарувининг онгли фаолияти сифатида таърифланадиган макроиқтисодий режалаштиришнинг бир тури бўлиб, унинг мақсади маълум вақт ўтиши билан умуман миллий иқтисодиётни исталган ҳолатга олиб келишдан иборат»⁵.

Хитойлик муаллифлардан бирининг ёзишича: «Хитойда макроиқтисодий режалаштириш иқтисодиётнинг хусусий ва давлат секторларини уйғунлаштиришга асосланган. Давлат корхоналарининг фаолияти иқтисодий мустақиллик шароитида амалга оширилиши туфайли, бизнингча, Хитойда режалаштириш директив эмас, балки индикатив хусусиятга эга»⁶. Ушбу тушунча “кечки” иттифокдаги тўлиқ хўжалик ҳисобида шароитида халқ хўжалигини режалаштиришнинг талқин этилишига, шунингдек қуйидаги замонавий талқинга жуда яқин: «Индикатив режалаштириш – бу мамлакат

⁴ Гэлбрейт Дж.К. Экономические теории и цели общества. – М.: Прогресс, 1979 г. – 168 с.

⁵ Даллаго Б.. Есть ли будущее у макроэкономического планирования в Восточной Европе? // Российский экономический журнал. 1992 г. № 3. – с.105..

⁶ Цзиньвэнь Ли. Роль государственного регулирования в экономике Китая // Вопросы экономики. 1997 г. №7. – с.156..

иқтисодиётининг давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида мос келадиган ҳолатини ва ривожланишини тавсифловчи параметрлар (индикаторлар) тизимини шакллантириш ва кўрсатилган индикаторларга эришиш мақсадида ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга давлатнинг таъсир этиши чоратадбирларини белгилаш жараёни»⁷. Яна бир таъриф: «Индикатив режалаштириш шуни англатадики, давлат бутун миллат манфаатлари йўлида, минтақалар, шунингдек бозор субъектларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда бутун халқ хўжалигини (шу жумладан хусусий секторни) иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқади; муайян хўжалик йўналишларини, шу жумладан макроиқтисодий параметрларни ва ресурслар билан таъминланган таркибий кўрсаткичларни белгилайди. Бу билан мулкчиликнинг барча шаклларидаги тадбиркорларнинг ҳам, минтақаларнинг ҳам умуман жамият учун муҳим бўлган лойиҳаларнинг амалга оширилишидаги манфаатли иштироки мотивацияланади».

Сўнгги келтирилган ёндашув амалда иккинчи ёндашувга боғланади, унга кўра индикатив режалаштириш – хусусий корхоналарни давлат томонидан ифодаланган вазифаларнинг бажарилишига йўналтириш: “Японияда умумдавлат иқтисодий режалаштириш индикатив хусусиятга эга. Бошқача айтганда мамлакатда ишлаб чиқиладиган умумдавлат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режалари расмий қонунлар ҳисобланмайди, балки иқтисодий тузилманинг алоҳида бўғинларини миллий манфаатлардаги ушбу дастурларнинг бажарилишига йўналтирувчи ва сафарбар этувчи давлат дастурларини ўзида намоён этади”⁸.

Учинчи ёндашув тарафдорлари кўплаб мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда шуни алоҳида таъкидлашадики, индикатив режалаштириш давлат учун ва давлат сектори учун мажбурий вазифаларни ўзида мужассам этган. Хусусий корхоналар, ҳатто бу улар учун мажбурий бўлмасда, бозор тизимидаги энг қудратли “ўйинчи” – давлатнинг режаси остида индикатив режалаштиришга йўналтирилади. Ўз навбатида ўтиш давридаги давлат режасини “иқтисодиётнинг турли секторларини, биринчи галда, давлат секторини марказлашган тарзда бошқаришни ва билвосита тартибга солишни амалга оширувчи кўрсаткичлар тизими сифатида талқин этиш таклиф қилинади. У корхоналар, тармоқлар ва республикалар учун фақат ахборот аҳамиятига эга бўлган йўналтирувчи кўрсаткичларни (назорат рақамларини) ҳам, кўрсатмали кўрсаткичлар – давлат буюртмаси (тармоқлараро ва республикалараро маҳсулот етказиб бериш топшириқларини ўзида мужассам этган марказлашган тарзда бошқаришнинг муҳим шакли), меъёрлар, иқтисодий тартибга солувчиларни (шу жумладан нархлар, солиқлар, фоиз ставкалари, иқтисодий меъёрларни) ҳам ўз ичига олади”⁹.

Тўртинчи ёндашувга мувофиқ индикатив режалаштириш – давлат ва иқтисодиётнинг бошқа субъектларининг ҳаракатлари ва манфаатларини

⁷ Хлынов В. Общегосударственное планирование рыночной экономики // Экономист. 1994 г. №4. – с.90..

⁸ Безруков В. Организация государственного планирования и регулирования экономики // Плановое хозяйство. 1990 г. № 3. – с.69..

⁹ Ильина Р. Об индикативном (рекомендательном) планировании в капиталистических странах // Плановое хозяйство. 1990г. № 11. – 108 с.

мувофиқлаштириш механизми. Гап шундаки, ахборот аҳамиятидан ташқари бундай режалаштириш мувофиқлаштирувчи ролни ҳам ўйнайди, яъни “марказ”, тармоқлар ва корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш-хўжалик дастурларининг мустақил равишда ишлаб чиқилиши жараёнида улар фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутди. Ушбу нуқтаи назарга қўшилувчи муаллифлар биринчи галда француз амалиётидан келиб чиқади, унда индикатив режалаштириш институти максимал даражада ривожланган бўлиб, унинг доирасида «ҳукумат иқтисодий ривожланишга қарорлар қабул қилиш ва кўрсатмалар беришдан кўра, кўпроқ мувофиқлаштириш ва ахборот билан таъминлаш орқали таъсир кўрсатади. Ҳукумат ва хусусий тадбиркорлар ўртасида режалар ва ахборот алмашуви натижасида ҳукумат ташкилотлари линияси бўйича ўзаро боғлиқ лойиҳаларни ўз ичига олувчи иқтисодий ўсиш схемаси аниқланиши керак. Миллий иқтисодий режа схемаси ана шундай умумий кўринишга эга»¹⁰. Франция иқтисодиёти бўйича мутахассисларнинг таъкидлашларича, ушбу мамлакатда индикатив режалаштиришга ўтиш «давлат билан хусусий бизнес нуқтаи назарини демократик асосда мувофиқлаштириш» имконини берди, улар Франция режалаштириш тизимининг «демократик хусусиятига» алоҳида фактологик урғу беришади, бу «давлат бошқаруви органларига хўжалик жараёнларини давлат бюрократияси бозор субъектларининг самарали фаолият кўрсатишини тўсқинлик қилмайдиган даражада тартибга солиш имконини беради. Оддий “юқоридан қуйига” иерархик тизимни ўрнатиш ўрнига маслаҳат бериш ва келишиш тамойилларига асосланган ва турли “жамоавий манфаатлар” вакиллари: давлат хизматчилари, тадбиркорлар, касаба уюшмалари, истеъмолчилар уюшмаларининг тенг ҳуқуқли иштирокини ўз ичига олувчи “қуйидан” режалаштириш қарор топди. Мазкур тизимга мувофиқ, режа кўп пағонали интеграциялар натижасида пайдо бўлади ва унинг амалга оширилишига нисбатан консенсусдан барча иштирокчилар манфаатдордир. Шу билан бирга режа кўрсаткичлари мажбурий (кўрсатмали) ҳисобланмайди, балки кутилаётган иқтисодий конъюнктурага нисбатан иқтисодий индикаторлар – ахборот тарқатувчилар сифатида иштирок этади».

Шундай қилиб, индикатив режалаштиришнинг мувофиқлаштирувчи функцияси асосий функция ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектларни ахборот билан таъминлаш, у ёки бу шаклда режа топшириқларини бажаришга йўналтириш ва рағбатлантириш марказлашган-кўрсатмали тизимда ҳам мавжуд. Айнан давлат институтлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тенг ҳуқуқли ўзаро ҳаракати индикатив режалаштиришни амалга оширади. Режани бажаришнинг мажбурий эмаслиги ҳал қилувчи ролни ўйнамайди, энг асосийси –корхоналар ва улар бирлашмаларининг, шунингдек бошқа мустақил субъектларнинг, шу жумладан минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотларининг режалаштириш жараёнига бевосита жалб этилганлиги. Индикатив режалаштириш бир вақтнинг ўзида иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш институти сифатида ҳам, уни ўзини ўзи тартибга солиш институти сифатида ҳам иштирок этади.

¹⁰ Калмыков Ю. Регулирование экономики (опыт Франции) //Плановое хозяйство. 1990 г. №9. - 102 с.

"Индикатив" атамаси амалда иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг бевосита эмас, балки билвосита усуллари англатган ҳолда "директив" (кўрсатмали) тушунчасининг антоними ҳисобланади. Индикаторлар мажмуини қўллаш – бу қулай ижтимоий-иқтисодий муҳитни билвосита шакллантириш усулидир.

Индикатив режалаштириш шароитида режа ҳужжатлари фақатгина умуман иқтисодиёт ривожини прогнозлаштиришнинг умумий доираларини ўзида мужассамлаштиради, шунингдек давлат харажатлари ва инвестициялар, давлат корхоналарининг жорий харажатлари тўғрисидаги қарорларни қайд этади. Бу ерда режанинг бевосита вазифаси хусусий сектор хўжалик юритувчи субъектларининг қарорларини бевосита белгилаб бермайдиган давлат ресурсларидан фойдаланишни мувофиқлаштиришдан иборат бўлади. Бироқ макропараметрлар (шу жумладан иқтисодий ўсишнинг прогноз кўрсаткичлари) ҳамда давлат органлари ва давлат корхоналари фаолиятининг асосий параметрлари хусусий тадбиркорлар фаолиятига таъсир кўрсатувчи иқтисодий муҳитни шакллантиришга кўмаклашишга қаратилган. Бу шуни англатадики, индикатив режалаштириш асосан талаб орқали, унинг рағбатлантирувчи (ёки чекловчи) хусусияти орқали хусусий секторга таъсир кўрсатади ва фақат ғоят билвосита тарзда – давлат корхоналари орқали – “таклиф босими”нинг тартибга солувчи роли намоён бўлади.

Индикатив режалаштиришнинг моҳиятини аниқлашда энг муҳими, у бир томондан, рақобатлашувчи фирмалар томонидан ишлаб чиқиладиган микрорежаларни (дастурларни) «синтез қилиш» фаолиятини ўз ичига олиши шарт. Иккинчидан, у умуммиллий режага мос келувчи молия-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш муаммоларини қамраб ололмайди. Учинчидан, индикатив режалаштириш халқ хўжалигини ривожлантириш мақсадларининг уларга эришиш воситалари билан оптимал тарзда боғланишини таъминлашга қаратилган. Тўртинчидан, режалаштириш жараёнининг ўзи кўп сонли кўп даражали итерацион келишувларни ва режа кўрсаткичларининг мувазанатлашганлигини текширишни назарда тутати.

Методологик воситаларни ўрганиш индикатив режалаштиришнинг урушдан кейинги йилларда синаб кўрилган модел воситалари ва тартибот алгоритмларини қўллаш амалиётини умумлаштирувчи Ғарбнинг қатор йирик илмий ишларига таяниши мумкин. Улар жумласига уч хилдаги моделлар киради: а) бир неча ўнлаб тармоқлар нуктаи назаридан (моддий-ашёвий ва пул жиҳатларини ажратган ҳолда) ўрта муддатли режалаштириш ва истиқболни белгилашнинг макромоделлари; б) тармоқлараро баланслар ва миллий ҳисобварақлар тизимидан фойдаланиш асосида олинган уларнинг модификациялари; в) асосан оптимал тарзда дастурлаш моделлари тоифасига кирувчи иқтисодий ўсишнинг бир даражали бўлинувчи динамик моделлар.

Шундай қилиб, индикатив режалаштириш жараёнларни уйғунлаштириш (мувофиқлаштириш): а) давлат томонидан ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган прогнозлар, бюджет режалари ва макродастурларда намоён этилган микрорежалаштириш; б) минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг прогнозлари, бюджет режалари ва дастурларида

мужассамланган ҳудудий режалаштириш; в) корхоналар режаларида амалга ошириладиган микрорежалаштириш; г) мезорежалаштириш, яъни биринчи галда «мегакорпорациялар» - тармоқлараро, минтақалараро ва халқаро молия-саноат гуруҳларидан келиб чиқувчи тармоқлар, кичик тармоқлар, ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуалари саноат узелларини режалаштириш.

2-Мавзу.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ЭВОЛЮЦИОН РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Индикатив режалаштириш шакллариининг эволюцияси.

2.2. Жаҳонда, шу жумладан Ўзбекистонда прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг ҳолати.

2.3. Ўзбекистон Республикасида индикатив режалаштириш концепцияси.

2.1. Индикатив режалаштириш шакллариининг эволюцияси

Замонавий прогнозлар ва режалар ўтмишдагиларидан биринчи галда асослаш методологияси билан фарқ қилади. Прогнозлар ва режаларни асослаш даражасининг ошиши келажак тимисолини ишлаб чиқишга нисбатан тўпланган ва башарият томонидан фойдаланиладиган илмий ёндашув тажрибасидан далолат беради. Тажрибани ижодий ўзлаштириш эса – фаолиятнинг исталган соҳасида муваффақият гаровидир. Агарда муайян иқтисодийётни оладиган бўлсак, у ҳолда ушбу соҳада прогнозлаштириш ва режалаштириш натижалари иқтисодий муносабатлар қонунлари ва тенденцияларини тўғри тушунишга, муайян ҳўжалик юритувчи субъект фаолияти шароитларини яхши билиш ва ҳисобга олишга боғлиқ.

Ўтган асрлардаёқ башарият томонидан жамиятнинг келажаги ҳақида муайян тасаввурлар шакллантирилган эди. Ҳозирги нуқтаи назардан ушбу қарашлар содда (қалок) ҳисобланади, бироқ кучли фалсафий жиҳат уларнинг бугунги кунда ҳам долзарблигини оширади. Бундай қарашлар жумласига Лао-Цза, Конфуций, Платон назарияларини киритиш мумкин. Ўрта асрларда келажак ҳақидаги тасаввурларда ижтимоий-техник хомҳаёллар (утопиялар)нинг кучли таъсири (Р.Бекон, Спиноза ва б.) сезилди. Оламнинг умумий тарққиёти ва олдиндан айтиб берилажаклигини эътироф этишда регресс концепцияси ва цикллар назарияси кенг тарқалди. Таараққиёт инсон онги такомиллашуви ва ташқи омиллар таъсирининг натижаси сифатида тушунилди. Оламни соддалаштирилган тарзда тушуниш, яъни *позитивизм* авж олди, унда фаннинг олдиндан айтиб бериш функцияси таҳлил ва ташхисдан келиб чиқдиган мантикий хулоса сифатида амалга оширилди.

Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муайян даражасига эришилиши муносабати билан утопизм ва позитивизм эволюциясидаги

бурилиш юз берди. Ғарбий Европада бу XIX асрнинг ўрталарида, Россияда XIX асрнинг 80-йилларида, Хитой, Ҳиндистон ва Осиёнинг бошқа мамлакатларида янада кечроқ содир бўлди.

Ҳамма вақт жамият ривожини прогнозлаштириш билан бир қаторда хўжалик ҳаёти ҳам прогноз қилинган. Ҳар қандай тарихий даврда хўжалик юритиш объектининг эгаси ўз қарорларининг эҳтимолий оқибатларини кўриб чиқиши лозим эди. Масалан, ҳосил қандай бўлади, уни қандай нархда сотиш ва олинган даромаддан қандай фойдаланиш мумкин.

Албатта, давлат бошлиқлари ҳам ўзининг иқтисодий тасаввурларига ва уларга эришиш воситаларига эга эди. Кўзланган ҳукумдорлик қарорларига эришиш воситалари жумласига жазолар, солиқлар ва совғаларни киритиш мумкин. Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши билан жазоловчи чоралардан билвосита чораларни қўллашга ўтиш кўзга ташланди. Олдинга қўйилган мақсадларга эришишнинг иқтисодий воситаларини шулар жумласига киритиш мумкин. Турли мамлакатлар бошлиқларининг ўз фуқароларининг даромадларига “таъсир кўрсатиши”нинг турли чораларини, савдогарлар ҳуқуқларининг тартибга солинишини (маълум турдаги товарларни мамлакатга олиб келиш ва ундан олиб чиқиш учун рухсат), биржалар ва банкларни ташкил этиш ва уларнинг ишлашини назарда тутувчи фармонлари бизга яхши маълум. Лекин XX асрнинг бошидан бошлаб иқтисодий прогнозлаштириш ва режалаштириш имкониятларига нисбатан қизиқиш уйғонди. Агар илгари иқтисодиёт ва маданиятни олдиндан айтиб кўриб бўлмайди деган фикр устунлик қилган бўлса, XX асрнинг бошига келиб инсонлар иқтисодиётда илмий олдиндан кўра олиш биринчи галда давлатнинг жамиятга таъсир этиши учун, шунингдек фирманинг ишларини бошқариш учун ҳам кенг имкониятларни яратишини тушуна бошлашди. Мамлакатимизда содир бўлган воқеалар иқтисодий фикрга катта туртки берди. Ушбу босқични батафсил кўриб чиқамиз.

Ўз ривожланиши жараёнида урушдан кейинги даврда индикатив режалаштириш аралаш иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солишнинг турли босқичларига мос келувчи турли шакллар орқали ўтди. ЯИМдаги давлат харажатларининг ошишига қараб бюджетнинг иқтисодий ўсиш суръатларига ва улушига таъсирининг кучайиши билан боғлиқ конъюнктура шакли индикатив режалаштиришнинг тарихан биринчи шакли бўлди. Иқтисодиётларни таркибий қайта қуриш ва уларнинг жадал ривожланиши шароитида бюджетларни солиқ тушумларини баҳолашнинг асосида ётувчи халқ хўжалигини прогнозлаштириш кўрсаткичлари билан мувофиқлаштириш зарурати пайдо бўлди. Бу ҳол ўрта ва узоқ муддатли прогнозларнинг ишлаб чиқишига олиб келди, масалан, Японияда «Миллий даромадни икки марта оширишнинг ўн йиллик режаси» (1961–1970), Канадада «Иқтисодий ўсиш йўллари танлаш» (1976–1985), АҚШда Меҳнат вазирлигининг 1986–1995 йилларга мўлжалланган прогнози шулар жумласидандир. Прогноз фаолиятининг такомиллашуви ва мураккаблашувига қараб у бюджетлашдан ҳам услубий, ҳам ташкилий жиҳатдан ажрала бошлади: агар дастлабки босқичда миллий иқтисодий режалар (прогнозлар) молия вазирликларида тузилган бўлса, 60-йилларнинг

бошидан бошлаб махсус режа органлари (Францияда режалаштириш бўйича Бош комиссариат, Канадада Иқтисодий кенгаш, Японияда Иқтисодий маслаҳат кенгаши, Нидерландияда Марказий режа бюроси ва ҳ.к.) тузилди. ЕИда режалаштириш тезда миллий даражадан юқорига чиқди, Иттифоқ органлари минтақа ҳўжалигини ривожлантиришнинг қисқа ва ўрта муддатли дастурларини тайёрлай бошлашди ва улар асосида миллий иқтисодиётлар учун тавсиялар тайёрланди. 1962 йилда «1960–1970 йилларга мўлжалланган ЕИни иқтисодий ривожлантириш истиқболлари» пайдо бўлди, сўнгра 1971-1975 ва 1976-1980 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли иқтисодий сиёсат дастурлари ишлаб чиқилди.

Селектив таркибий сиёсат доирасида солиқ имтиёзлари, имтиёзли кредитлар ва давлат йўли билан қўллаб-қувватлашнинг бошқа чоратадбирларидан фойдаланган ҳолда хусусий корхоналар ва ҳудудий ҳокимиятларнинг индикатив режаларини бажаришга киришиш мос равишда индикатив режалаштиришнинг таркибий шаклини юзага келтирди. Ундан фойдаланишда Япония катта муваффақиятларга эришди; мамлакат ҳудудини ялпи ривожлантиришнинг дастлабки режаси (1960–1970 йилларга мўлжалланган) 1962 йилда пайдо бўлди. Унда ва 1969 йилда қабул қилинган иккинчи режада (1969–1985 йилларга мўлжалланган) асосий саноат марказларидан узоқда жойлашган ҳудудларда “ўсиш полюслари”ни барпо этиш концепциясига асос солинди. Учинчи режанинг асосида “интеграциялашган” жойлаштириш концепцияси ётади, 1987 йилда эса «Халқаро уйғунликка эришиш мақсадида Япония иқтисодиётининг таркибини ислоҳ қилиш дастури» ёки «Маэкава маърузаси» тасдиқланди¹¹. Шундай қилиб, аниқ мақсадга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар, шу жумладан ишлаб чиқаришни ҳудудий фаоллаштириш чорак аср мобайнида давлат иқтисодий сиёсатининг асосий устувор йўналиши бўлиб қолди. 80-йиллар бошида юз берган молия тизимини эркинлаштиришдан кейин ҳам Япония фаол ва узоқ муддатли таркибий сиёсатни амалга оширишдан воз кечмади. Япония Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1987 йил 30 июнда тасдиқланган ва жорий асрнинг охиригача бўлган даврга мўлжалланган «Миллий ривожланишнинг тўртинчи режаси»да ҳам аввалги учта режадаги каби ҳаётнинг барча соҳаларида мамлакатни ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ифодаланди. Ушбу мақсадлар ичида энг асосийси “Давлат ҳудудини режали ривожлантиришнинг мавжуд муаммолари ва унинг хавфсизлигини таъминлаш заруратидан келиб чиқиб унинг ўзига хос имкониятларидан фойдаланишнинг кўп қирралигига эришиш, шунингдек мамлакатнинг асосий ҳудудларида аҳоли, иқтисодиёт ва давлатнинг маъмурий функцияларининг ҳаддан ташқари жамланишига барҳам бериш йўли билан алоҳида ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни ва халқаро миқёсда ҳамфикрлиликни чуқурлаштириш йўлида унинг ҳудудини ривожлантиришнинг мультиполяригига эришиш”дан¹² иборат. Индикатив режалаштиришнинг

¹¹ Соколова И. О взаимодействии федеральной и местной властей в региональных экономических программах //США: экономика, политика, идеология. 1994 г. № 1. – 83 с.

¹² Соколова И. О взаимодействии федеральной и местной властей в региональных экономических программах //США: экономика, политика, идеология. 1994 г. № 1. – 83 с.

таркибий шаклига нисбатан худди шунда эволюция Францияда якқол кўзга ташланди: мутахассисларнинг таъкидлашларича, 70-йилларнинг бошидан бошлаб «индикатив режа жамият фаровонлигини яратувчи давлатнинг режаси ҳамда давлат сиёсатига боғлиқ бўлган иқтисодиётнинг тармоқ ва минтақавий кичик тизимлари даромадлари ва харажатларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш усули сифатида кўриб чиқиладиган бошлади. Бошқа сўз билан айтганда режанинг мажбурий ва прогноз жиҳатлари аниқ бўлинган»¹³.

Аралаш иқтисодиётнинг ривожланиши ва бозорларнинг глобаллашувига қараб индикатив режалаштириш ўзининг стратегик шаклига эга бўлади. Францияда стратегик режалаштириш ғояси биринчи марта ўнинчи индикатив режада ўз аксини топди (1989–1992): ҳар бири турли хилдаги молиявий преференциялар билан таъминланган мақсадли давлат дастури мақомига эга бўлган ривожланишнинг олти асосий йўналиши белгиланди (миллий валютани мустаҳкамлаш ва бандликни таъминлаш, таълим, илмий тадқиқотлар, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ҳудудни ободонлаштириш, давлат хизматларини янгилаш). Стратегик режалаштириш функцияси Америка ҳокимият органлари томонидан ҳам шунга ўхшаш тарзда талқин этилади: «муваффақиятли рақобатга эришиш, ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, тўлиқ ишончга ва штат ва маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий кўмагига асосланган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлигига максимал тарзда кўмаклашиш учун янги қарорларни қидириб топиш»¹⁴.

Сўнгги йилларда юз берган молиявий ларзалар шуни кўрсатдики, бозорларнинг байналминлашувига қараб бозор механизмлари ролининг кучайиши кредит-молия тизими инқирозга юз тутишининг хавфини кескин оширади. Бугунги кунда, шу тариқа, нафақат миллий даражада, балки халқаро даражада ҳам ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш зарурати кучаймоқда. Европа унинг иқтисодиётини ягона валюта тизимига мослаштиришдан манфаатдордир, Япония эса сурункали таркибий тангликни бошдан кечирмоқда. Шу муносабат билан айрим ғарб олимлари капиталистик мамлакатлар иқтисодиётларини эркинлаштириш давридан сўнг режалаштиришнинг роли кучайишини башорат қилишмоқда¹⁵.

Шу нуқтаи назарда Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг “Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, **“Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг” деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик.** Энг муҳими, парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун ўтиш даврида айнан давлат **бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини биз ўзимизга аниқ белгилаб олдик**” деб таъкидлаши ушбу йўналишдаги

¹³ Евграшин А. Из практики французского индикативного планирования // Российский экономический журнал. 1998 г. №2. – 84, 85 с.

¹⁴ Соколова И. О взаимодействии федеральной и местной властей в региональных экономических программах // США: экономика, политика, идеология. 1994 г. № 1. – 83 с.

¹⁵ Сенчагов В. О японском опыте управления (размышления после командировки) // Вопросы экономики. 1990 г. № 5. – 142 с.

ишларга муҳим замин бўлади.¹⁶

Индикатив режалаштиришнинг бир шаклдан бошқасига ўтиши унинг етуклик даражаси ошишини, барча тегишли тартибга солиш институтлари ўзаро ҳаракатини йўлга қўйиш чораларини назарда тутди. Капиталистик мамлакатларда индикатив режалаштириш шакллариининг эволюцияси («конъюнктура» – «таркибий» – «стратегик») ўн йилни эгаллади. Ўзбекистонда ҳозирча гап фақат конъюнктура шаклининг унсурлари ҳақида бориши мумкин, бу давлатнинг сўнгги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг умумий либерал йўналтирилганлигига мос келади.

Шуниси диққатга сазаворки, «индикатив режалаштириш» атамасидан прогнозлаштириш, бюджетлаш, дастурлаш ва контрактация (шартнома асосида давлат харидлари)ни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида фойдаланилмайди. Давлат йўли билан тартибга солишнинг ушбу воситалари, индикатив режалаштириш билан бевосита боғлиқ бўлсада, алоҳида олиб қаралганда ҳам, ўз йиғиндиси бўйича ҳам унга ўхшамайди. Улар индикатив режалаштириш тизимидан ташқарида ҳам фаолият кўрсатиши мумкин, бироқ уларни амалга оширувчи тартиботлар индикатив режани ишлаб чиқиш ва амалга оширишда анча самаралидир.

Шундай қилиб, индикатив режалаштиришни «легаллаштириш» ва унинг таркибий шаклининг қарор топиш эволюцияси республикамізда ҳўжалик механизмини ривожлантиришнинг энг зарур йўналишлари ҳисобланади. Иқтисодий муаммолар ҳал этилиб, Ўзбекистон иқтисодиётини технологик ва институционал модернизациялаш ниҳоясига етгач индикатив режалаштиришнинг янада эркин (стратегик) шаклига ўтиш зарур.

2.2. Жаҳонда, шу жумладан Ўзбекистонда прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг ҳолати

Ҳозирги вақтда, биринчидан, корхона даражасида прогнозлаштириш ва кўрсаткичли режалаштиришни қўллаш мумкинлиги ва зарурлиги ҳамда, иккинчидан *давлат даражасида* прогнозлаштириш, индикатив режалаштириш ва дастурлашни қўллаш мумкинлиги ҳақидаги нуқтаи назар кенг эътироф этилмоқди.

Иқтисодиётда прогнозлаштириш ва режалаштириш ғояси умуман олганда оқилона ҳисобланади. Лекин тажриба шуни кўрсатдики, кўрсаткичли режалаштириш фақат фирма даражасида амалга оширилиши керак. Бу фирма ички режасининг айрим ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ, яъни у:

1) муваффақиятга эришиш учун тўлиқ жавобгар ҳисобланган хусусий мулкдорнинг топшириғи сифатида тузилади;

2) қонун билан кафолатланган битимлар бўйича шерикларни танлаш ва улар билан сотувлар нархини келишиш эркинлиги шароитида амалга оширилади;

¹⁶ Каримов И.А. “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқрози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Ўзбекистон: 2009, 7-бет.

3) доимий харидорлар талаби орқали текширилиб турилади;

4) масала бўйича мавжуд барча ижтимоий-иқтисодий ахборот қарор қабул қилувчи ва уларнинг оқилоналиги учун тўлиқ жавоб берувчи шахс томонидан тўпланиши ва англаб етилиши мумкин бўлган ҳолларда ишлаб чиқилади.

Бироқ ушбу хусусиятлар мамлакат миқёсида деярли намоён бўлмайди. Давлат йўли билан марказлашган тарзда режалаштириш фақат ҳарбий ҳолат ёки бозор қонунлари, хусусан рақобатнинг таъсири нормал амал қилмаган бошқа алоҳида даврда фойдали бўлади. Иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштиришнинг иккита усули мавжуд: мажбурлаш билан боғлиқ марказлашган тарзда раҳбарлик қилиш ва шахсларнинг ихтиёрий ҳамкорлиги. Бозор иқтисодиётига иккинчи учун хосдир.

Прогнозда ва режада энг асосийси – бу уларда объектив ҳаётни, шу жумладан унинг турли ҳолатларини акс эттиришнинг аниқлиги. Бироқ иқтисодий муҳит ҳамма вақт кўплаб турли ўзаро таъсир этувчи ва бир бирини истисно этувчи омиллар таъсирига дучор бўлади ва барча ушбу саъй-ҳаракатлар ҳўжалик юритиш объектини ишнинг ўзгариб турувчи шароитларига узлуксиз равишда мослаштиришга йўналтирилиши лозим. Лекин, агар прогноз учун бу, унинг эҳтимолий хусусиятга эгаллиги туфайли, кўрқинчли бўлмаса, режа учун эса бу барбод бўлишни англатади.

Прогнозлар ва режалар воқеалардан илгарилаб тузилади, лекин уларнинг асослилиги ушбу воқеаларга мос келиш даражасига боғлиқ. Бозор иқтисодиётида воқеаларнинг прогноз қилиниш даражаси ушбу ҳолат стохастик хусусиятга эга бўлганлиги боис, паст. Шунинг учун эски ахборотни ҳисобга олган ҳолда тузилган прогнозлар ва режаларга реал ҳаётда ўзгаришлар юз берганида, аниқликлар киритилиши керак.

Давлат даражасида ишлаб чиқилган кўрсаткичли режа билан қандай ҳолат юз беради? Давлат томонидан режалаштириш шароитида албатта марказнинг кўрсатмаси пайдо бўлади. Нуқтаи назарларнинг хилма-хиллиги ўз ўрнини бирхилликка бўшатиб беради. Лекин жамиятда бирхиллик – бу бўлажак инқироз гарови, иқтисодий режаларнинг бирхиллиги эса рақобатнинг ниҳоясини англатади. Давлат йўли билан марказлашган тарзда режалаштириш йўлига ғов бўлувчи иккита катта муаммо мавжуд: биринчиси – бирхиллик, иккинчиси эса – рақобат.

Ҳар қандай тизим, шу жумладан иқтисодий тизим фақат хилма-хиллик шароитида барқарор бўлади. Бугунги кунда уларни тушунмаслик ёки келажакни билмаслик туфайли инсонларга тасодифий, хато ва ҳатто зарарли туюлаётган ҳолат кейинчалик ғоят истиқболли ва илғор бўлиб чиқиши мумкин. Шунинг учун жамиятга хилма-хиллик зарур. Лекин давлатнинг марказлашган режаси буни таъминлай олмайди. Машҳур иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотининг лауреати Фридрих фон Хайекнинг таъкидлашича, режалаштириш учун режалаштирувчи орган халққа пухта ишлаб чиқилган, илгари мавжуд бўлмаган ахлоқ қадриятлари кодексини тақдим этиши лозим.

Бошқача айтганда, давлат режасининг мақсадлари умумбашарий ахлоқ тушунчаларига зид бўлган вазифаларга эришишига ҳам йўналтирилиши мумкин. Ушбу вазифалар, албатта, умумий фойда ҳақидаги тўғри шиорлар

билан ифодаланади, лекин амалда улар фақат инсонларнинг кичик гуруҳи вакиллари учун асосий неъматларга эришишни назарда тутлади. Зарур натижага тезроқ эришиш истаги билан изоҳланувчи марказлашган тарзда режалаштиришга интилиш ўзининг ортиқча вазифаларини тезроқ ҳал қилишни истовчи инсонларни шакллантиради. Уларни қандай қилиб оқилона ҳал этиш мумкин? Албатта, инсонларнинг алоҳида гуруҳи нуқтаи назаридан камроқ аҳамиятга эга бўлган бошқа вазифаларни ҳал этиш учун маблағларни камайтириш ҳисобидан. У ҳолда космосни ўзлаштириш “ер” манфаатларини чеклаш ҳисобидан юз бериши, ҳарбий вазифалар – фуқаролик вазифалари ҳисобидан, қишлоқ хўжалиги вазифалари – саноат вазифалари ҳисобидан, кичик бизнес вазифалари - ўрта ва йирик бизнес вазифалари ҳисобидан ҳал этилиши лозим. Бу таққослаш, албатта, муболаға, лекин у аслида тўғри: айрим вазифаларни фақат саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳисобидан оқилона ҳал этиш мумкин, бу ресурсларнинг етишмаслиги туфайли бошқа соҳалар ривожининг чекланишига олиб келади. Бундай ёндашув ўз ўзидан ижтимоий ҳаёт қонунларини чекланган тарзда тушунишдан далолат беради.

Бозор шароитида давлат томонидан режалаштиришнинг яна бир муаммоси – бу бозор ўзгаришларининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган рақобатнинг мавжудлиги. Давлатнинг марказлашган режасида ўзаро рақобатчи ҳисобланган турли фирмалар манфаатларини ҳисобга олиш мумкинми? Албатта, рақобатчи фирмаларнинг мақсадлари бир бирига зид ва бозорни рақобатдан маҳрум этиб ҳам бўлмайди, чунки рақобат товарлар мувазанати нархини шакллантирган ҳолда, бозор муҳитининг динамиклигини белгилаб беради ва бозор жараёнларига турғунликни касб этади.

Индикатив (тавсия берувчи) режа ёки эҳтимолий хусусиятга эга бўлган прогноз алоҳида шахслар ҳаракатларига қараганда кўпроқ ҳаётдаги ҳолатларга боғлиқ. Шунинг учун индикатив режалаштириш имкониятидан фирма даражасида ҳам, давлат даражасида ҳам фойдаланилади.

Мамлакат миқёсида индикатив режа прогноз ролининг ортиши иқтисодий муносабатларнинг мураккаблашуви, марказнинг мувофиқлаштирувчи ҳаракатлари зарур бўлган иқтисодиёт кўламларининг объектив эҳтиёжлари билан белгиланади. Жаҳонда эришилган фан-техника тараққиётининг даражаси корхоналар, тармоқлар ва мамлакатлар иқтисодий чораларининг юқори даражада мувофиқлаштирилишини талаб қилади. Рақобат шароитида сармояни жамлашнинг кучайиши бу билан вақт, мақсадлар ва ресурслар бўйича боғланган қўшма ҳаракатларни асослашнинг янада сифатли усуллари қўллаш учун шарт-шароитлар яратган ҳолда технологик янгиликларнинг оммавий тарзда жорий этилишини рағбатлантиради. Давлатнинг индикатив режаси ва прогнози кўрсатмали режадан фарқли ўлароқ бозорнинг ҳаракатлантирувчи кучлари – ҳаракатлар эркинлиги, мулк ва рақобатга таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун улар иқтисодий ҳаётнинг динамиклигига эришиш воситаси сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Шунинг учун мана бир неча ўнлаб йиллар мобайнида давлат даражасида индикатив режалаштириш аксарият мамлакатлар томонидан муваффақиятли фойдаланилмоқда.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда прогнозлаштириш икки хил

шаклда бўлади: *марказлашган* (Канада, Швейцария ва б.) ва *марказлашмаган* (АҚШ, Германия ва б.)

Қатор мамлакатларда прогнозларни ишлаб чиқишга хос бўлган умумий белгиларни кўриб чиқамиз. АҚШда президент аппаратида статистик-сиёсий бўлим мавжуд бўлиб, у давлат бошлиғи учун прогноз маълумотларини тайёрлайди. Америка конгрессида фан-техника тараққиёти оқибатларини баҳолаш Бюроси фаолият юритади. Бу ерда маслаҳат-ахборот хизматлари кўрсатувчи муассаса, прогнозларни ишлаб чиқишга ихтисослашган кўплаб муассасалар (бўлимлар) ташкил этилган. Уларни ташкил этиш 60-йилларда авжига чиқди. Бироқ кейинчалик ушбу муассасаларнинг юзтасига яқини ўз фаолиятини сақлаб қолди. Мамлакатда ҳукумат муассасалари ёки хусусий корпорациялар учун прогнозларга шарнома буюртмалари амалиёти устунлик қилади. Бундан ташқари, айрим штатларда 70-йиллардан бошлаб штатларни ривожлантиришнинг узок муддатли йиғма прогнозларини ишлаб чиқиш учун махсус комиссиялар ва марказлар ташкил этилган. Прогноз ахбороти билан алмашиш “Келажак олами” хилидаги турли илмий жамиятлар орқали амалга оширилади. Прогнозлаштириш назарияси ва амалиёти масалалари бўйича қатор журналлар чоп этилади. АҚШда 60-йилларда қатор манфаатдор вазирликларнинг биргаликдаги режали ҳаракатларини назарда тутувчи РДБ (режалаштириш – дастурлаш – бюджетлаш) тизимидан фойдаланишга уриниб кўрилди. Кейинчалик ҳукумат бир неча марта режалаштириш имкониятларига мурожаат этди. Бироқ мамлакатнинг антициклик тартибга солишдаги муваффақиятсизлиги режага қарши кайфиятнинг ўсишига олиб келди. Шунинг учун АҚШда давлат йўли билан тартибга солишнинг замонавий назарияси олдида қуйидаги муҳим масалаларни ҳал этиш зарурати турибди:

- амалдорлар аппаратининг бюрократияси, коррупцияси ва микродаражада қарорлар деформациясининг олдини олган ҳолда давлатнинг иқтисодиётга ўз вақтида ва самарали таъсирини қандай қилиб таъминлаш мумкин;

- волюнтаризм, бюджет-солиқ босими ва давлат қарзининг ортиб кетишига йўл қўймаган ҳолда рақобат эркинлиги, ташаббус ва тадбиркорлик, меҳнат қилиш, инвестициялар ва инновацияларга қизиқтиришни қандай қилиб таъминлаш мумкин.

Буюк Британияда иқтисодий прогнозлаштириш масалалари билан шуғулланувчи университетлар қошида бир неча илмий ва прогноз марказлари ташкил этилган.

Германияда прогноз марказлари ичида ўз аҳамияти бўйича Жаҳон иқтисодиёти институти ҳамда касаба уюшмалари бирлашмаларининг Иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институти ажралиб туради. Бошқа мамлакатларда бўлгани каби ахборот алмашувига катта эътибор қаратилади.

Ҳозирги вақтда жаҳонда жамият ҳаётининг турли соҳаларида, шу жумладан иқтисодиётда прогнозлаштиришни амалга оширувчи қудратли халқаро ташкилотлар ташкил этилган. "Футурибль" халқаро уюшмаси, Келажакни тадқиқ этиш қўмитаси, Рим клуби ва бошқалар катта нуфузга эга.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда конъюнктура прогнозлари

алоҳида ўрин тутиб, уларда: 1) алоҳида товар бозорида, 2) иқтисодийнинг муайян секторида, 3) жаҳон бозоридаги иқтисодий вазият баҳоланади. Прогнозларда нафақат ривожланишнинг объектив юзага келадиган тенденциялари, балки бозорни давлат йўли билан тартибга солишнинг эҳтимолий оқибатлари кўриб чиқилади.

Жаҳон хўжалик юритиш тизими ҳозирги вақтда нафақат прогнозлаштириш, балки режалаштириш имкониятларидан ҳам фаол тарзда фойдаланмоқда. Режаларни ишлаб чиқишда қуйидаги усуллар қўлланилади: а) макрорежалаштириш; б) мезорежалаштириш, яъни тармоқлар, кичик тармоқлар, ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуалари, "метакорпорациялар"дан ҳосил бўлувчи саноат узеллари, улар жумласига тармоқлараро, минтақалараро ва халқаро молия-саноат гуруҳлари киради; в) ҳудудий режалаштириш, яъни минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг прогнозлари, бюджет режалари ва дастурлари; г) фирма даражасида микрорежалаштириш. Жаҳоннинг қатор мамлакатларида бир неча ўнлаб йиллардан буён самарали фойдаланилаётган индикатив режалаштириш тажрибаси алоҳида эътиборга лойиқ.

Шундай қилиб, иқтисодий олдиндан кўра билишнинг жаҳон амалиёти ўзининг ҳақиқий устунликларини аниқлагунча унинг имкониятларининг тан олинмаслигидан тортиб то маъмурий-буйруқбозлик режимида режанинг фетишигача бўлган узоқ эволюция йўлини босиб ўтди. Инсонларга режалаштиришнинг жамият иқтисодий ҳодисаларга таъсир этишининг кенг имкониятлари ойдинлашди. Собиқ иттифоқнинг ушбу соҳадаги тажрибаси давлат томонидан режалаштиришнинг кучли ва заиф томонларини аниқлашга ёрдам берди. Ҳозирги вақтда кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари ўз вазифаларини ҳал этиш учун дастурлаш ва индикатив режалаштиришдан фаол тарзда фойдаланишмоқда. Жаҳоннинг саноати ривожланган мамлакатлари режалаштириш ва прогнозлардан фойдаланиш орқали бутун жамиятни ривожлантириш мақсадларига эришиш учун бозор жараёнларига таъсир кўрсатишга уринишади. Фирма даражасида режа кўрсаткичлари мулкдор ёки раҳбар томонидан мустақил равишда белгиланади. Бу ерда бизнес-режалаштириш усули фаол қўлланилади. Айниқса, йирик фирмаларда стратегик режалаштиришнинг барқарор амалиёти яхши натижа бермоқда. Ушбу жаҳон тенденциялари собиқ шўролар тузуми мамлакатлари иқтисодиётида ҳам амал қила бошлади.

Тегишли адабий манбалар таҳлили индикатив режалаштириш эволюциясининг моҳияти ва шакллари, унинг давлат йўли билан тартибга солиш ва аралаш иқтисодиётнинг бозор усули билан ўзини ўзи тартибга солиши ўзаро нисбати юзасидан бошланғич фикрларни шакллантиришга ёрдам берди.

2.3. Ўзбекистон Республикасида индикатив режалаштириш концепцияси

Ўзбекистон иқтисодий мустақилликка эришгач мамлакатда содир

бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш зарурати муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни биртараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида таъкидлаганидек, “Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини кўяр еканмиз, энг аввало, "шок терапияси" деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик.”¹⁷.

Шу жумладан Ўзбекистон ҳукумати шунга мос равишда иқтисодиётни марказлашган тарзда бошқариш ҳамда анъанавий режалаштириш тартиботларидан воз кечди.

Ҳозирги вақда индикатив режалаштириш концепциясини амалга ошириш учун Ўзбекистонда “Давлат томонидан прогноз қилиш ва Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Унда режа ишининг мақсад ва вазифалари, ижро этувчи ҳокимият томонидан ишлаб чиқиладиган тизим, ушбу тизимга кирувчи таркибий унсурларнинг умумий тавсифи назарда тутилиши ерак. Қонун мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш бўйича кўрсатмаларни амалга ошириш, яъни миллий иқтисодиёт ривожининг глобал муаммолари бўйича стратегик қарорларни чуқур ва ҳар томонлама асослаш; истиқболий ривожланишнинг муҳим вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган ресурсларни режали жамлаш; дастурни амалга ошириш ишларининг бутун цикли вазифаларини мувофиқлаштириш ва уларнинг ҳал этилишини таъминлаш; олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этишда хўжалик юритувчи субъектлар, республика минтақалари ва марказий ҳокимият органларининг фаолиятини уйғунлаштириш.

Индикатив режалаштириш тизими – ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида мос келувчи иқтисодиёт ҳолатини ва ривожланишини тавсифловчи индикаторларни (кўрсаткичларни) шакллантириш ҳамда ушбу индикаторларга эришиш мақсадида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш чораларини белгилаш ҳисобланади.

Ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий ҳолатни баҳолашдан ташқари, индикаторлар қуйидагиларга йўналтирилган бўлиши лозим:

- иқтисодиётнинг самарали ривожланиши ва аҳолининг ижтимоий фаровонлиги даражасини белгилаш;
- ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳаракатларини режалаштириш;
- режалаштирилган натижаларга эришиш устидан назорат қилиш;
- тартибга солувчи таъсир этиш чораларини кўриш;
- ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш.

¹⁷ Каримов И.А. “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқрози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Ўзбекистон. 2009 й, 7-бет.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш ва тартибга солишнинг турли даражаларига мувофиқ индикаторларнинг қуйидаги тизими белгиланиши мумкин:

1. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторлари тизими (1-даража – «Республика»). У умумлаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичлар ва республика кўрсаткичларнинг чекланган доираси (ялпи ҳудудий маҳсулот, иқтисодиётда кўзда тутилаётган таркибий силжишлар, иқтисодиёт реал сектори тармоқларининг ривожланишини акс эттирувчи кўрсаткичлар ва ижтимоий кўрсаткичлар) бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тавсифловчи аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларини ўз ичига олади.

2. Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторлари тизими (2-даража – «Тармоқ»). Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторлари тизими тармоқлар, тармоқлараро мажмуалар, шунингдек республика аҳолисига хизматлар кўрсатиш соҳаси ривожланишининг муҳим йўналишларини акс эттиради.

3. Республика туманлари ва шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторлари тизими республика маҳаллий тузилмалари ҳудудлари иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасининг ривожланишини тавсифлайди (3-даража – «Ҳудуд»). У ҳудуд туманлари (шаҳарлари), аҳоли пунктларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тавсифловчи умумлаштирилган кўрсаткичлар ўз ичига олади.

4. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторлари тизими (4-даража – «Хўжалик юритувчи субъект»). Мазкур тизим иқтисодиёт реал секторининг нодавлат ва давлат корхоналари ҳамда ижтимоий соҳа тармоқлари бюджет ташкилотлари (муассасалари)нинг ривожланиш индикаторларини ўз ичига олади.

Индикаторлар тизими қуйидаги талабларга жавоб бериши керак. Биринчидан, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш ва тартибга солишнинг ушбу даражаси учун индикаторларнинг ягоналиги ва мажбурийлиги. Иккинчидан, индикаторлар йириклашиш ва майдалашиш қобилиятига эга бўлиши, қиёсланадиган бўлиши лозим. Индикаторлар аниқ ўлчовга эга бўлиши, яъни аниқ ва ўлчанадиган бўлиши керак. Умуман олганда индикаторлар тизими ижтимоий-иқтисодий соҳа фаолиятининг барча жиҳатлари ялпи тавсифланишини таъминлаши зарур. Шунингдек, индикаторлар тизими ихчам, мослашувчан, бошқарувнинг ҳар бир даражасида содир бўлаётган барча ўзгаришларни акс эттиришга қодир бўлиши лозим.

Индикаторлар манзилли бўлиши ҳамда вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг функционал фаолияти билан боғлиқ бўлиши керак. Индикаторлар ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини, хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий ўсишни таъминлашга ва республика аҳолисининг турмуш даражасини оширишга йўналтириши лозим. Бошқарувнинг ҳар бир даражаси учун индикаторлар сони чекланган бўлиши керак.

Индикатив режалаштиришни жорий этишдан мақсад давлат ҳокимият органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ва хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор иқтисодий ривожланишга эришиш ва республика аҳолисининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларининг уйғунлигини таъминлашдан иборат.

Индикаторларни шакллантириш вақтга кўра боғланган жараён. Ушбу ҳолатда бошқарув объектининг ҳолатини тавсифловчи ягона индикаторга эришиш мақсади қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида индикатив режалаштириш тизимининг жорий этилиши қуйидаги босқичларни ўз ичига олиши лозим.

1-босқич - «Тайёргарлик». У индикатив режалаштириш тизимини жорий этишга доир норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, услубий тавсияларни ва республика, тармоқлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш индикаторлари тизимини ишлаб чиқиш, индикаторлар чегара қийматларига эришиш мониторингини юритишни ташкил этиш тадбирларини ўз ичига олади.

2-босқич - «Индикатив режалаштириш тизими». 2-босқич тадбирлари режалаштиришнинг асосий унсурларини ишлаб чиқишга қаратилган, булар: прогнозлаштириш жараёнини такомиллаштириш, бюджет ва инвестиция жараёнларини, давлат буюртмаларини бошқариш, тармоқлар, ҳудудлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг республика дастурлари ва индикатив режаларини шакллантириш.

3-босқич - «Индикатив бошқариш тизими». Индикатив бошқариш тизимининг тўлиқ циклини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторлари тизимини шакллантириш натижасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш индикаторларининг рўйхати ва чегара қийматлари аниқланиши керак. Иқтисодий ўсиш концепцияси, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторлари рўйхатини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Индикаторлар рўйхати республика Ҳукумати томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларига мувофиқ ҳар йили қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистон учун оптимал ҳисобланган индикатив режалаштириш тизимини асослаш учун услубий асосларни индикатив режалаштириш тизимининг асосий унсурларини кўриб чиқиш лозим.

3 - Мавзу.

БОЗОР ХЎЖАЛИГИДА РЕЖАЛАШТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Индикатив режалаштириш методологиясининг тизими.

3.2. Бозор шароитида мувозанатлашган режалаштиришнинг зарурияти.

3.3. Дастурий-мақсадли режалаштириш.

3.1. Индикатив режалаштириш методологиясининг тизими

Индикатив режалаштириш методикаси индикатив режалаштириш методологиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Индикатив режалаштириш методикаси – бу барча даражадаги прогнозлар, дастурлар, режалар ва режа кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш тизимининг вақт чегараларини ишлаб чиқиш, асослаш ва таҳлил қилиш усулларининг йиғиндиси. Индикатив режалаштириш усули деганда унинг ёрдамида режалаштиришнинг қандайдир муаммоси ҳал этилиб, прогнозлар, дастурлар ва режа кўрсаткичларининг сон қийматлари ҳисоблаб чиқиладиган муайян усул, техник ёндашув тушунилади.

Индикатив режалаштириш муаммоларининг таркибида фарқлар мавжудлиги туфайли прогнозлар, дастурлар ва режалар ишлаб чиқишнинг бир неча усулларидан фойдаланилади. Улар жумласига қуйидагилар киради: эксперт (баҳолаш) ёки эвристик усуллар; ижтимоий-иқтисодий таҳлил усуллари; тўғридан-тўғри муҳандислик-иқтисодий ҳисоб-китоблар усуллари; баланс усули; иқтисодий-математик усуллар ва моделлар; тизимли таҳлил ва синтез усуллари.

Эксперт (баҳолаш) ёки эвристик усуллар. Мазкур усуллар билвосита ва тўлиқсиз ахборотдан, эксперт-мутахассислар тажрибасидан, ички ҳиссиётдан фойдаланишга асосланган. Қуйидагилар улардан фойдаланишнинг муайян шакллари ҳисобланади:

а) оммавий баҳолаш – аҳоли алоҳида гуруҳларининг социологик тадқиқотлар жараёнида режалаштиришнинг қандайдир муаммосининг моҳияти юзасидан фикрларини аниқлаш;

б) экспертларнинг мунтазам ишлашини (қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларининг эксперт комиссиялари, институтларнинг Илмий кенгашлари ва ҳ.к.) ташкил этиш.

Ижтимоий-иқтисодий таҳлил усуллари. Ижтимоий-иқтисодий таҳлил ижтимоий-иқтисодий ҳақиқатни ҳар томонлама ўрганишни, ижтимоий муносабатлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг илғор тенденцияларини ва уларни такомиллаштириш имкониятларини аниқлаш мақсадида ходисаларнинг ички алоқалари ва боғлиқлигини билишни ўзида намойён этади.

Таҳлил чоғида таққослаш, стратегик режалаштириш, гуруҳлаш, йирик

объектларининг ишларини танлаб ўрганиш, баланс кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш, индексларни ҳисоблаб чиқиш, регрессия ва корреляция коэффициентларини ҳисоб-китоб қилиш каби усуллардан фойдаланилади.

Тўғридан-тўғри муҳандислик-иқтисодий ҳисоб-китоблар усуллари бозор эҳтиёжлари учун маҳсулотнинг муайян турини ишлаб чиқаришни, шунингдек уни ишлаб чиқариш имкониятларини батафсил асослашдан иборат. Саноат корхоналарида бундай ҳисоб-китоблар ишлаб чиқариш қувватлари, хомшё, материаллар, ёқилғи, энергия, меҳнат ресурслари (ходимлар)дан фойдаланишни яхшилаш; маҳсулот таннархини пасайтириш ва ҳоказоларни қамраб олади.

Муҳандислик-иқтисодий ҳисоб-китоблар ичида ишлаб чиқариш, инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини, қимматли қоғозлар, фойдаланиладиган кредит ресурсларининг даромадлилигини ҳисоблаб чиқиш алоҳида ўрин тутди.

Баланс усули. Баланс усули деганда ўзаро боғлиқ кўрсаткичларнинг боғланишини ва мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун фойдаланиладиган усуллар йиғиндиси тушунилади. Ушбу усулларнинг мақсади – кўрсаткичлар ўртасида мувазанатга эришишдан иборат.

Баланс усули миллий иқтисодиётнинг ривожини таҳлил ва прогноз қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Унинг ёрдамида мамлакатда моддий ва молиявий оқимлар ҳаракатининг йўналишларини аниқлаш, иқтисодиётда моддий-ашёвий ва қиймат улушини белгилаш, ижтимоий эҳтиёжлар, бозорнинг моддий неъматлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг моддий асосини яратиш учун ишлаб чиқариш турли омилларининг зарур ўсишини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар. Иқтисодий-математик усуллар ижтимоий-иқтисодий тизимларни, иқтисодиётнинг мувазанатини таҳлил қилиш, иқтисодий ўсишни прогноз қилишнинг ўзига хос усулларини намоён этади. Қуйидагилар муҳим иқтисодий-математик моделлар ҳисобланади: миллий ҳисоблар тизими, баланс жадвали, маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва уларни тақсимлашнинг тармоқлараро баланси, молиявий ресурслар ва харажатлар баланси, тармоқ моделлари ва ҳ.к.

Чизиқли ва чизиқсиз математик дастурлаш усулларида ҳам кенг фойдаланилади. Чизиқли дастурлаш ёрдамида ишлаб чиқаришни режалаштириш вазифалари муваффақиятли ҳал этилади: белгиланган меҳнат ва моддий ресурслар билан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг оптимал дастурини тузиш, ускуналарни оптимал даражада иш билан таъминлаш.

Иқтисодиётдаги боғлиқларнинг аксарият кўпчилиги чизиқсиз хусусиятга эга. Шунинг учун дастурлашнинг чизиқсиз (параметрик), динамик, стохастик каби бошқа турлари ҳам фойдаланиш мумкин.

Тизимли таҳлил ва синтез усули. Стратегик режалаштириш усули сифатида таҳлил ва синтезнинг ўзига хослиги иқтисодий тизимлар ва уларда кечаётган жараёнларни уларнинг таркибий қисмларига ажратишдан иборат бўлиб, шу асосда истиқболдаги ривожланишнинг муҳим муаммолари аниқланади.

Режалаштириш мантиғи индикатив режалаштириш методологиясининг

асосини ташкил қилади. Стратегик режалаштириш мантиғи – бу стратегик режалаштириш муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ тартиботларнинг тартибга келтирилган изчиллиги, асосланганлиги.

Индикатив режалаштириш мантиғининг мазмунини қуйидаги таркибий унсурлар очиб беради:

1. Режалаштириш субъектининг мақсадини ёки мақсадлар тизимини аниқлаш ва шакллантириш.

2. Жамиятнинг режалаштирилаётган даврдаги эҳтиёжларининг ҳажми ва таркибини аниқлаш.

3. Режалаштирилаётган давр бошида мавжуд бўлган ва режалаштирилаётган даврда янгидан барпо этилган ресурслар ҳажми ва таркибини аниқлаш..

4. Эҳтиёжларни сафлаш ва прогнозлар, дастурлар ва режалар шаклидаги бошқарув қарорларини тайёрлаш асосида вақтинчалик зиддиятлар, улар ўртасидаги номувофиқликларга барҳам бериш йўли билан турли даражалардаги ижтимоий-иқтисодий кичик тизимлар эҳтиёжлари ва ресурсларини мувофиқлаштириш, ҳамда мувазанатлаштириш.

3.2. Бозор шароитида мувазанатлашган режалаштиришнинг зарурияти

Режалаштириш – давлат, бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг мамлакат, минтақалар, тармоқлар, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган фаолияти.

Сўнгги ўттиз йилдан ортиқ йил мобайнида иқтисодчилар режа ва бозорни уйғунлаштириш муаммоси борасида бахс-мунозаралар олиб боришди. Бозор муносабатлари ҳақиқатга айлангач, режа ва бозор – бу бир-бирига қарама-қариши эмас, балки иқтисодий тизимнинг бир-бирини тўлдирувчи унсурлари эканлиги тушуниб етилди. Мувазанатлашган умумдавлат режаларисиз пул-кредит, солиқ, божхона сиёсати асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни бошқариш ўзини оқламайди.

Давлат томонидан режалаштирилиши лозим бўлган объектлар доираси анча кенг. Биринчи галда – бу ижтимоий ишлаб чиқариш таркиби. Бозорнинг мавжуд бўлиши улушлар ва таркибий силжишларга таъсир кўрсатиши мумкин ва давлат улушларнинг қандай юзага келишига бефарқ эмас. Ижтимоий соҳада эса, энг асосийси – иқтисодиётнинг келгусидги ривож аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари турмушига қандай таъсир кўрсатишини олдиндан кўра билиш, ушбу таъсирнинг салбий томонларини аниқлаш ва муҳтожларни ҳимоялаш чораларини кўришдан иборат.

Индикатив режалаштириш бозор иқтисодиётининг фаолият кўрсатишига таъсир этишнинг асосий усули ҳисобланади. У фақат бозор усуллари билан амалга оширишнинг иложи бўлмаган ёки қийин бўлган кўплаб масалаларнинг ҳал этилишини таъминлашга қаратилган. Бу давлат бошқарув органлари тизими барча бўғинларининг ҳам ўзаро, ҳам минтақавий органлар билан ўзаро

ҳамкорлиги шаклидир.

Индикатив режалаштириш бозорнинг мустақил субъектларини давлат билан мутаносиб асосларда ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб қилиш усули ҳисобланади. У товар ишлаб чиқарувчилар, харидорлар ва умуман бозорга таъсир этишнинг иқтисодий воситаларидан фойдаланишга асосланиб, давлат ва хусусий сармоя манфаатларини уйғунлаштириш имконини беради.

Индикатив режа иккита асосга таянади. Бир томондан, у дастурлар ёки алоҳида кўрсаткичларни ишлаб чиқиш учун йўналтирувчи ахборот ҳисобланади. Бу борада у тавсиявий хусусиятга эга: кўрсаткичлар стратегия ёки иқтисодий ҳаракат тўғрисида қарорлар қабул қилишда индикаторлар сифатида фойдаланилади. Индикатив режа қамраб олган ҳўжалик юритувчи субъектлар учун унинг кўрсаткичлари мажбурий ҳисобланади, чунки уларни бажармаслик режада қўйилган вазифаларнинг бажарилмаслигига олиб келади.

Индикатив режалар устувор йўналишларга асосланади, уларнинг айримлари давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сиёсати билан белгиланса (энергетика, авиация, космик техника), бошқалари режалаштириш жараёнида аниқланади. Асосланган устувор йўналишлар замирида тегишли рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилади; миллий аҳамиятга эга бўлган йирик лойиҳалар бўйича ўрта муддатли дастурлар доирасида давлат ва хусусий секторнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари эвазига инвестиция келишувлари тузилади.

Индикатив режалаштиришда корхоналар мувофиқлаштирувчи органга (бу ижро этувчи ҳокимият органи бўлиши мумкин) ўзининг маҳсулотни сотиш (етказиб бериш) тўғрисидаги таклифларини юборади. Агар улар қабул қилинса, бу иккала томон учун ҳам тегишли мажбуриятларни юклайди: а) мувофиқлаштирувчи орган ҳажмларни амалга ошириш ва рағбатлантириш тизимига киритади; б) корхона олинган мажбуриятни бажаришга мажбур бўлади. Шунга ўхшаш тартиб директив режалаштиришда ҳам юқоридан ва қуйидан белгиланган режаларни уйғунлаштириш шаклида амал қилди, фарқ фақат шундаки, энди режа корхонага мажбурий тартибда етказилмайди, балки у томонидан ихтиёрий равишда қабул қилинади.

3.3. Дастурий-мақсадли режалаштириш

Мақсадли дастурлар режалаштиришнинг муҳим унсури ҳисобланади. Давлат даражасидаги йиғма мақсадли дастурлар ҳал этиш учун миллий иқтисодиётни ривожлантириш муаммоларини қамраб олган дастурлар сифатида ишлаб чиқилади. Дастурий-мақсадли усул йирик муаммоларнинг ҳал этилишини марказлашган тарзда бошқаришнинг самарали воситаси бўлиши мумкин. У мақсадлар, устувор йўналишларни ажратишни, режа кўрсаткичларида ифодаланадиган мақсад вазифаларини шакллантиришни, ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлашни, олдинга қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Давлат дастурлари ўта муҳим давлат вазифаларининг чекланган доираси бўйича прогнозлардан келиб чиқиб шаклланади, уларни молиялаш эса давлат бюджетидан ва бюджетдан ташқари фондлардан амалга оширилиши керак. Шартномага кўра ушбу дастурларга корхоналарни, аҳолини, хорижий сармоядорларни жалб қилиш мумкин. Дастурларнинг моддий-техника таъминоти давлат эҳтиёжлари учун давлат шартнома тизими орқали давлат буюртмаси хили бўйича етказиб беришлар ҳисобидан амалга ошади.

Лойиҳалаштириш. Лойиҳалаштириш – режалаштиришнинг барча тартиботларининг яқунловчи босқичи. Унинг мақсади барча даражалар ва вақт горизонтлари индикатив режаларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Режа лойиҳаси бошқарув буткул объектининг ҳолатини илмий жиҳатдан олдиндан кўра билишдан иборат бўлган бошқарув субъектлари стратегиясини амалга ошириш юзасидан бошқарув қарорининг лойиҳасини ўзида намоён этади. Индикатив режа – бу узок муддатли истиқболда бошқарув буткул объекти (корхона, минтақа, мамлакат)нинг ҳолатини илмий жиҳатдан олдиндан кўра билиш. Олдиндан кўра билиш қуйидагиларга асосланган:

- 1) иқтисодиёт объектларининг ривожланишини лойиҳалаштириш тизими;
- 2) муддатлар, ресурслар, ижрочилар бўйича келишилган тадбирлар тизими (стратегик режа лойиҳасининг дастурий қисми);
- 3) иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида қуйидаги қоидага амал қилиниши керак: бошқариладиган тизимнинг даражаси қанчалик юқори бўлса, режа лойиҳаларида иқтисодий, ижтимоий, фан-техника, экологик ташқи иқтисодий ривожланиш прогнозлари тизими бўлиши керак.

Стратегик режалар бошқарув субъектларининг сиёсатини амалга ошириш воситаси сифатида қўлланилиши; уларни ривожлантириш мақсадлари ва йўналишларини очиб бериши; умуман жамиятни ва унинг алоҳида кичик тизимларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш босқичларини белгилаб бериши; жамият иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг ўлчови, мезони сифатида иштирок этиши ушбу режаларнинг муҳим ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Лойиҳалаштириш жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш учун тегишли бошқарув объектларини ривожлантиришнинг турли вариантлари ишлаб чиқилиши керак: а) ушбу ҳўжалик вазиятида оптимал ҳисобланган индикатив режа лойиҳасини танлаш; б) бозор конъюнктураси шароитларига мос келувчи индикатив режа лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Иқтисодиётнинг ўтиш даври шароитида режаларнинг ижтимоий-иқтисодий йўналтирилиши ўзгариши керак:

— режаларни лойиҳалаштиришнинг стратегик хусусияти кучаяди (макроиқтисодий режалаштиришда бозор ҳўжалиги шароитида асосий эътибор иқтисодиётни таркибий ўзгартиришга қаратилади);

– стратегик режалар лойиҳаларининг илмий жиҳатдан асосланганлик даражаси ортади.

4-Мавзу. РЕЖАЛАШТИРИШ БОШҚАРУВ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

- 4.1. Режалаштириш тушунчаси ва унинг мақсадлари.
- 4.2. Режалаштиришнинг асосий вазифалари ва босқичлари.
- 4.3. Корхонада режалаштиришнинг таркибий қисмлари.
- 4.4. Қишлоқ хўжалигини режалаштиришда прогнозлашнинг аҳамияти.

4.1. Режалаштириш тушунчаси ва унинг мақсадлари

Иқтисодий ривожланишнинг юқори даражасига эга бўлган жамиятда режалаштириш воситаси бошқарув жараёнида муқаррар ёрдамчи ҳисобланади.

Ҳам давлат, ҳам хусусий ташкилотлар мураккаб вазиятда ўз мақсадлари ва ўз фаолиятини режалаштириши лозим. Давлат ижтимоий хавфсизлик, транспорт, муҳофаа, халқаро муносабатлар соҳасидаги режалаштириш, шунингдек умумий давлат солиқларини режалаштириш билан шуғулланади. Хусусий корхоналарда сотиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, таъминот, инвестициялар ва ходимлар режалаштирилади. Ва, ниҳоят уй хўжалиги даражасида режалаштириш предмети сифатида ўз даромади, истеъмол, маблағларни тежаш, таълим, қариликни таъминлаш, мол-мулк, уй қуриш ва саёҳатни танлаш мумкин.

Режалаштириш муддати, аниқлиги, киритиладиган тузатишлар ва мувофиқлашув даражасига кўра турлича бўлиши мумкин. Қуйидаги белгилар умумий ҳисобланади:

- тартибга солинган жараён,
- ахборотга ишлов бериш,
- лойиҳани ишлаб чиқиш,
- муайян мақсадларга эришишга йўналтирилганлик,
- келажакка нисбатан муносабат.

Режалаштиришнинг олий мақсади корхонанинг мақсадларига эришишнинг амалий воситаси бўлиш, яъни маблағлар, муқобил вариантлар, шунингдек мақсадларга эришиш имкониятлари ва хатарларини ўз вақтида аниқлаш ва тегишли тадбирларни танлашдан иборат.

Ушбу асосий мақсаддан режалаштиришнинг қатор алоҳида мақсадлари келиб чиқади. Режалаштиришнинг қуйидаги мақсадлари ажратилади:

- **мақсаларнинг йўналтирилиши:** режалаштириш йўли билан қуйи тартиб мақсадлари ва шахслар ҳамда бўлимлар ҳаракатлари юқори тартиб мақсадлари билан мувофиқлаштирилади;

- **олдиндан огоҳлантириш:** режалаштириш муаммоларни лойиҳалаштириш йўли билан ўз вақтида қарор ёки превентив чораларни кўриш имконини беради;

- **алоҳида режаларни мувофиқлаштириш:** режалаштириш ёрдамида алоҳида муаммолар ечимлари мувофиқлаштирилади ва бу билан уларнинг бир бирига ўзларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи таъсирининг олди

олинади;

- **қарорларни қабул қилиш учун тайёрлаш:** режалаштириш жараёнида илгари аниқланган муаммолар таҳлил қилинади ва муаммоларнинг ҳал этилишига (мақсадларга эришишга) олиб келувчи муқобил вариантлар тадқиқ этилади. Шундай қилиб, энг мос муқобил вариант бўйича қарор тайёрланади. Кейинги барча қарорлар учун бир вақтнинг ўзида қарорларни қабул қилишнинг муайян доиралари қайд этилади;

- **назорат қилишнинг асосий усуллари аниқлаш:** режалаштириш йўли билан режанинг исталган параметрларини ҳам прогноз билан, ҳам амалда эришилган миқдорлар билан таққослаш ва бир вақтнинг ўзида кейинги режалаштириш учун заминларни кузатиш мумкин бўлади. Шундай қилиб, режалаштириш самарали назоратнинг асосига айланади;

- **ҳодимлар учун ахборот:** режалаштириш ёрдамида ходимларни мақсадлар, муқобил вариантлар, маблағларнинг ишлатилиши, чекловлар ва муддатлар тўғрисида тегишлича хабардор қилиш мумкин;

- **ҳодимларни қизиқтириш:** режани ишлаб чиқиш, шунингдек режа вазифаларини келишиш жараёнида ҳамкорлик қилиш ходимларнинг режани бажариш бўйича ишларини рағбатлантириш, яъни ишлаб чиқариш ва шахсий мақсадларга эришишни рағбатлантириш имконини беради.

Режалаштиришнинг юқоридаги мақсадларидан қатор алоҳида вазифалар келиб чиқади. Режалаштирган шахс мақсадлар ҳақида, яъни: умуман қайси **мақсадларни** кўзлаш лозим, юқори даражадаги мақсадлар қайси **кичик мақсадлардан** таркиб топган, алоҳида кичик мақсадлар ўртасида қанақа алоқалар мавжуд, қайси алоҳида кичик мақсадлар алоҳида афзал кўрилиши керак, мақсадлар **қайси давр учун** танланади, танланган мақсадлар билан қайси **имкониятлар ва хатарлар** боғлиқлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим.

Режалаштирган шахс ўзи, одатда, уларга таъсир кўрсата олмайдиган **ташқи муҳит параметрларининг қайси кўрсаткичлари** (табiiй ҳодисалар, қонунлар, бозор шароитлари) унинг ҳаракатига таъсир кўрсатиши мумкинлигини билиши керак. Ушбу таъсир шундан иборатки, атроф муҳит маълумотлари режалаштирувчи шахснинг эҳтимолий ҳаракатлари доирасини чеклайди.

Режалаштирган шахс чекловларни ва ўз корхонасини ўзгартириш мумкин эмаслигини кўрсатувчи **барча ички маълумотларни** (корхонанинг жойлашган ўрни, ходимлар, техника, машиналар ва механизмлар қувватлари, бозорнинг чегаралари, сотиш тизими), режалаштирилаётган даврда нимага ўзгармас маълумот сифатида қараш лозимлигини билиши керак. Уларнинг таъсири ҳам эҳтимолий ҳаракатлар доирасини чеклашдан иборат.

Режалаштирган шахс режа даври мобайнида ўзи томонидан ўзгартирилиши мумкин бўлган параметрлар ҳақида кенг ахборотга эга бўлиши лозим. Ушбу ўзгарувчанлар қарор қабул қилишда унинг фаол ҳаракатларининг марказий катталиклари ҳисобланади, уларни у тегишли қарорлар қабул қилиш учун мустақил муқобил вариантлар сифатида тасаввур этиши мумкин.

Режалаштирган шахс айрим муқобил қарор **мақсадга эришиш учун**

қанчалик таъсир этиши мумкинлиги ҳақида асосли ахборотга эга бўлиши керак. Фақатгина муқобил вариантлар олдинга қўйилган асосий ва иккинчи даражали мақсадларга, қуйи ва юқори даражали ёки бошланғич, оралик ва якуний мақсадларнинг амалга оширилишига кўмаклашиши ойдинлашганда, қайси муқобил вариант ёки муқобил вариантлар занжири танланиши кераклиги ҳақида хулосага келиш мумкин.

Режалаштирган шахс **қарорларни қайта кўриб чиқиш имкониятлари** тўғрисидаги ахборотга муҳтож. Режалаштирувчи ўзи қабул қилган қайси қарорлар кейинги даврларда қандай ҳажмда қайта кўриб чиқилиши, модификацияланиши ва уларга аниқликлар киритилиши мумкинлигини билиши лозим. Узоқ истиқбол учун қабул қилинган ва режа даврида қайта кўриб чиқилмайдиган қарорлар муваффақиятга эришиш учун хатарлар билан боғлиқ.

Мақсадлар, ташқи муҳит маълумотлари, корхонанинг аҳволи тўғрисидаги ички маълумотлар, режалаштирилаётган ўзгаришлар, муайян муқобил вариантларнинг мақсадларга эришишга таъсири, шунингдек режани эҳтимолий қайта кўриб чиқишларнинг ҳар томонлама ва мунтазам таҳлил қилиниши пировардида хато қарорларни қабул қилиш хатарини пасайтирувчи ва кўзланган мақсадларга эришиш имкониятини оширувчи режаларни ишлаб чиқишга кўмаклашиши зарур.

Агар **режалаштириш жараёни бошдан охиригача** кўриб чиқилса, унда алоҳида **давр (фаза)ларни** ажратиш мумкин. Ҳар бир давр алоҳида вазифаларнинг қўйилиши билан тавсифланади ва бошқа даврлар билан бажарилишнинг изчиллиги ва ахборот алмашиш билан тизимли боғланган. Алоҳида даврлар вазифаларининг мазмунини алоҳида вазифалардан чиқариш мумкин. Уларни турли даражада деталлаштирилган ҳолда аниқлаш мумкин. Биринчи ёндашувда шуни айтиш мумкинки, режалаштириш ва бошқариш жараёнлари **муаммоларни шакллантириш, муаммоларни ҳал этиш, ижро, назорат ва қарорнинг бажарилишини таъминлаш** босқичларини камраб олади. Агар ушбу босқичларни табақалаштирадиган бўлсак, унга қуйидагилар кирадиган қисмларга эга бўламиз:

- мақсадларни ишлаб чиқиш;
- муаммоларни қўйиш;
- муқобил вариантларни топиш;
- прогнозлаштириш;
- қарорларни баҳолаш ва қабул қилиш;
- ижро;
- режа кўрсаткичларини аниқлаш;
- амалдаги кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш;
- амалдаги ва режа кўрсаткичларини таққослаш (режанинг фактдан фарқ қилишини аниқлаш);
- фарқларни таҳлил қилиш, тузатишлар киритиш чораларини кўриш.

4.2. Режалаштиришнинг асосий вазифалари ва босқичлари

Режалаштириш вазифаларини ёритишда режалаштиришнинг қатор усулларига тўхталиб ўтилади. Мазкур усуллари рўйхати ва уларнинг режалаштириш босқичларига мос келиши 1-жадвалда келтирилган.

Режалаштириш жараёнининг биринчи босқичи мақсадларни шакллантиришдан иборат.

Мақсадларни шакллантириш – бу кейинги ҳаракатлар учун аниқ, таркибланган ва амалга ошириш учун яроқли бўлган меъёрлар тизимини яратиш.

Режалаштиришда, агар аниқ ифодаланган мақсадлар тизими мавжуд бўлмаса, ушбу босқич алоҳида аҳамиятга эга. “Мақсадларни шакллантириш” босқичи вазифаларининг ҳал этилиши кейинги ҳаракатлар учун меъёрларни аниқ белгилашга ёрдам беради. Агар, аксинча, мақсадлар тизими мавжуд бўлса, у ҳолда режалаштириш жараёнининг биринчи босқичидан, одатда, воз кечиш мумкин. Мақсадларни шакллантиришдаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборат: мақсадларни топиш, мақсадларга аниқликлар киритиш, мақсадларни таркиблаш, мақсадларнинг амалга оширилиш имкониятини текшириш, мақсадларни танлаш.

1-жадвал

Режалаштириш усуллари унинг босқичларига киритиш

Режалаштириш босқичлари Режалаштириш усуллари	Мақсадларни шакллантириш	Муаммоларни қўйиш	Муқобил вариантларни топиш	Прогноз килиш	Баҳо лаш	Қарорларни қабул қилиш
Баҳолаш						
Ўз харажатларини қоплаш нуктасини таҳлил қилиш					X	
Инвестиция ҳисоб-китоблари					X	X
Фойдалилик назарияси усуллари					X	
Хатарни таҳлил қилиш усули					X	X
Фойда ва харажатларни таҳлил қилиш					X	
Таъсирчанликни таҳлил қилиш		X	X	X	X	X
Қарорлар қабул қилиш						
Оптималлаштириш усуллари			X		X	X
Эвристик усуллар			X		X	X
Имитация		X	X	X	X	X
Қарорлар дарахти усуллари			X		X	X
Қуйидаги шароитларда қарорлар қабул қилиш:						
аниқлик	X				X	X
маълум даражадаги хатар					X	X
номаълум хатар					X	X

Муқобил вариантларни баҳолаш ва қарорларни қабул қилиш.

Мақсадларни шакллантириш, муаммоларни қўйиш, муқобил вариантларни қидириш ва прогнозлаштириш босқичининг вазифалари бажарилгач режа тузувчиси ёки режа гуруҳи улар мақсадининг самарадорлиги текшириладиган режаларнинг чекланган сонини ишлаб чиқади. Амалга ошириш учун фақат бир режа таклиф этилиши мумкинлиги боис ишлаб чиқилган муқобил режалар бўйича қарор қабул қилиш лозим.

Қарор қабул қилиш – бу иккинчи даражали шароитларни ҳисобга олган ҳолда мақсад қўйилганда оптимал муқобил вариантни танлаш.

Ишлаб чиқилган муқобил ҳаракатларнинг барча ижобий ва салбий оқибатларини чамалаб энг оптимал муқобил режани танлаш зарур.

Муқобил режани қабул қилиш тўғрисидаги қарор оқилона танлов ҳаракати ҳисобланади. Қарорлар қабул қилиш мантиғи нуқтаи назаридан баҳолаш – бу муқобил вариантлар ёрдамида мақсадга эришиш даражасини тавсифловчи катталик.

Баҳолаш натижасида кўриб чиқиш учун қабул қилинган барча муқобил вариантлар сафланади, бу оқилона қарор қабул қилиш имконини беради. Айрим ҳолатларда, масалан, бир неча назарда тутилаётган мақсадлар кўзланганда муқобил вариантларни даражалар бўйича таснифлаш зарур бўлиши мумкин. Якуний танлов қайси муқобил вариантга тушиши қарор қабул қилишнинг қабул қилинадиган қоидаларига боғлиқ.

4.3. Корхонада режалаштиришнинг таркибий қисмлари

Режанинг таркибий қисмлари:

- мақсадлар;
- прогнозлаштирилаётган маълумотлар;
- муаммони қўйиш;
- тасарруфдаги мавжуд маблағлар (мол-мулк ва б.);
- алоҳида тадбирлар ва уларнинг комбинациялари, режалаштириш учун масъул бўлган шахслар;
- вақтинчалик шароитлар ва муддатлар;
- прогнозлаштирилаётган оқибатлар.

Хўжалик амалиётида якуний шаклда режаларнинг катта қисми бу ерда санаб ўтилган таркибий қисмларнинг фақат айримларини ўзида мужассам этган. Бироқ режалаштиришнинг асосида ётувчи алоҳида режаларда, одатда, юқорида санаб ўтилган таркибий қисмларнинг кўпчилигини учратиш мумкин.

Режалаштиришнинг амалий тизими таркибини кўриб чиқамиз.

Режалаштириш тизими – бу режалаштириш алоҳида қисмларининг тартибга солинган таркибий тузилиши.


«Фольксваген» АЖ (VAG) заводининг режалаштириш тизими мисолида режалаштиришнинг ташкилий чизмасини кўрсатиб ўтамиз. Заводда режалаштириш учун барча бўлимлар ўзларига белгиланган вазифалар доирасида жавоб беради. Режалаштириш тизимининг таркибий тузилиши ижро этишга йўналтирилган бўлиб, бунда алоҳида режалар умумий режалаштириш

доирасида контроллинг бўйича мутахассислар (назоратчилар) томонидан, режалаштириш бўйича конференцияларда ва турли комиссиялар ёки қўмиталар доирасида мувофиқлаштирилади. Бутун корхона учун стратегик, тезкор ва молиявий режалаштириш маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш ва корхонанинг бошқа компанияларда ва молиявий операцияларда иштирок этишини режалаштириш билан кузатилади. 1-расмдан бўлимларнинг корхонада режалаштириш масалалари ва функционал бўлинмалар режалари учун жавобгарлиги ҳақида ҳам хулосага келиш мумкин.

Муддатларига кўра режалаштиришнинг қуйидаги босқичлари ажратилади:

- стратегик доиравий режалаштириш;
- узоқ муддатли режалаштириш;
- ўрта муддатли режалаштириш, бюджетни режалаштириш, ўзгариб турувчи қисқа муддатли режалаштириш.

Доиравий режалаштириш фақат 10 йилдан 20 йилгача мўлжалланган глобал мақсадлар ва стратегияларни шакллантиради. У халқ ва жаҳон ҳўжалиги, аҳоли, технологиялар ва ҳоказоларнинг тахминий прогноз тенденциялари асосида узоқ муддатли ривожланиш имкониятларини баҳолаш учун хизмат қилади. Мазкур лойиҳада фақат маҳсулотнинг айрим гуруҳлари бўйича ишлаб чиқариш дастурини кенгайтириш кўзда тутилиши мумкин.



1-расм. «Фольксваген» АЖда умумий режалаштиришни ташкил этиш

Доиравий режа марказлашган режа кўринишида мунтазам равишда ёки объект режаси кўринишида номунтазам равишда ишлаб чиқилади (марказлашган ёки марказлашмаган).

Узоқ муддатли режалаштириш инвестициялар ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастурларига маҳсулотнинг муайян груҳига хос бўлган режа горизонтигача муайянлаштиради ва одатда, 10 йилгача бўлган муддатни қамраб олади. Кўриб чиқиладиган даврда режалаштириш горизонтининг ўзига хослиги янги хилдаги автомобилни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган даврнинг узоқлигига боғлиқ, бу давр, жаҳон тажрибаси кўрсатиб турганидек, уч йилдан

беш йилгача чўзилади (мақсадни шакллантиришдан серияли ишлаб чиқаришга тайёр бўлгунча вақт). Бунда инвестицияларни режалаштириш режалаштиришнинг юқоридаги горизонтдан ўтиб кетиши мумкин: узоқ муддатли режалаштиришнинг ўзига хос аҳамияти унинг стратегик хусусиятга эгаллигида. Узоқ муддатли режа бир йилда камида бир марта тузилади.

Ўрта муддатли режалаштириш вазифалари узоқ муддатли режалаштириш дастурларини амалга ошириш учун молиявий, иқтисодий ва техник нуқтаи назардан замин ҳозирлашдан иборат. Унинг вақт оралиғи – беш йилга яқин бўлиб, у биринчи галда, айниқса, ускуналар ва хоналарни тайёрлаш, махсус воситани ишлаб чиқариш ва ҳоказоларга капитал қўйилмалар киритиш учун зарур вақтга бўлган эҳтиёжлар билан белгиланади. Беш йиллик муддат инвестициялар бўйича қарор қабул қилиш учун ҳам, кузатув кенгаши томонидан назоратнинг амалга оширилиши учун ҳам етарли. Ўрта муддатли режалаштириш марказлашмаган режалаштириш кўринишида бир йилда камида бир марта амалга оширилади.

4.4. Қишлоқ хўжалигини режалаштиришда прогнозлашнинг аҳамияти

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш бозор иқтисодиёти муносабатларига мос ҳолда, яъни бозорга ва истеъмолчига қаратилган ҳолда ташкил этиш лозим. Иқтисодиётнинг аграр секторини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш Ўзбекистоннинг бозорга ўтишдаги бутун стратегиясини ҳал қилувчи бўғиндир. Бу қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги ролидан келиб чиқади. Аҳолининг 60 % қишлоқ жойларда яшайди. Миллий даромаднинг 32 фоизидан кўпроғи бугунги кунда қишлоқ хўжалигидан олинади. Қишлоқ хўжалиги республика ҳаётини таъминлашнинг асоси, саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш учун шунингдек, экспорт ресурслари ва валюта тушумларининг энг муҳим манбаларидандир.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини режалаштириштиришнинг муҳимлиги ҳам шундаки, хўжаликларда ишлаб чиқаришни режалаштиришнинг энг муҳим томонларини излаб топишдан иборатдир.

Халқ хўжалиғни ривожлантириш режаларини тузиш ва ишлаб чиқаришни янада юксалтириш асосида ташкил этиш режалаштириш деб аталади. Иқтисодий режа тузганда, ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларини назарда тутаяди, яъни ишлаб чиқаришни тақсимот ва айрибошлашни бутун жамият миқёсида режали равишда ташкил этади.

Хўжаликларда қуйидаги турдаги режалар тузилади:

Перспектив режа. Бу режага хўжаликни ривожлантиришнинг бир неча йилларга мўлжалланиб тузилган режалари киради. Унда тегишли йилларда бажарилиши кўзда тутилади. Бу режа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва ташкилий-хўжалик режалари лойиҳалари асосида тузилади.

Йиллик ишлаб чиқариш - молия режаси ҳамда ички буғинлар ва ёрдамчи корхоналарга бериладиган йиллик ишлаб чиқариш топшириқлари. Бу режага хўжаликнинг бир йилги ишлаб чиқариш - молия режаси ҳамда ёрдамчи

корхона, ички бўғинларнинг йиллик ишлаб чиқариш топшириқлари киради.

Оператив режа. Бу режага қишлоқ хўжалик ишларининг турли даврларига қараб тузиладиган иш режалари - яъни кварталлар, ойларда қилинадиган ишлар режаси ҳамда план-нарядлар киради. Бу режада жамоанинг бир йил давомида қилинадиган ишлари белгиланади. Ишлаб чиқариш - молия режалари асосида хўжаликнинг айрим тармоқларига йиллик ишлаб чиқариш топшириқлари берилади.

Истиқбол режаларни тузиш, бу ердан максимал даражада фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўплаб етиштириш ва маҳсулотларни кўпайтириш эвазига корхона ишчиларининг моддий манфаатдорлигини янада яхшилаш учун имкониятлар очиб беради. Умуман хўжаликларнинг беш йилга мўлжалланган истиқбол режаларида жуда муҳим ташкилий-хўжалик масалалари ҳал қилинишини кўрсатилади.

Истиқбол режада экин майдонларининг структураси, хўжалик тармоқларининг йўналиши, янги ерларни суғориш, яйловларга сув чиқариш, экин майдонларини кенгайтириш, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, моллар туёғини кўпайтириш, уларнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш каби тадбирлар кўрсатилади.

Истиқбол режада ишлаб чиқариш, маданий-маиший бинолар, йўллар куриш, техника сотиб олиш, электрлаштириш, мелиорация иншоатларини яхшилаш, хўжаликнинг ишчи кучларидан фойдаланиш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва корхонанинг рентабеллигини оширишга ҳам эътибор берилади.

Хўжаликда истиқбол режаларни тузишда ҳар бир тармоқнинг ҳам истиқбол режаси алоҳида тузилиши керак.

Дехқончиликни ташкил этиш буйича:

- ирригация-мелиорация қурилишлари;
- ер фондидан уни ярокли ва яроқсизга бўлиб тўлиқ фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалик экинлари, кўп йиллик дарахтлар ва яйловларнинг ҳосилдорлигини ошириш;
- алмашлаб экиш схемалари сони, ўлчами ва қайси экинлар билан алмашлаб экилишини режалаштириш;
- экин майдонларининг структурасини тўғри белгилаш;
- агромелиоратив ишларни яхшилаш ва эрозияга қарши кураш чораларини ўз вақтида олиб бориш.

Чорвачиликни ташкил этиш буйича:

- чорва моллари, паррандаларнинг бош сонини ва маҳсулдорлигини ошириб, уларнинг зотини яхшилаш;
- фермалар ҳажми ва уларни жойлаштириш;
- чорва молларини турларига қараб боқиш ва асрашни яхшилаш.

Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ундан фойдаланиш бўйича:

- хўжаликни машиналаш, техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаб бориш;
- ремонт базаларини ташкил этишни режалаштириш;
- қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ва йигиштириш

технологиясини аниқлаш ва амалга ошириш.

Мехнат унумдорлиги ва ишчи кучларидан фойдаланиш бўйича:

- аҳолининг ўсиши ва ишчи кучларидан фойдаланиш;
- аҳоли яшайдиган пунктлар ва уларни жойлаштириш.

Қурилиш ва капитал жамғармалар бўйича:

- коммунал турар-жой, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш биноларининг ҳажми, қурилиб фойдаланишга топшириш муддатларини режалаштириш.

Режалаштириш иши фақат режа тузиш билан чегараланмасдан, балки режа кўрсаткичларининг тўла бажарилишини таъминлашдан ҳам иборатдир.

5-Мавзу.

ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

5.1. Индикатив режалаштиришни ташкил этиш.

5.2. Индикатив режалаштиришда иқтисодчиларнинг функциялари ва мажбуриятлари.

5.3. Иқтисодиёт кўрсаткичларини индикатив режалаштиришда ахборот технологияларининг устунликлари.

5.1. Индикатив режалаштиришни ташкил этиш

Индикатив режалаштиришни ташкил этишда унинг таркибий унсурлари сифатида қуйидагилар иштирок этади:

- режани ишлаб чиқиш тартиби ва изчиллиги;
- ахборот тизими;
- ижрочилар.

Режалаштиришни а) давлат (мамлакат, минтақа, тармоқ) даражасида; б) фирма миқёсида ташкил этиш турлари мавжуд.

Ўзбекистон режалаштириш давлат тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан режалаштиришни корхоналар даражасида ташкил этиш амалиёти билан белгиланади.

Корхона миқёсида режалаштириш хўжалик юритиш объектини бошқариш тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Корхона иқтисодиётнинг бошланғич бўғини сифатида ўз режаларини ишлаб чиқишда тўлиқ мустақилдир. Биз юқорида айтиб ўтган режалаштиришни ташкил этиш унсури – режани ишлаб чиқиш тартиби ва изчиллиги – бир неча босқичларда амалга оширилади:

- 1) фаолият мақсадини асослаш;
- 2) ахборотни йиғиш;
- 3) иқтисодий таҳлилни ўтказиш;
- 4) прогнозларни тузиш;
- 5) режаларни тузиш;
- 6) режаларни тасдиқлаш ва ижрочиларга етказиш;
- 7) ижрочилар томонидан режанинг бажарилиши;

8) режа мониторинги.

Режани ишлаб чиқишнинг юқорида келтирилган изчиллиги тахминий ҳисобланади. Режалаштириш ривожланишдаги устувор йўналишларни танлашдан бошланади. Танлов тўлиғича келажак учун фаолиятнинг асосий мақсадларини белгилаб берувчи юқори раҳбариятнинг қарорига боғлиқ.

Режалаштиришда *ахборот йиғиш ишлари* кўп жиҳатдан прогнозлаштиришни ташкил этишдаги худди шундай босқичга ўхшаб кетади. Бунда унинг фарқи кўпроқ хўжалик юритиш ички муҳитининг ахборотидан фойдаланишдан иборат.

Иқтисодий таҳлил ўтмиш ва ҳозирги давр тўғрисидаги ахборотни баҳолаш сифатида иқтисодий ишнинг мустақил унсури сифатида кўриб чиқилади. Ушбу жараён иқтисодий шахс фаолиятининг бўлажак шарт-шароитлари ва натижаларини баҳолаш мақсадида ўтмишдаги ва ҳозирдаги иқтисодий, тижорат, кадрлар соҳасидаги ва бошқа ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни ўрганишга асосланган. Таҳлил режалаштиришнинг мажбурий бошланғич босқичи ҳисобланади ва қуйидагиларни ўз ичига олади: иқтисодий ҳисоб-китоблар; фаолиятдаги ижобий жиҳатларни аниқлаш; фаолиятдаги салбий жиҳатларни аниқлаш, шу жумладан унинг пайдо бўлиши сабабларини ўрганиш; фаолиятни баҳолаш; фаолиятни яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқиш.

Режалаштиришни ташкил этишнинг навбатдаги босқичи – *режаларни тузиш*. У кўп сонли ҳисоб-китобларни ўз ичига олади.

Режа кўрсаткичларини тасдиқлаш жараёни режа лойиҳасининг даставвал манфаатдор тузилмавий бўғинлар томонидан, сўнгра эса юқори раҳбарият томонидан муҳокама этилишини назарда тутати. Расмий режаларнинг тасдиқланиши баённома, буйруқ ёки фармойиш билан қайд этилади. Тасдиқланганидан кейин режалар *ижрочиларга, яъни*: таркибий бўлинмалар, бўлимлар, хизматлар ва алоҳида ходимларга *етказилади*. *Режаларни бажариш* ишлари бошланади ва бунда менежерлар катта рол ўйнайди. *Режаларни бажариш жараёни*, биринчидан, маблағларнинг сарфланшига қараб, иккинчидан, бажариш вақтига қараб, учинчидан, иқтисодий самара нуқтаи назаридан назорат қилинади.

Расмий режалардан ташқари кўпроқ бошқарув қарорларини эслатувчи кўплаб режалар қўлланилади. Кўпинча улар тактик хусусиятга эга бўлади. Тадбиркорлар, менежерлар ва бошқа мутахассислар ҳар куни белгиланган мақсадларга эришишга йўналтирилган кўплаб муайян қарорларни қабул қилишади. Кундалик ҳаракатларни режалаштириш ҳам режалаштиришнинг умумий методологиясига асосланади. Қарор қабул қилиш жараёни чекланган имкониятлар ва белгиланган мақсадларни ҳисобга олган ҳолда барча мавжуд муқобил вариантлар ичидан бирини танлаш зарурлигига асосланади.

Режанинг мослиги ва барқарорлиги талабларини қарама-қарши қўйиш режалаштириш назариясидаги мураккаб дилемма ҳисобланади. Бир томондан, режани ишлаб чиқиш уни фирма фаолиятининг ўзгарувчан шароитларга узлуксиз мослаштириб туришга йўналтирилиши лозим, лекин, иккинчи томондан, режа ҳақиқатдан ҳам ишдаги мўлжал сифатида хизмат қилиш учун

ҳеч бўлмаганда маълум муддатга барқарор бўлиши керак. Бундай ҳолатни реал жорий этиш қуйидаги йўллар билан мурса йўлини топишдан иборат:

1) Режага тузатишлар киритиш (унга киритиладиган тезкор ўзгартиришларнинг тўпланишига қараб доимий равишда ёки вақти-вақти билан). Лекин дастлабки режа ҳам, тузатишлар киритилган режа ҳам фаолиятнинг якуний мақсадларига эришиш даражасини баҳолаш имконини берувчи ўзгармас параметрларга, мезонларга эга бўлиши керак;

2) Фаолиятнинг якуний мақсадларига ёки оралиқ натижаларга эришганлик учун ходимлар меҳнатини рағбатлантириш тизимини яратиш.

Шу муносабат билан собиқ иттифоқ давридаги маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётида қўлланилган режа кўрсаткичларини ўзгартириш амалиётини таъкидлаш мумкин. Ходимлар режаларни бажариш юзасидан ўз вазифаларини англаб етиши ва зарур ҳаракатларни амалга оширишни ўйлаб кўриши учун режаларни ижрочилар ҳукмига режа даври бошлангунга қадар камида 10 кун олдин ҳавола этиш зарур деб ҳисобланарди. Режага ўзгартиришларни режа даври тугашига камида 20 кун қолганида ва бунга етарлича асослар мавжуд бўлан тақдирда киритиш мумкин эди. Режаларнинг тез-тез ўзгартирилишига йўл қўйилмас эди, чунки бу ходимларни ўз ишининг ҳақиқий вазифаларини бажаришдан чалғитиши мумкин эди. Режалаштиришнинг ҳозирги амалиёти ҳам режаларни ижрочиларга етказиш ва уларга ўзгартиришлар киритишнинг ўз қоидаларини ишлаб чиқиши керак.

5.2. Индикатив режалаштиришда иқтисодчиларнинг функциялари ва мажбуриятлари

Индикатив режалаштириш сифати кўп жиҳатдан мутахассисларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқ, бу қуйидагилар билан белгиланади:

назарий тайёргарлик;

уларнинг интеллектуал ривожланганлиги;

тажриба ва малака;

режа – бу тегишли ҳаракатларни талаб қилувчи онгли равишда қабул қилинадиган қарорлар тизими эканлигини тушуниш;

қўлланиладиган тадбирларнинг оқибатларини олдиндан кўра билиш;

асосийсини кўра олиш қобилияти;

бизнес шароитида ташқи ва ички омилларнинг мақбул нисбатини топа олиш.

Асосий режавий асослашларни худди илгаридаги каби иқтисодчилар бажаришади. Лекин режа ҳўжалик юритишнинг барча вазифалари ва муаммолари мажмуини акс эттириши учун уни ишлаб чиқишга ўз ваколати масалаларига мувофиқ равишда бошқа хизматлар ва бўлимларнинг ходимлари ҳам жалб этилади. Яъни режа ҳисоб-китобларини амалга оширишда иқтисодий бўлим ходимлари қуйидагилар билан ўзаро ҳақорлик қилади:

раҳбарият билан – ривожланиш стратегиясининг умумий мақсадлари ва ташкилий масалалар юзасидан;

маркетинг ва сотиш бўлимлари билан – сотиш масалалари юзасидан;
бухгалтерия билан – ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар масалалари юзасидан;
молиявий бўлим билан – молиялаш масалалари юзасидан;
таъминот ва транспорт бўлимлари билан – таъминот ва хомашёни етказиб бериш масалалари юзасидан;

бош муҳандис бўлими, технологик ва ишлаб чиқариш бўлимлари билан – ишлаб чиқариш хусусидаги масалалар юзасидан;

кадрлар, меҳнат ва иш ҳақи бўлими билан – ходимлар ва бошқа масалалар юзасидан.

Иқтисодий бўлим ходимлари қуйидаги асосий функцияларни бажаришади:

- статистика ҳисоботларини тузиш;
- хўжалик юритиш ташқи муҳитининг ҳолатини ўрганиш;
- фирманинг фаолияти иқтисодий таҳлил қилиш;
- прогноزلар ва режаларни тузиш, уларни ижрочилар ҳукмига ҳавола этиш;

- алоҳида бошқарув қарорларининг иқтисодий самарасини аниқлаш;
- фирма ходимларининг иқтисодий таълим олишида иштирок этиш;
- фирма раҳбариятига иқтисодий масалалар юзасидан маслаҳат бериш;
- иқтисодий масалалар бўйича маълумотлар ва шарҳлар тайёрлаш;
- тегишли шикоятлар ва таклифларни кўриб чиқиш ва б.
- фирмаларда иқтисодчилар ишида тегишли ечимини талаб этувчи қатор муаммоларни (ёки камчиликларни) учратиш мумкин:

- ишларни аҳволини батафсил таҳлилий шарҳлаш ўрнига иқтисодий ҳаёт фактларини оддий изоҳлаш;

- олинган натижаларни оддий тарзда қайд этиш;
- бозор назариясини етарлича билмаслик;
- ўз товари бозорининг конъюнктурасини яхши билмаслик;
- режалар тузувчилари ва тақсимловчиларининг камтарона тутган ўрни;
- иқтисодий ҳисоб-китобларда эскириб қолган ва самарасиз ёндашувлардан фойдаланиш;

- нотанқидий тафаккур этиш;
- касблараро ўзаро ҳамкорликингни заифлиги;
- бошқарув қарорларининг иқтисодий жиҳатдан асосланмаслиги;
- мамлакатдаги инфляция ва юқори стохастик бозор ҳодисалари туфайли прогнозлаштириш ва режалаштириш амалиётидан воз кечиш.

Шундай қилиб, режани ишлаб чиқиш тартиби ва изчиллиги, ахборот тизими ва ижрочилар режалаштиришни ташкил этишнинг муҳим унсурлари ҳисобланади. Режалаштириш сифати кўп жиҳатдан фирма ходимларининг тайёргарлик даражаси билан белгиланади. Режалаштиришда режани амалга ошириш билан шуғулланувчи ходимларнинг роли ортиб боради. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисод ходимига нисбатан ахборот оқимидан муайян тенденциялар ва қонуниятларни кўриш, мураккаб вазиятдан чиқиб кетишнинг тўғри йўлини асослаш зарурати билан боғлиқ янги талаблар қўйилади.

5.3. Иқтисодиёт кўрсаткичларини индикатив режалаштиришда ахборот технологияларининг устунликлари

Ҳозирги замонда компьютер кўплаб касблар ходимлари меҳнат воситаларининг ажралмас қисмига айланди. У прогнозлаштириш ва режалаштириш масалалари билан шуғулланувчи иқтисод ходимлари томонидан ҳам фаол қўлланилади. Информатиканинг ахборотни олиш ва қайта ишлаш усуллари ва воситалари бўйича амалий даражасини акс эттирувчи, билимларнинг муайян соҳаларида назарияни амалиётда қўллаш соҳасини қамраб олувчи ахборот технологиялари иқтисодий олдиндан кўра билишнинг кўплаб масалаларини оқилона ҳал этиш имконини беради. Ахборот технологиялари – бу бошқарув объектининг оптимал бозор параметрларига эришиш учун бошланғич маълумотларни аппарат ва дастурий воситалар ёрдамида қарор қабул қилиш механизмининг ишончли ва тезкор ахборотига айлантириш усуллари мажмуидир. Улар компьютерлар, локал ва глобал тармоқлар, мультимедия технологиялари ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Иқтисодий ҳисоб-китобларда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг афзалликлари нималардан иборат? Ахборот технологиялари жаҳон эволюциясининг ўзига хос катализатори сифатида иштирок этади. Фан-техника тараққиётининг ривожланиш ва унинг натижаларидан хўжалик амалиётида фойдаланиш жараёнини акс эттирган ҳолда ахборот технологиялари жамиятда иқтисодий ўсишнинг муҳим воситасига айланиб бормоқда. Ахборот технологияларини иқтисодий асослашларда қўллаш ҳисоб-китобларни тезлаштириш ва уларнинг аниқлигини оширишнинг гарови бўлмоқда.

Давлат, минтақа ёки фирма даражасини прогнозлаштириш ва режалаштириш масалалари кўплаб ўзаро таъсир этувчи ва ўзаро боғлиқ омилларни акс эттирувчи мураккаб жараённи ўзида намоён этади. Ахборот технологиялари билимларнинг сифат жиҳатдан янги даражасини акс эттириб, бухгалтерия маълумотлари ҳисобини юритишнинг замонавий воситаларини, уларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усуллари намоён этган ҳолда самарали бошқарув имконияти янада кенгайтиради, яъни улар тадбиркорликнинг муайян шароитида ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқлиги ва асослилиги тўғрисида қарор қабул қилишга ёрдам беради.

Ўз фаолиятининг келгуси натижаларини режалаштириш билан шуғулланувчи тадбиркорнинг барча қарорлари хўжалик юритишнинг самарадорлигига эришишга интилиш билан шартланган. Ушбу самарадорлик, одатда, даромадлар ва харажатлар нисбатида ўз ифодасини топади, бунда даромадлар харажатлардан устунлик қилади. Даромадлар ва харажатларнинг ижобий сальдоси фирманинг ҳар бир битимида (операцияда) тегишли мезоннинг иштирок этишини белгилаб беради. Ҳар бир операциядан (ёки уларнинг аксариятидан) фойда олиш бутун ташкилот хўжалик юритиши самарадорлигининг асосини яратади. Мамлакатдаги кўплаб фирмалар ишлашининг самарадорлиги эса якуний истеъмолчининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда давлатнинг бутун иқтисодиёти самарадорлиги учун замин яратади. Лекин, бутун ушбу занжирнинг асосида иқтисодий шахс хўжалик

юритишининг самарадорлиги ётади. Фирмадаги ҳар бир операция (битим) ва уларнинг бутун йиғиндиси ўзининг умумий самарадорлигининг бир қисми кўринишида ахборот технологияларини қўллаш самарадорлигини ўз ичига олади.

Ахборот технологияларидан фойдаланишнинг муайян самарадорлиги уларни қўллашдан олинadиган умумий даромадларни компьютер тизимларини харид қилиш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш бўйича тегишли узоқ муддатли инвестициялар билан таққослаш орқали белгиланиши мумкин. Ахборот технологияларини қўллашнинг йиллик самарадорлигини ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун компьютер тизимининг амалда юзага келган иқтисодий самарадорлигини 0,32 га тенг бўлган норматив коэффициент билан таққослаш тавсия этилади. Тўғри фойдаланилганда ахборот технологияларини қўллаш одатда сармоянинг юқори рентабеллигига олиб келади (баъзан 81%га етади). Ахборот технологияларидан фойдаланиш одатда ходимлар сонини камайтиради, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва тегишлича вақт бирлигига тушум ҳажмининг ошишига кўмаклашган ҳолда барча харажатларнинг тежалишига олиб келади.

Компьютер тизимининг самарадорлигини баҳолаш бир неча таркибий қисмларга, хусусан марказий процессорга боғлиқ. Унинг самарадорлигига тезкор хотира ҳажми, жиҳозни модернизациялашни ҳисобга олган ҳолда мулк қиймати, дастурий таъминотни тарқатишнинг автоматлаштирилганлиги ва бошқалар таъсир кўрсатади.

Ахборот тизимига нисбатан қўйиладиган умумий талаблар инвестицияларнинг барқарорлиги ва ишончлилигини, ҳимояланганлиги ва сақланишини ўз ичига олади.

Компьютер тизимларини харид қилиш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш харажатлари қуйидагилар қиймати билан аниқланади:

1. Аппарат-дастурий воситалар (узоқ муддатли инвестициялар, янги тизимларни лицензиялаш, модернизациялаш ва навбатдаги янгилашлар);
2. Маъмурийлаштириш (тармоқ ва тизимни маъмурийлаштириш, жамғарувчилар маъмурийлаштириш, меҳнат, субпудрат ҳақи);
3. Қўллаб-қувватлаш (техник қўллаб-қувватлаш, ўқитиш, моддий-техника таъминоти хизматлари, хизмат сафари харажатлари, хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш шартномаси, қўшимча харажатлар);
4. Ишланмалар (иловаларни яратиш, тестлаш ва ҳужжатларн тайёрлаш);
5. Коммуникация воситалари (линияни ажратиш ва серверлардан фойдаланиш).

Эгалик қилиш умумий қийматини пасайтириш бошқарувнинг турли вазифалари, шу жумладан прогнозлаштириш ва режалаштириш учун қўлланилиши мумкин бўлган ахборот тизимини танлашга боғлиқ. Бироқ ушбу вазифалар, одатда, бухгалтерия ҳисоби дастурлари мавжуд бўлган тақдирда ҳал этилади.

Шундай қилиб, иқтисодий ҳисоб-китобларда ахборот технологияларини қўллаш оқилона ёндашув чоғида фирмага жалб этиладиган ахборот оқимлари майдонини керайтириш, ахборот оқимларини тезлаштириш, зарарларни

камайтириш ва ўз фаолиятини хавфсизлантириш имконини беради.

6-Мавзу.

ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲОДИСАЛАРНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

6.1. Индикатив режалаштириш функциялари.

6.2. Индикатив режалаштириш методологиясининг асосий қоидалари.

6.3. Иқтисодий инқирозлар ва режалаштириш тажрибалари.

6.4. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт концепциялари.

6.1. Индикатив режалаштириш функциялари

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан давлат ва нодавлат секторларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни онгли равишда бошқариш усули сифатида индикатив режалаштириш ривожланади.

Индикатив режалаштириш бозорнинг мустақил субъектларини давлат билан мутаносиб асосларда ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб қилиш усули ҳисобланади. У товар ишлаб чиқарувчилар, харидорлар ва умуман бозорга таъсир этишнинг иқтисодий воситаларидан фойдаланишга асосланиб, давлат ва хусусий сармоя манфаатларини уйғунлаштириш имконини беради.

Индикатив режа иккита асосга таянади. Бир томондан, у дастурлар ёки алоҳида кўрсаткичларни ишлаб чиқиш учун йўналтирувчи ахборот ҳисобланади. Бу борада у тавсиявий хусусиятга эга: кўрсаткичлар стратегия ёки иқтисодий ҳаракат тўғрисида қарорлар қабул қилишда индикаторлар сифатида фойдаланилади. Индикатив режа қамраб олган ҳўжалик юритувчи субъектлар учун унинг кўрсаткичлари мажбурий ҳисобланади, чунки уларни бажармаслик режада қўйилган вазифаларнинг бажарилмаслигига олиб келади.

Индикатив режалар устувор йўналишларга асосланади, уларнинг айримлари давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сиёсати билан белгиланса, бошқалари режалаштириш жараёнида аниқланади. Асосланган устувор йўналишлар замирида тегишли рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилади; миллий аҳамиятга эга бўлган йирик лойиҳалар бўйича ўрта муддатли дастурлар доирасида давлат ва хусусий секторнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари эвазига инвестиция келишувлари тузилади.

Индикатив режалаштиришда корхоналар мувофиқлаштирувчи органга (бу ижро этувчи ҳокимият органи бўлиши мумкин) ўзининг маҳсулотни сотиш (етказиб бериш) тўғрисидаги таклифларини юборади. Агар улар қабул қилинса, бу иккала томон учун ҳам тегишли мажбуриятларни юклайди: а) мувофиқлаштирувчи орган ҳажмларни амалга ошириш ва рағбатлантириш тизимига киритади; б) корхона олинган мажбуриятни бажаришга мажбур

бўлади. Шунга ўхшаш тартиб директив режалаштиришда ҳам юқоридан ва қуйидан белгиланган режаларни уйғунлаштириш шаклида амал қилган, фарқ фақат шундаки, энди режа корхонага мажбурий тартибда етказилмайди, балки у томонидан ихтиёрий равишда қабул қилинади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш индикаторлари сифатида иқтисодиётнинг динамикаси, таркиби ва самарадорлигини; молия-кредит сиёсатининг ҳолатини; товарлар ва қимматли қўғозлар бозори, валюта бозорининг ҳолатини; нархлар ҳаракатини; аҳолининг бандлиги ва турмуш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Индикатив режалаштириш бозор иқтисодиётининг фаолият кўрсатишига таъсир этишнинг асосий усули ҳисобланади. У фақат бозор усуллари билан амалга оширишнинг иложи бўлмаган ёки қийин бўлган кўплаб масалаларнинг ҳал этилишини таъминлашга қаратилган. Бу давлат бошқарув органлари тизими барча бўғинларининг ҳам ўзаро, ҳам минтақавий органлар билан ўзаро ҳамкорлиги шаклидир.

6.2. Индикатив режалаштириш методологиясининг асосий қоидалари

Режалаштириш мантиғи қатор қонуниятларга (тамоийилларга) асосланади.

Режалаштириш тамойили – ривожланиш қонунларининг умумий ҳаракатини ифодаловчи ҳамда дастурлар, лойиҳалар ва режаларнинг вазифаларини, йўналишларини ва бажарилиш имкониятларини белгилаб берувчи объектив категория.

Биринчи тамойил – узлуксизлик – режаларнинг изчиллигида, ички ва ташқи шароитлар ўзгариши муносабати билан режаларга тузатишлар киритишда ифодаланади.

Иккинчи тамойил – ягоналик – режалаштиришнинг тизимли хусусиятини назарда тутаяди ва мувофиқлаштириш (бошқарувнинг бир даражасининг функционал ўзаро ҳамкорлиги) ва интеграция (режаларни бошқарув поғоналари бўйича мувофиқлаштириш) орқали амалга оширилади.

Учинчи тамойил – режалаштиришнинг эгилувчанлиги – ички ва ташқи шароитларга қараб режалар йўналишини ўзгартириш.

Тўртинчи тамойил – иқтисодий сиёсатнинг ягоналиги. Режа ҳужжатлари ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техник ва сиёсий қарорлар сифатида кўриб чиқилади.

Бешинчи тамойил – марказлашув ва ҳудудий манфаатлар ягоналиги – бунда давлат бошқаруви органлари қарорларининг лойиҳалари қонунчилик доирасида ҳўжалик фаолиятини мустақил равишда амалга оширишга қодир бўлган иқтисодиёт субъектларининг манфаатларини ҳисобга олади.

Олтинчи тамойил – стратегик дастурлар ва режаларнинг илмий асосланганлиги ва самарадорлиги қуйидагиларни англатади:

- иқтисодиётни, ишлаб чиқаришни таркибий қайта қуриш, унинг ижтимоий йўналтирилишини, меҳнат самарадорлигининг юқори даражасини таъминлаш мақсадида режалаштиришда фан-техника тараққиёти ютуқларидан амалда фойдаланиш;

- жамиятнинг ўзгарувчан эҳтиёжларига тезда мослашиш;

- стратегик режаларни тузиш ва ҳисоблаб чиқиш учун режа ахборотининг ишончлилик даражасини ошириш;

- режаларни ишлаб чиқиш технологиясини такомиллаштириш.

Бундан ташқари, индикатив режалаштириш куйидаги учта ўзига хос ёки локал тамойилга таянади:

1) етакчи бўғинларни ажратиш асосида оптимал муносибликни таъминлаш тамойили;

2) прогнозлар, дастурлар ва режаларнинг ягоналиги ва мажмуийлиги тамойили;

3) дастурлар ва режаларни ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилиш имкониятини таъминлаш ва бажарилишини текшириш жараёнининг ягоналиги тамойили.

Стратегик режалаштириш тамойиллари ушбу гуруҳининг таркибига куйидагилар киради:

1. Етакчи бўғинларни ажратиш асосида оптимал муносибликни таъминлаш тамойилининг моҳияти оптималлик мезонлари: а) стратегик режалаштириш муаммоларини ҳал этиш учун зарур бўлган вақт; б) режа қарорларини амалга ошириш учун талаб этиладиган капитал қўйилмалар ҳажми, ёки моддий ресурслар ҳажми; в) режа вазифасини ҳал этиш учун зарур бўлган ходимлар сонидан келиб чиққан ҳолда бошқарувнинг тегишли субъектлари томонидан бошқарилаётган кичик тизимнинг таркибий унсурлари ўртасида улушлар ва мувофиқликларни шакллантиришдан иборат.

Етакчи бўғинларни ажратиш – стратегик режалаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий тизимларда ва унинг объектларидаги мувазанат учун зарур бўлган шароитларни яратиш имконини берувчи муҳим йўналиши. Етакчи бўғинларни ажратишда шундан келиб чиқиладики, жамиятнинг эҳтиёжлари ҳамма вақт реал эҳтиёжлар ва идеал эҳтиёжлар мажмуини ўз ичига олади. Эҳтиёжлар ўз аҳамиятига кўра индикатив режалаштириш субъектлари ва объектлари учун бир хил эмас. Шунинг учун сафлаш асосида бир турдаги эҳтиёжларни бошқаларидан кўра афзал кўриш зарурати туғилади.

2. Прогнозлар, дастурлар ва режаларнинг ягоналиги ва комплекслиги тамойили. Фирма, минтақа, мамлакат доирасида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ягоналиги, ягона иқтисодий макон, тегишли инфратузилмага эга бўлган ягона бозорнинг мавжуд бўлиши ушбу тамойилнинг асосини ташкил қилади.

Турли режа ҳужжатларининг ягоналиги расмана бўлиши ва ягона шакллар, кўрсаткичлар, жадваллар ва кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш усуллари билан таъминланиши мумкин. У моддий бўлиши ва топшириқларни бажариш учун зарур бўлган муайян ресурсларга таяниши мумкин.

6.3. Иқтисодий инкирозлар ва режалаштириш тажрибалари

Ҳеч бир давлат иқтисодий тизимнинг беқарорлиги билан боғлиқ хатарлардан ҳимояланмаган. Бироқ ўтиш ва ривожланаётган иқтисодиётлар бундай хатарларга тез-тез дучор бўлади, чунки уларнинг бозорлари очик, лекин

шу билан бирга молиявий беқарорлик пайдо бўлиши омилларининг таъсирини юмшатовчи механизмлар шаклланмаган.

Иқтисодий беқарорликни мамлакат молиявий тизимидаги иқтисодий фаолликка салбий таъсир кўрсатувчи муаммолар сифатида таърифлаш мумкин. Кўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, тангликдан олдин юз берадиган молиявий беқарорлик даврлари умумий асосий унсурларга эга бўлиши мумкин. Молиявий инқирозлар натижасида иқтисодиёт кўрадиган катта миқдордаги харажатлар танглик олдида юз берадиган ҳодисаларнинг ўсишини билиш ва иқтисодий агентларга уларга барҳам бериш учун вақт бериш имконини берувчи моделларни тузишга ундайди. Шундай қилиб, танглик авж олишининг олдини олиш учун мамлакат иқтисодиёти ҳолатининг мониторингини юритиш зарур.

Мамлакат иқтисодиётидаги умумий вазиятни акс эттирувчи асосий макроиқтисодий индикаторлар қуйидаги тарзда гуруҳланиши мумкин:

- Иқтисодий ўсиш суръатлари:
 - ЯИМнинг ўсиш суръатлари;
 - саноат ишлаб чиқариш динамикаси.
- Тўлов баланси:
 - жорий ҳисобварақ сальдоси;
 - олтин-валюта захиралари;
 - ташқи қарз;
 - савдо шартлари (экспорт нархлари);
 - импорт ва экспорт;
 - реал самарали курс;
 - сармоянинг оқиб чиқиши.
- Фоиз ставкалари:
 - реал фоиз ставкаси;
 - ички фоиз ставкаси билан LIBOR ставкаси ўртасидаги фарқ;
 - кредитлар бўйича ставкаларнинг депозитлар бўйича ставкаларга нисбати.
- Пул индикаторлари:
 - ИПЦ;
 - реал ифодадаги ички кредит динамикаси;
 - пул мультипликатори;
 - реал ифодадаги депозитларнинг ўсиш суръатлари;
 - пул массасининг олтин-валюта захираларига нисбати;
 - реал ифодадаги пулларнинг «ортиқча» таклиф этилиши.
- Валюта бозоридаги босим индекси.

Иқтисодий барқарорлик мониторингини юритиш учун иқтисодиёт ҳолати ҳақида олдиндан хабар берувчи индикаторларни миқдорий таҳлил қилиш методологияси қўлланилиб, унинг доирасида индикаторларнинг чегара кўрсаткичлари тузилади, шунингдек кейинги даврда молиявий беқарорликнинг байдо бўлиш эҳтимолини баҳолаш имконини берувчи молиявий барқарорликнинг жамлама индекси ҳисоблаб чиқилади.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт концепциялари

Белгиланган тартибга мувофиқ давлат прогнозлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозлари демографик, илмий-техникавий, экологик, иқтисодий, ижтимоий, шунингдек тармоқ, минтақавий ва фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа соҳаларини акс эттиради.

Ижтимоий-иқтисодий прогнозлар макроиқтисодий, тармоқ, идоравий, ҳудудий хусусиятга эга бўлиб, улар умуман мамлакат бўйича, халқ хўжалиги мажмуалари ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича, минтақалар бўйича ишлаб чиқилади. Иқтисодиёт давлат секторининг ривожланишини прогноз қилиш алоҳида ажратилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозлари узоқ муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли истиқболлар учун бир неча вариантларда ишлаб чиқилади.

Узоқ муддатли истиқбол учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози 5-10 ва ундан ортиқ йиллар учун ишлаб чиқилади. У биринчи навбатда қурилиш кўламларидаги, муддатлардаги, харажатларни қоплашдаги хатолар жамият учун қимматга тушадиган ҳолатларда йирик қимматбаҳо лойиҳаларни амалга оширишда зарур. Узоқ муддатли прогнознинг асосида фан, техниканинг ривожланиш тенденциялари, фан-техника тараққиётида қўлланилган юксалишлар ётади.

Узоқ муддатли истиқбол учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозларининг маълумотларидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясини, ўрта муддатли истиқбол учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозлари ва дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Ўрта муддатли истиқбол учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози 3 йилдан 5 йилгача бўлган даврга ишлаб чиқилади ва унга ҳар йили тузатишлар киритилади. Ўрта муддатли истиқбол учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси ушбу прогнозни ишлаб чиқиш учун бошланғич асос бўлади. Ўрта муддатли истиқбол учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози эълон қилиниши лозим.

Қисқа муддатли истиқбол учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози ҳар йили ишлаб чиқилади. Қисқа муддатли истиқбол учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари;
- Ижтимоий ривожланиш;
- Фаннинг ривож;
- Бюджетдан ташқари ва мақсадли бюджет фондларининг маблағларини шакллантириш ва сарфлаш;
- Хусусийлаштириш;
- Тўлов баланси;
- Фонд бозорининг ривожланиши;
- Бирлаштирилган бюджет;
- Ишлаб чиқариш ва истеъмол динамикаси.

Шунингдек, йилнинг чораги учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозлари ҳам ишлаб чиқилади.

Давлат прогнозларидан Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимият органлари томонидан ижтимоий-иқтисодий сиёсат соҳасида муайян тадбирлар қўлланилишида фойдаланилади. Прогноз мавжуд бўлган тақдирда қарорлар нафақат жорий воқеалар учун муносабат билдириш сифатида, балки унинг оқибатлари тўғрисида аниқ тасаввурни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Ҳар қандай қарор унинг муҳмилиги ва прогнозларнинг аниқлигига қараб қабул қилинади.

Прогнозлар хулосалари белгиланган ижтимоий-иқтисодий мақсадларда ривожланишнинг объектив тарзда мумкин бўлган вариантлари сифатида дастурлар, концепциялар ва режаларни ишлаб чиқишда тавсия сифатида ҳам зарур. Прогноз корхоналарга нохуш натижаларни, масалан, банкротликни олдини олиш чораларини олдиндан кўра олиш имконини беради.

7-Мавзу.

ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

7.1. Индикатив режалаштиришда умумий ёндашувлар.

7.2. Индикатив режалаштиришда тизимли ёндашув.

7.1. Индикатив режалаштиришда умумий ёндашувлар

Ҳар қандай фан методологияси умумий дунёқараш, умумий методологик тамойиллар, билишнинг умумий илмий усуллари ва ўзига хос, хусусий методология бирлигини ўзида намоён этади. Методология – бу ҳақиқатни билиш ва ўзгартириш мақсадида тадқиқот ўтказиш усуллариининг йиғиндисидир. Режалаштириш методологияси индикатив режалаштиришнинг илмий асоси ҳисобланади. Режалаштириш методологияси – бу амалий фаолиятда иқтисодиётнинг ривожланишини белгилаб берувчи қонунлардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш воситасидир; режалаштириш муаммоларини ҳал этиш усуллари ва уларни амалиётга жорий этиш усуллариини ишлаб чиқиш.

Методологик ёндашув – бу барча даражадаги прогнозлар, дастурлар, режалар ва вақт горизонтларини ишлаб чиқишда стратегик режалаштириш мантиғи, тамойиллари ва усулларииндан фойдаланишнинг яхлит йўналиши.

Индикатив режалаштириш режалаштиришга нисбатан умумий методологик ёндашувлардан фойдаланишни инкор этмайди, лекин бунда уларга режалаштиришнинг ўзига хос функциялари билан шартланган тузатишларни киритади (тизимли ёндашув, режалаштиришнинг ўзини ўзи ривожлантирувчи интерактив схемаси, ўзи ўқиб, ўрганувчи концепция ва режалаштиришнинг мослашувчан тизими).

Аввалги тажрибани ҳисобга олиш ва режа қарорларининг изчиллиги

реактив ёндашувнинг афзаллиги ҳисобланади. Реактив режалаштиришнинг камчиликлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- режалаштириш тизимларининг таркибий унсурлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги;

- ташкилотлар ҳўжалик фаолияти умумий самарадорлигининг пасайиши;

- бошқарувнинг бюрократик тизими.

Инновацияларнинг мавжуд эмаслиги, муҳит ўзгаришига мослашишга қодир эмаслик, ходимлар мустақиллиги ва ижодий салоҳиятининг чекланганлиги режалаштиришга нисбатан инактив ёндашувнинг асосий камчилиги ҳисобланади.

Режалаштириш ташқи муҳит ва режалаштириш субъектлари ички фаолиятининг келгуси ўзгаришларини прогноз қилишдан иборат. Бунда режалаштириш тадбирлари “юқоридан қуйига” қараб амалга оширилади. Режалаштиришга нисбатан реактив ёндашувнинг камчилиги – тўпланган тажрибадан тўлиқ фойдаланмаслик, келажакни тадқиқ этиш усулларидан фойдаланишга ҳаддан зиёд киришиб кетиш.

Режалаштириш методологияси кўнгилдаги келажакни “лойиҳалаштиришга” ва уни тузиш йўллариини ўзгартиришга асосланган. Шу муносабат билан режалаштиришга нисбатан “мослаштирувчи” ёки “вазиятли” ёндашув кенг тарқалди. Ушбу методологик ёндашув ички ва ташқи шароитларнинг ўзгаришини ҳисобга олувчи ва эришилган самарадорлик даражасининг пасайишига йўл қўймайдиган барқарор қарорларни қабул қилиш имконини беради.

Атроф муҳитдаги барча ўзгаришларни ҳисобга олувчи ва улардан фойдаланувчи ривожланишнинг оптимал режасини тузиш учун “оптималлаштирувчи ёндашув” қўлланилади. Режалаштиришга нисбатан сай-ҳаракатларни камайитиришга эмас, балки оптимал қарорларни қидириб топишга йўналтирилган оптималлаштирувчи ёндашув методологияси преактив ёндашувга мос келувчи йўналишларга эга.

Методологик ёндашувлардан фойдаланиш индикатив режалаштиришни режалаштириш хилларининг умумий қиёсий схемасига ва режалаштириш тизимларининг таснифий (классификацион) тузилишига киритиш имконини беради.

Мақсадлар – индикатив режалаштиришда идеал ҳолат ёки режалаштириш объектининг маълум вақт оралиғида фаолият кўрсатиш натижалари сифатида тушунлади.

Вазифа – бу режалаштириш даври доирасида маълум вақт оралиғида эришилиши кўзда тутилган мақсадлар. Вазифалар режалаштирилаётган давр мобайнида амалга оширилиши лозим.

Идеал – бу эришилиб бўлмайдиган, лекин унга чексиз равишда яқинлашиш мумкин бўлган мақсад.

Концепция – бу глобал мақсадлар ва режа даврида ижтимоий-иқтисодий тизимнинг устувор йўналишларини белгилашда ўз ифодасини топувчи прогнозлар, дастурлар лойиҳалари ва режаларнинг умумий мақсади ҳамда унга эришиш йўллари, шакллари ва усулларини аниқлаш.

Тактик режалаштириш – тактик вазифаларни танлашни ва маълум стратегия ва идеал доирасида уларга эришиш воситаларини танлашни назарда тутати.

Тезкор режалаштириш кўзланган мақсадларга эришиш воситаларини танлашни назарда тутати.

Норматив режалаштириш фаолиятни режалаштиришда катта эркинлик билан тавсифланади.

7.2. Индикатив режалаштиришда тизимли ёндашув

Тизимли ёндашув моҳияти тизимлар умумий назарияси талабларини амалга оширишдан иборат бўлиб, унга кўра ҳар бир объект уни тадқиқ этиш жараёнида катта ва мураккаб тизим сифатида ва бир вақтнинг ўзида, умумий тизим унсури сифатида кўриб чиқилиши лозим.

1. Тизимли-мажмуавий ёндашув – турли ижтимоий тизимлар (мажмуалар) – корхоналар, минтақалар ва жамиятга нисбатан тизимли ёндашувни аниқлаштириш. Ҳар бир мажмуа мураккаб динамик тизим сифатида ва даражаси бўйича янада юқори тизимнинг унсури сифатида кўриб чиқилади. Бунда унсурий, таркибий, функционал, мақсад, ресурс, коммуникатив ва тарихий жиҳатлардан фойдаланилади.

2. Тизимли-дастурий (дастурий-мақсадли) ёндашув стратегик режалаштириш объектларининг йирик локал илмий, техник, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммоларини ҳал этишга нисбатан тизимли ёндашувни аниқлаштириш. Тизимли-дастурий ёндашувга хос белгилар: аниқ мақсадга йўналтирилганлик, тадбирларнинг комплекслиги, амалга ошириш муддатларининг аниқлиги ва ресурслар манбаларининг кўрсатилиши. Тизимли-дастурий ёндашувни амалиётга татбиқ этиш жараёнида қуйидагиларни таъминлаш зарур: 1) режалаштирилаётган тизимни ривожлантириш мақсадини ёки унинг учун мақсадлар тизимини илмий жиҳатдан таърифлаш; 2) мақсадларга эришишнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш; 3) ресурслар ҳажми ва таркибини аниқлаш; 4) режалаштирилаётган тизимнинг фаолият кўрсатиш моделини ишлаб чиқиш; 5) муқобил вариантлардан бизнес-қарорларни танлаш учун мезонни қидириб топиш.

3. Тизимли-мультипликацион ёндашув (мультипликация – кўпайтириш) – самаралари пайдо бўлиши билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этишга нисбатан тизимли ёндашувни аниқлаштириш.

4. Тизимли-меъёрий ёндашув – режалаштириш субъектларининг талабларини индикатив режалаштиришга, унинг объектларига нисбатан (меҳнат, моддий ва ҳ.к.) ресурслардан оптимал тарзда фойдаланиш бўйича тизимли ёндашувни аниқлаштириш. Одатда у қуйидаги учта муҳим йўналишда амалга оширилади: а) ижтимоий йўналишларни белгилаш (дастурлар ва режаларда ижтимоий тизим ҳолатининг муайян даражасига эришиш учун мақсадларни шакллантириш, масалан, ишсизлик даражасини мамлакат иқтисодий фаол аҳолисининг 5 фоизигача камайтириш); б) ишлаб чиқаришни бошқаришда ва бошқа соҳаларда меъёрлар тизимидан фойдаланиш. Меъёр –

жорий ва режалаштирилаётган давр шароитида белгиланган сифатдаги маҳсулот бирлигини тайёрлаш (ишларни бажариш) учун ресурсларнинг ижтимоий зарур сарфларининг илмий асосланган ўлчови; в) нормативлар тизимини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш. Норматив – меъёرنинг ресурсдан фойдаланиш даражасини ёки ўлчов бирлиги учун унинг солиштирма сарфини тавсифловчи таркибий қисми, масалан, амортизация ажратмалари, солиқ ставкалари, бошқарув нормативлари.

5. Тизимли – тежаш режими ёндашуви – фаолиятнинг барча соҳаларида тежаш қонуни талабларининг амалга оширилишини таъминловчи тадбирларни тадқиқ этиш, ишлаб чиқиш ва асослашга нисбатан тизимли ёндашувни аниқлаштириш. Индикатив режалаштириш амалиётида ушбу методологик ёндашув тежаш, тадбирларини ишлаб чиқиш ва бир ресурсларни бошқаси билан, эскирган технологияларни илғор технологиялар билан самарали алмаштириш бўйича топшириқларни белгилаш. Харажатларнинг унда улар фойдали самара бирлигига камаядиган тарзда қисқариши (солиштирма харажатлар) тежаш режимига мос келади. Мазкур ёндашувнинг асосий йўналишлари – асосий ва айланма харажатларни камайтириш, жонли меҳнатни, табиий ресурсларни тежаш, товарлар ва ноишлаб чиқариш фондларининг муомаласи ва истеъмол қилиниши жараёнида тежаш.

6. Тизимли-динамик ёндашув – индикатив режалаштириш объектларини ривожлантириш, сифат хусусиятларини оширишга йўналтирилган тадбирларни тадқиқ этиш, ишлаб чиқиш ва асослашга нисбатан тизимли ёндашувни аниқлаштириш.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш индикаторлари сифатида иқтисодиётнинг динамикаси, таркиби ва самарадорлигини; молия-кредит сиёсатининг ҳолатини; товарлар ва қимматли қўғозлар бозори, валюта бозорининг ҳолатини; нархлар ҳаракатини; аҳолининг бандлиги ва турмуш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқ ва мувазанатлашган тизими давлатнинг таъсири чоралари билан тўлдирилади, шу жумладан бюджет маблағлари, амортизация меъёрлари, кредит учун фоиз, солиқлар, божхона божлари, лицензиялар ва квоталар, давлат буюртмалари ва бошқалардан фойдаланилади.

8-Мавзу.

ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШДА ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ СЦЕНАРИЙ ШАРТЛАРИНИ АНИҚЛАШ

8.1. Сиёсий қарорлар вариантларининг ижтимоий-иқтисодий тизимлар ривожланишига таъсири.

8.2. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясини таркиби.

8.1. Сиёсий қарорлар вариантларининг ижтимоий-иқтисодий тизимлар ривожланишига таъсири

Сценарий шартларини ишлаб чиқиш, одатда, иккита вариантда амалга оширилади:

1-вариант – базовий – прогноз қилинаётган даврда иқтисодий ривожлантириш тенденциялари ҳамда ташқи ва ички шартларини сақлаб қолган ҳолда инерцион ривожланиш варианты.

2-вариант – асосий – прогноз қилинаётган даврда минтақавий даражада бошқарувчи таъсирлар тизимини қўллаш варианты.

Сценарийларнинг ушбу вариантлари бўйича прогноз қилинаётган давр учун ҳисоб-китобларни таққослаш амалга оширилиши кўзда тутилаётган давлат ҳокимияти органлари сиёсатининг самарадорлигини кўрсатади.

Сценарий шартларини ишлаб чиқишда қуйидаги вазифаларни ҳал этишга эътиборни қаратиш зарур:

- аҳолининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган давлат таъсири чора-тадбирларининг мажмуини ишлаб чиқиш ва асослаш;
- давлат бюджети ва минтақавий бюджетларнинг барқарор тўлдирилишини таъминлаш мақсадида иқтисодийнинг реал секторини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш;
- ишлаб чиқариш ва инфратузилмани янгилаш мақсадида инвестиция фаолиятини рағбатлантириш;
- кичик тадбиркорликни ривожлантириш;
- корхоналарнинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш, кредиторлик қарзларининг миқдорини пасайтириш, корхоналарнинг асосий ва айланма сармоясини молиялашга жалб этиладиган кредит ресурсларининг ҳажмини ошириш чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириш;
- реал бюджетларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат маблағларини тежаган ҳолда солиқ ва солиқдан ташқари тўловларни тўлиқ сафарбар этиш, бюджет тақчиллигини қисқартириш;
- аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам кўрсатишни такомиллаштирган ҳолда уй-жой коммунал хўжалигини молиялаш тизимини ва уни бошқариш тузилмасини ислоҳ қилиш;
- ижтимоий дастурларни амалга ошириш;
- маҳсулот сотиш жаҳон ва миллий бозорларининг аҳволини ва ривожланиш истикболларини баҳолаш.

Инвестицияларни шакллантиришнинг барча манбаларини: корхоналар маблағлари; кўчмас мулк муомаласи; аҳоли жамғармалари; хорижий инвестициялар; давлат ва минтақавий бюджетлар маблағлари ва бошқа манбаларини сафарбар этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

1.2. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясини таркиби

Иқтисодий давлат йўли билан тартибга солиш вазифаси ва унинг асосида ётувчи иқтисодий сиёсат концепцияси – бу мавжуд тузум доирасида энг юқори фаровонликка эришиш мақсадида кўп сонли ва турли манфаатлар ўртасида келишиладиган муроса.

Давлат иқтисодий сиёсатининг тизимли тарзда амалга оширилиши мамлакатда айна дама мавжуд бўлган реал имкониятлар ва мақсадларга мос келувчи иқтисодий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқишда мамлакат аҳолисининг фаровонлигини ошириш, ҳаёт кечириш ва меҳнат фаолиятини юритиш учун қулай муҳитни шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади. Бу аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлиги кўрсаткичларида ўз аксини топади.

Шунингдек, умумий иқтисодий мувазанат тамойилларига амал қилган ҳолда янада иқтисодий ривожланишни таъминлаш ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг муҳим мақсадларидан яна бири ҳисобланади.

Бир томондан, гап товарлар ва хизматларнинг умумий талаби ва умумий таклифи, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш омиллари (чекланган ишлаб чиқариш ресурслари)ни такрор ишлаб чиқаришда бозор тамойилларига амал қилиниши ҳақида борапти, бунга маҳсулотни якуний фойдаланиш йўналишлари (ишлаб чиқариш омиллари) бўйича тақсимлаш ушбу омилнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўсишига қўшган ҳиссасига мувофиқ амалга оширилган тақдирда эришилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш босқичлари. Давлат иқтисодий сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш қуйидаги унсурларга асосланади:

1. Иқтисодиётда ишларнинг аҳолини таҳлил қилиш. Давлатнинг оқилона иқтисодий сиёсати шундан бошланади. Таҳлил муайян хўжалик даражасида амалга оширилади, мамлакат, тармоқ, минтақа, соҳа иқтисодиётидаги «оғриқли нуқталар» ажратилади, муаммоларни ҳал этишнинг муддатлилиги, салбий ҳолатларга барҳам бериш ёки бермасликнинг муқобил оқибатлари баҳоланади.

2. Мақсадларни ишлаб чиқиш ва асослаш. У умуман барча мумкин бўлган мақсадларни аниқлашдан бошланади. Сўнгра ҳар бир мақсаднинг хусусияти аниқланади; у дастлабки, оралиқ ёки якуний, миқдорий ёки сифат, қисқа муддатли ёки ўрта муддатли мақсадларга тааллуқли. Айрим мақсадлар бир вақтнинг ўзида турли хусусиятларга эга бўлиши мумкин, ушбу ҳолатда улар ичидан ҳозирги вазият нуқтаи назаридан энг асосийларини ажратиш лозим.

Мақсадлар уларни бажаришнинг халқ хўжалигига таъсири кўламлари ва харажатларнинг миқдорий параметрлари, институционал, молиявий ва кадрлар билан таъминлаш имкониятлари бўйича ҳам фарқ қилади. Сўнгра мақсадлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар аниқланади: улар уйғунлашган, бетараф ёки низоли бўлиши мумкин.

3. Мақсадларни тартибга келтириш, мақсадлар дарахтини шакллантириш — бу ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларининг динамик тизимини шакллантириш, уларни вақт оралиқлари бўйича тақсимлаш вазифасидир.

Мақсадлар дарахти - ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларининг

тизимлаштирилган тўплами.

Иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солишнинг асосий мақсади **мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузумни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдан иборат.**

Қуйидагилар биринчи даражали мақсадлар сифатида иштирок этади:

- а. Мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш.
- б. Жамиятда ижтимоий барқарорликни сақлаб туриш.
- в. Келгусида мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таъминлаш.
- г. Мамлакатнинг экологик хавфсизлиги.

Иқтисодий циклни тенглаштириш шартларини тавсифловчи кўрсаткичлар, миллий иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш иккинчи даражадаги мақсадлар ҳисобланади.

Бача ушбу мақсадлар бош мақсад билан биргаликда мақсадлар дарахтини ҳосил қилади.

Давлат йўли билан тартибга солиш мақсадларини ишлаб чиқиш тамойиллари:

- **Мавжуд тизимга мослик.** Давлат фаолиятининг асосий мақсади – мавжуд тузумни сақлаш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, халқнинг турмуш даражасини ошириш вазифаларини ҳал этиш мақсадларига мос келиш.

- **Илмий жиҳатдан асосланганлик.** Умуман иқтисодиётда, унинг алоҳида секторида ёки хўжалик объектидаги ҳолатни яхшиловчи ҳар қандай мақсадни белгилаш ва амалга ошириш оқланган. Агар ушбу мақсадга эришиш бошқа объектларга зарар етишига олиб келса, у ҳолда мазкур зарар тўлиқ қопланиши лозим.

- **Мақсадлар тўпламининг ўзаро боғлиқлиги.** Давлат йўли билан тартибга солишнинг ҳар қандай мақсади фақат барча қолган мақсадлар билан ўзаро боғлиқликда, унинг мақсадларнинг устувор йўналишлари тизимидаги ўрнига мувофиқ белгиланиши ва амалга оширилиши мумкин.

- **Мақсадларнинг реаллиги.** Олдинга қўйилган мақсадлар нафақат мавжуд ҳуқуқий нормалар доирасида, балки реал чегаралар доирасида бўлиши керак.

- **Мақсадларнинг ҳамжамият аъзолари учун қулайлиги.** Олдинга қўйилган мақсадлар сайловчиларнинг кенг оммаси, иқтисодий манфаатлар бўйича уюшмалар учун аниқ, тушунарли ва кўнгилли бўлиши зарур.

Давлат йўли билан тартибга солиш воситаларининг қўлланилиш даражасини таҳлил қилиш.

Бунга алоҳида тартибга солувчи воситаларни қўллаш шартларини, уларнинг мақсадларга мос келишини, алоҳида воситаларнинг биргаликда мавжуд бўлиши даражасини, уларни қўллашнинг қўшимча таъсирларини, тартибга солиш воситаларининг самарадорлигини ва уларни қўллаш заруратини асослашнинг етарлилигини аниқлаш киради.

Иқтисодиётни давлат орқали дастурлаш, хусусий мулкни миллийлаштириш, давлат секторининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш каби маъмурий усуллар ва давлат йўли билан тартибга солиш воситаларини қўллаш имкониятлари ва чегаралари тўғрисидаги масала муҳимлигича қолмоқда.

9-Мавзу.

МИНТАҚАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

- 9.1. Минтақавий индикатив режалаштириш – минтақа бошқарув тизимининг асосий унсури.**
- 9.2. Минтақавий режаларни ишлаб чиқишнинг асосий йўналишлари.**
- 9.3. Минтақани комплекс тарзда ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш дастури.**
- 9.4. Минтақавий режалаштириш амалиётидаги асосий муаммолар. Ўзбекистонда минтақавий режалаштириш амалиёти.**

9.1. Минтақавий индикатив режалаштириш – минтақа бошқарув тизимининг асосий унсури

Макроиктисодий мувазанат ва барқарорлашувни таъминлаш учун давлат минтақавий сиёсатини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Уни амалга ошириш зарурати шу билан боғлиқки, ҳар қандай мамлакат кўплаб кўрсаткичлар бўйича фарқ қилувчи ҳудудлар йиғиндисини ўзида намоён этади. Қуйидагилар шулар жумласига киради:

- табиий ресурслар (хомашё базаси ва фойдали қазилмалар)нинг мавжудлиги;
- аҳоли зичлиги, меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва сифати;
- ишлаб чиқариш таркиби;
- ижтимоий соҳанинг ҳолати;
- юқори даражада ривожланган саноат ва маданий марказларгача бўлган масофа.

Ушбу фарқлар ҳам объектив, ҳам субъектив хусусиятга эга. Объектив хусусиятлар жумласига табиий ресурслар, инсон учун ҳаётий қулайликларнинг ҳудудий нотенглигини киритиш мумкин. Тарихан ҳар бир мамлакат миллат томонидан белгиланган ҳаётий кенгликнинг ўзлаштирилиши йўли билан шаклланган. Аҳолининг ҳудуд бўйлаб тақсимланиши кўп жиҳатдан табиий неъматлар (фойдали қазилмалар захиралари, унумдор ерлар, сув артериялари)нинг ҳар хил тарзда жойлашуви билан шартланган. Бунда субъектив омил ҳам муҳим роль ўнайди – инсоннинг шўрланган ҳудудларни ўзлаштириш фаолияти, давлатнинг эътибори ва уларга ёрдам кўрсатиши.

Вақт ўтиши билан айрим ноишлаб чиқариш омилларининг иқтисодий ривожланишдаги роли ўзгариши муносабати билан ҳудудлар ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар доимий бўлиб қолмайди. Шундай қилиб, ҳудудий нотенглик мамлакат иқтисодиётининг ривожига катта таъсир кўрсатади. У, бир томондан, ишлаб чиқариш ресурсларининг мамлакат ҳудуди

бўйлаб жойлашувидаги нотенглик билан, иккинчи томондан, алоҳида омилларнинг иқтисодий ривожланишдаги ролининг динамикаси билан боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир мамлакатда табиий ресурсларга бой, лекин аҳолиси кам; уларнинг иккаласи билан ҳам етарли даражада таъминланган; аллақачон ва яқинда ўзлаштирилган ёки ўзлаштирилаётган; аҳолисининг сони қаердадир ошиб, қаердадир камайиб бораётган; қаердадир катта ёшдаги аҳоли гуруҳи устунлик қиладиган, қаердадир уларнинг улуши камайиб бораётган минтақалар мавжуд бўлиши мумкин.

Алоҳида минтақаларнинг нотенглигини камайтириш учун давлат иқтисодий тартибга солишнинг алоҳида йўналиши ҳисобланган минтақавий сиёсатни қўллайди. Давлатнинг минтақавий сиёсати миллий хўжаликнинг муайян ҳудудий-ишлаб чиқариш мувазанатига эришиш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндисини ўзида намоён этади.

Минтақавий сиёсатни ишлаб чиқишда бир қатор концептуал ҳолатларни назарда тутиш зарур. Ишлаб чиқариш секторининг ўсишини рағбатлантириш йўли билан ҳудудларни қўллаб-қувватлаш лозим; ушбу сектор энг кўп сонли янги иш ўринларини яратади. Давлат ўз навбатида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва кенгайтиришга, зарур ҳолатларда – уларни қайта йўналтириш ва такомиллаштиришга ёрдам беради.

Минтақавий сиёсат қонунчилик-ҳукуқий негизларга асосланиши ва жамиятнинг ижтимоий талабларига, шунингдек иқтисодий хавфсизлик ва барқарорлик талабларига жавоб бериши лозим. Минтақалар муайян иқтисодий яхлитликка эга бўлиши ва маълум даражада ўзини ўзи таъминлаши зарур.

Европада интеграция жараёнларининг ривожланиши натижасида Европа иқтисодий ҳамжамияти доирасида сўнгги йилларда минтақавий сиёсатнинг роли оғишмай ошиб бормокда. Бундан ўн йил илгари у ЕИ фаолиятининг фақат стратегик муҳим соҳаларда тараққиётга эришиш учун зарур бўлган қўшимча йўналиши ҳисобланарди. 80-йилларнинг охирига келиб у жиддий мустақил аҳамият касб этди. Энди Европа иттифоқини тузиш тўғрисидаги Маастрихт шартномасининг кучга кириши муносабати билан нафақат ЕИ минтақавий сиёсатини амалга ошириш имконияти сезиларли даражада кенгайди, балки интеграция жараёни доирасида иттифоқ аъзоси ҳисобланган мамлакатлар алоҳида минтақаларининг роли ортди. ЕИ доирасида минтақавий сиёсат қуйидаги тамойиллардан келиб чиқиб амалга оширилади:

- маблағлар сочилишига йўл қўйилмаслиги устидан қатъий назорат ўрнатган ҳолда таркибий фонд ресурсларини ЕИнинг энг кам ривожланган ҳудудларида жамлаш. Ушбу фонддан амалга ошириладиган молиявий тўловларнинг 80% иқтисодий ривожланишда яққол ортда қолаётган минтақаларга берилиши керак;

- таркибий хусусиятга эга бўлган субсидиялар ўзаро тўлдирувчи хусусиятга эга, яъни ЕИ институтлари фақат миллий дастурларни амалга ошириш чоғида ресурсларни қўшимча манба сифатида беришлари мумкин ва ўз ташаббусига кўра ўз аралашуви объектларини белгилашга ҳақли эмаслар;

- ЕИ минтақавий сиёсатини гуруҳга аъзо бўлган ҳар бир мамлакатнинг макроиқтисодий ва ижтимоий сиёсатини уйғунлаштириш. Минтақавий

ривожланиш миллий дастурларини молиявий қўллаб-қувватлаган ҳолда ЕИ органлари интеграцион йўналишлар ушбу мамлакат иқтисодий сиёсатининг вазифаларига зид келмаслигини, ЕИ бюджетидан ажратиладиган маблағлар эса миллий ва маҳаллий ҳокимият органларининг беҳамжиҳат ҳаракатлари туфайли кўкка соғурилмаслигини назорат қилишлари лозим;

- ЕИ давлатлари томонидан миллий минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши чоғида улар ўртасидаги бевосита ўзаро ҳамкорлик. Гап, хусусан, миллий дастурларни амалга ошириш мақсадлари ва усулларининг аниқлигини таъминлаш мақсадида тегишли ҳукуматлар ўртасида ахборот алмашуви ҳақида борапти.

Минтақавий дастурлаштириш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида йиғма дастурларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш методикаси индикатив режалаштириш воситаларидан фойдаланишни талаб қилади. Бугунги кунга келиб минтақавий дастурлаштириш жаҳон амалиётида назарий тадқиқотлар борасида катта тажриба тўпланган.


Муаммонинг ҳудудни ривожлантириш учун стратегик аҳамиятга эгаллиги, дастурий тадбирларнинг амалга оширилиши замирида мақсадни белгилаш ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг самарали тизими минтақавий комплекс дастурларнинг муваффақиятини белгилаб берувчи муҳим омиллар ҳисобланади.

9.2. Минтақавий режаларни ишлаб чиқишнинг асосий йўналишлари

Мақсадли комплекс дастурни ишлаб чиқиш асносида минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш жараёнининг ўта муҳимлигини таъкидлаш зарур. Дастурда белгиланадиган устувор йўналишларнинг тўғри танланиши барча саъй-ҳаракатлар ва ресурсларни иқтисодий ривожланиш салоҳиятини амалга оширишга қаратиш ва бу билан дастурий тадбирларнинг самарадорлигини таъминлаш имконини беради.

Бироқ амалиётда дастурий ишлаб чиқиш учун муаммоларни танлаш минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожига “касал” участкалар рўйхати билан чекланади, ҳолбуки, илмий асосланган ёндашувни қўллаган ҳолда барча муаммолар ичидан уларнинг ҳал этилиши минтақа учун сифат жиҳатдан янги истиқболларни очиб берувчи муаммоларни танлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундан ташқари, аксарият ҳолатларда мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда мақсадлар, устувор йўналишлар, индикаторлар ва минтақавий ривожланишнинг тартибга солувчилари ўртасида ўзаро боғлиқлик таъминлаймайди.

Минтақавий режалаштиришнинг «мақсадлар дарахти» учта даражадан таркиб топган (**2-расм**).



**2-расм. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш
«мақсадлар дарахти»**

1-даража. Ҳудуд жадал ўсиш салоҳиятига эга бўладиган ривожланиш вариантлари шакллантириш.

2-даража.

2.1. Табiiй-ресурс мажмуини сақлаб қолиш ва ривожлантириш.

2.2. АСМ ва саноатни такомиллаштириш.

2.3. Сайёҳлик-рекреацион мажмуани истиқболли ривожлантириш.

2.4. Минтақанинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш.

2.5. Минтақа аҳолисининг турмуш даражасини ошириш.

3-даража.

3.1. Геология-разведка ишларининг сифатии ва маъданли хомашё базасини яхшилаш.

3.2. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш.

3.3. Минтақанинг ўрмон хўжалигини ривожлантириш.

3.4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш.

3.5. Минтақа АСМда аграр ислохотларни амалга ошириш.

3.6. Саноат корхоналарида инновацион ва инвестиция жараёнларини жадаллаштириш.

3.7. Сайёҳликнинг турли хилларини янада ривожлантириш.

3.8. Тармоққа малакали ишчи кучини жалб қилиш.

3.9. Инвестицияларни жалб қилиш механизмларини шакллантириш.

3.10. Минтақага инвестицияларни жалб қилиш.

3.11. Ташқи сармоядорлар сармоясини минтақага жалб этиш мақсадида улар билан тизимли ишлаш.

3.12. Кичик бизнес ва хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш.

3.13. Минтақа аҳолисининг турмуш даражасини ошириш.

3.14. Минтақа аҳолисининг турмуш сифатини яхшилаш.

Дастурнинг таркибий тузилиши қуйидаги бўлимларни ўз ичига олиши лозим:

1. Дастур паспорти.

2. Асосий мазмуни.

2.1. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва уни ривожлантириш стратегияси.

2.2. Минтақани ривожлантириш муаммоларини ҳал этишнинг устувор йўналишларини асослаш.

2.2.1. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш «мақсадлар дарахти».

2.2.2. Минтақани ривожлантириш муаммоларини ҳал этишнинг устувор йўналишларини аниқлаш.

2.2.3. Дастурнинг устувор мақсадлари ва йўналишларини белгилаш.

2.3. Дастурни амалга ошириш мақсадлари, вазифалари, муддатлари ва босқичлари.

2.4. Дастурий тадбирлар тизими.

2.5. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни дастурий индикативлаш.

2.6. Дастурни бошқаришни ташкил этиш.

2.7. Дастурни ресурслар билан таъминлаш.

2.8. Дастурни амалга ошириш натижаларининг самарадорлигини баҳолаш.

2.8.1. Ҳар мақсад ва вазифа бўйича дастурий тадбирлар бажарилишининг сифат ва миқдорий натижалари.

2.8.2. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жорий дастурий-индикацион баҳолаш.

2.8.3. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини якуний дастурий-индикацион баҳолаш.

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даржасини баҳолаш жараёнида интеграл индикаторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Индикаторларни ҳисоблаб чиқишда таққослаш базаси сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин: таҳлил қилинадиган ҳар бир давр учун минтақавий ўртача ва максимал кўрсаткичлар; минтақанинг маъмурий бирликлари бўйича ўртача ва максимал кўрсаткичлар (**2-жадвал**).

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнига таъсир кўрсатиш белгиси бўйича индикаторларни иккита гуруҳга бўлиш мумкин:

- ижобий жараёнларни ёритувчи индикаторлар.
- салбий жараёнларни ёритувчи индикаторлар.

2-жадвал

**Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши
индикаторларининг уч даражали поғонаси**

Биринчи даража индикатор-лари	Иккинчи даража индикаторлари	Учинчи даража индикаторлари
1	2	3
Ижтимоий блок		
1. Саломат-лик	1.1. Соғлиқни сақлаш	1.1.1. 1000 кишига врачлар сони 1.1.2. 1000 кишига касаллар койкаларининг сони 1.1.3. 1000 кишига аҳолининг касалланиши даражаси 1.1.4. 1000 кишига врачлик амбулатория-поликлиника муассасаларининг қуввати
2. Фаровонл-ик	2.1. Даромадлар	2.1.1. Аҳолининг ойлик пул даромадлари, аҳоли жон бошига ҳисобланганда 2.1.2. Бир аҳолининг ўртача ойлик иш ҳақи.
	2.2. Бандлик	2.2.1. Бандлик даражаси, %
	2.3. Ижтимоий ҳимояланганлик	2.3.1. Бир аҳолига ижтимоий тўловларнинг ўртача миқдори, сўм.
	2.4. Товарлар ва	2.4.1. Аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажми, бир аҳолига сўм


	хизматларни истеъмол қилиш	хисобида 2.4.2. Аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш ҳажми, бир аҳолига сўм хисобида
3.Хавфсизл-ик	3.1. Хавфсизлик	3.1.1. 100 минг кишига жиноятчилик коэффиценти (рўйхатга олинган жиноятлар сони)
4. Таълим	4.1. Таълим	4.1.1. Мактабгача таълим муассасаларини қамраб олиш, % 4.1.2. Умумтаълим мактабларида ўқитишни қамраб олиш, % 4.1.3. ОЎЮда ўқитишни қамраб олиш, %
5. Уй-жой	5.1. Аҳолининг уй-жой билан таъминланганли-ги	5.1.1. 1000 кишига тураржойларни фойдаланишга топшириш, м ² 5.1.2. 1 кишига ҳисобланганда уй-жой билан таъминланганлик, м ² 5.1.3. Нураб қолган уй-жойнинг улуши, %
6. Коммуни-кациялар	6.1. Аҳолининг ахборот билан таъминланганли-ги	6.1.1. 100 та оилага ҳисобланганда аҳолининг умумий фойдаланиш тармоғининг уй телефон аппаратлари билан таъминланганлиги, дона
7. Маданият	7.1. Маданий мулоқот	7.1.1. Кутубхоналарга ташрифлар сони, минг киши 7.1.2. Кинотеатрларга ташрифлар сони, минг киши
8. Демограф-ия	8.1. Демография	8.1.1. Туғилиш, минг киши 8.1.2. Ўлиш, минг киши 8.1.3. Миграция сальдоси, минг киши
Иқтисодий блок		
9.Иқтисоди-ёт	9.1. Ишлаб чиқаришнинг институционал таркиби	9.1.1. Ягона давлат реестридаги ташкилотлар сони 9.1.2. Мулкчилик шакллари доирасида корхоналар демографиясининг тавсифи, 1000 та ташкилот учун %да
	9.2. Саноат	9.2.1. Саноат тармоқлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9.2.2. Тармоқлар бўйича маҳсулотнинг асосий турларини ишлаб чиқариш
	9.3. Қурилиш	9.3.1. Асосий сармояга инвестициялар динамикаси, ўтган йилга нисбатан %да
		9.3.2. Қурилиш ишлари ҳажмининг динамикаси, ўтган йилга нисбатан %да
		9.3.3. Ижтимоий соҳа объектларини фойдаланишга топшириш, дона
		9.3.4. Тураржойларни фойдаланишга топшириш, дона
	9.4. Транспорт	9.4.1. Транспорт ташкилотларининг юк ташувлари ҳажми ва юк айланмаси, ўтган йилга нисбатан %да 9.4.2. Транспорт ташкилотларининг йўловчи ташувлари ҳажми ва йўловчи айланмаси, ўтган йилга нисбатан %да 9.4.3. Аҳолининг енгил автомобиллар билан таъминланганлиги, дона.
	9.5. Қишлоқ хўжалиги	9.5.1. Барча тоифадаги хўжаликларда қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий турларини етиштириш, тонна 9.5.2. Барча тоифадаги хўжаликларда қорамоллар ва паррандалар сони, минг бош 9.5.3. Барча тоифадаги хўжаликлар бўйича чорвачилик маҳсулотларининг асосий турларини етиштириш
	9.6. Савдо	9.6.1. Улгуржи савдо айланмасининг динамикаси, % 9.6.2. Улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари томонидан маҳсулот ва товарлар муҳим турларининг сотилиши, млн. сўм 9.6.3. Чакана савдо айланмасининг динамикаси, %
	9.7. Умумий овқатланиш	9.7.1. Умумий овқатланиш айланмасининг динамикаси, %
	9.8. Аҳолига хизмат кўрсатиш	9.8.1. Аҳолига пули хизматлар кўрсатиш таркиби, % 9.8.2. Аҳолига пули хизматлар кўрсатиш ҳажмининг динамикаси, ўтган йилга нисбатан %да
	9.9. Нархлар	9.9.1. Истеъмол секторида нархлар динамикаси, % 9.9.2. Истеъмол товарларининг алоҳида гуруҳлари учун нархлар динамикаси, % 9.9.3. Бозорда автомобил ёқилғиси нархларининг ўзгариши, % 9.9.4. Уй-жой коммунал хизматлари тарифларининг ўзгариши, %

		9.9.5. Тармоқлар бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари нархларининг ўзгариши, % 9.9.6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти нархларининг ўзгариши, %
	9.10.Макроиктис-одий кўрсаткичлар	9.10.1. ЯХМ ишлаб чиқариш, % 9.10.2. Асосий сармояга инвестициялар ҳажми 9.10.3. Аҳоли жон бошига ташқи савдо айланмасининг ҳажми 9.10.4. Иқтисодий фаол аҳолининг умумий сонига рўйхатга олинган ишсизлик даражаси, % 9.10.5. Пул даромадлари ҳаёт кечириш учун энг кам даражадан паст бўлган аҳолининг улуши, %

9.3. Минтақани комплекс тарзда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури


Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини шакллантириш алгоритмини қуйидагича тарзда намоян этиш мумкин (**3-расм**).

Чет эл амалиётида минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини шакллантиришга нисбатан турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар асосида индикаторларнинг уч даражали поғонасини шакллантириш мумкин.



3-расм. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичлари

Минтақавий комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш мақсадида комбинацияланган ёндашувдан фойдаланиш мумкин (4-расм).



4-расм. Минтақавий комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва баҳолашга нисбатан комбинацияланган ёндашув

9.4. Минтақавий режалаштириш амалиётидаги асосий муаммолар. Ўзбекистонда минтақавий режалаштириш амалиёти

Минтақавий сиёсат кўплаб мураккабликларга эга бўлиб, улар ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий омиллар билан белгиланган. Минтақалар катта ҳуқуқлар ва ҳаракатлар эркинлигига эга бўлиши билан давлат ва минтақалар ўртасида ҳам, ҳудудлар манфаатлари ўртасида ҳам зиддиятлар келиб чиқиши муқаррар. Шунинг учун оқилона давлат сиёсати зарур.

Ҳукуматнинг минтақавий ривожланишга таъсир кўрсатувчи тадбирлари асосий қисми умумий макроиқтисодий, ташқи иқтисодий, ижтимоий сиёсат, институционал ўзгаришлар доирасида амалга оширилади. Уларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда интеграция самараси ва ҳудудларни ялпи ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатларига мос келиши ҳисобга олинади. Давлатнинг улушли иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг танловини ўтказишда уларнинг муайян минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини ҳисобга олиш зарур.

Давлатнинг минтақавий иқтисодий сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий нормалар тизимини барпо этиш, минтақавий ривожланишни давлат йўли билан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш лозим.

Минтақавий сиёсатни амалга оширишда барча мамлакатлар ўзига хос муаммоларга дуч келишади. Биринчидан, минтақавий имкониятларни тенглаштириш сиёсати ҳеч қачон иқтисодий ва ижтимоий шароитларнинг тўлиқ мос келишига олиб келмайди. Давлат мутлақ эмас, балки нисбий тенгликни таъминлашга уринади. Иккинчидан, минтақавий сиёсат таркибий сиёсат билан мураккаб ўзаро боғлиқликка эга. Улар бир-бирини тўлдириши ҳам, бир-бирига зид бўлиши ҳам мумкин. Агар кўп тармоқли ишлаб чиқаришга эга бўлган ҳар томонлама ривожланган минтақаларни оладиган бўлсак, иқтисодиёт таркибини яхшилаш унинг ривожланишига ёрдам беради. Лекин айрим ҳудудлар тарихан юзага келган кам ишлаб чиқариш соҳасига эга. Фан-техника тараққиёти ва саноатнинг иккита шартли гуруҳга (илғор ва қалоқ тармоқларга) ажралиши шароитида ҳукуматнинг илғор тармоқларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари шунга олиб келадики, кўплаб янги тармоқларга эга бўлган минтақаларда ривожланиш учун умумий туртки кучаяди. Асосан қийинчиликларни бошдан кечираётган эски тармоқларга эга бўлган минтақаларда эса умумий пасайиш, бандликнинг қисқариши, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви кузатилади.

Шунинг учун минтақавий сиёсат оқилона ва илмий жиҳатдан асосланган бўлиши керак.

10-Мавзу.

МОЛИЯВИЙ ОҚИМЛАР ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

10.1. Бюджетлаштириш ва бюджетнинг асосий тушунчалари.

10.2 Давлатнинг макроиктисодий сиёсати ва уларни бошқаришда бюджет ресурсларининг аҳамияти.

10.3 Давлат бюджети режаси ва бюджетни режалаштириш шакллари.

10.1. Бюджетлаштириш ва бюджетнинг асосий тушунчалари

Давлат томонидан ўз зиммасига юклатилган функцияларнинг бажарилиши унда зарур молиявий ресурсларнинг мавжудлиги билан боғлиқ, бу биринчи навбатда давлатда ҳосил бўладиган пул маблағлари бир қисмининг бюджетда жамланишини талаб қилади. Ушбу маблағларнинг бюджетга йўналтирилиши ва улардан фойдаланиш жараёнида давлат, солиқ тўловчилар ва бюджетдан маблағ олувчилар ўртасида молиявий муносабатлар юзага келади. Ушбу муносабатлар ҳокимият органлари томонидан ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган молия-бюджет сиёсатига мувофиқ қурилади. Молия-бюджет сиёсати давлат ва ҳудудий ҳокимият органларининг солиқ, пул-кредит, нарх-наво ва молиянинг бошқа соҳаларидаги ҳаракатларини ўз ичига олади.

Молия-бюджет сиёсати (бюджетлар) – бу ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган ўз функцияларини бажариш учун молиявий муносабатлардан фойдаланиш ва бюджет тизимини бошқариш бўйича ҳаракатлар ва тадбирлар йиғиндисидир.

Молия-бюджет сиёсати молия соҳасидаги мақсадлар ва вазифаларни белгилашни, пул маблағларини бюджетга сафарбар этиш механизминини ишлаб чиқишни, бюджет маблағларидан фойдаланиш йўналишларини белгилашни, молия ва бюджет тизимини бошқаришни, молия-бюджет воситалари ёрдамида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни ташкил этишни назарда тутди.

Ижроия ва вакиллик ҳокимияти органларининг бюджетни ишлаб чиқиш ва бюджетлашни амалга ошириш ва бюджет тизимини бошқариш бўйича ҳаракатларининг йиғиндиси бюджет жараёни ҳисобланади.

Давлатнинг молия-бюджет сиёсати молия ва солиқ органлари, пул-кредитни тартибга солиш органи (Марказий банк), назорат-ҳисоблаш органлари (назорат-ҳисоблаш, ижроия ҳокимиятининг бошқа органлари) фаолияти орқали амалга оширилади.

Одатда *бюджет даври*, яъни бюджетни ижро этиш жараёнини амалга ошириш вақти 1 январдан 31 декабргача қилиб белгиланган бўлиб, у таквим йилига мос келади. Бюджет жараёнининг давом этиши бюджет даврига қараганда анча узоқ, чунки бюджет жараёнига бюджетни режалаштириш, кейинги бюджет назорати ва бошқа ҳаракатлар ҳам киради.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ваколатларига, яъни бюджет жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган органлар бюджет жараёнини амалга оширади. Қуйидагилар ана шундай ваколатларга эгадирлар:

- ижроия ва вакиллик ҳокимияти органлари;
- молия ва солиқ органлари;
- пул-кредитни тартибга солиш органлари ва давлат молия назорати органлари;
- бюджет маблағларининг бош тақсимловчилари ва бюджет маблағларининг тақсимловчилари;
- давлат бюджетдан ташқари мақсадли фондлари.

Вакиллик ҳокимияти органлари бюджетлар лойиҳаларини ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Ижроия ҳокимияти органлари йиғма молиявий режалаштиришни амалга оширади, бюджетлар лойиҳаларини тузади, бюджетлар лойиҳаларини вакиллик ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун киритади, бюджетларни ижро этади, бюджет ижроси таҳлил ва назорат қилади.

Марказий банк ҳокимият билан биргаликда давлатнинг пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва қонун чиқарувчи органларга кўриб чиқиш учун тақдим этади ва Ғазначилик пул ҳисобварақларига, давлат бюджетдан ташқари мақсадли фондлари ҳисобварақларига, ҳудудий бюджетлар ҳисобварақларига хизмат кўрсатади.

Бюджет маблағларининг бош тақсимловчиси — бу бюджет маблағларининг биринчи бевосита олувчиси ҳисобланиб, маблағларни бюджет маблағларини тақсимловчилар ва олувчилар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган ижроия ҳокимияти органи. У бюджет маблағлари тақсимловчилари ва бюджетдан маблағ олувчилар бўйича бюджет харажатлари рўйхатини тайёрлайди, уларга бюджет йўналишлари ҳақидаги хабарномани еткази, улар учун даромадлар ва харажатлар сметаларини тасдиқлайди, зарур ҳолларда маблағларнинг улар учун тасдиқланган моддалар ўртасида тақсимланишини ўзгартиради, бюджетдан маблағ олувчи томонидан бюджет маблағларидан оқилона, мақсадли фойдаланилишини назорат қилади.

Бюджетдан маблағ олувчи (бюджет муасасаси) — бу ижроия ҳокимияти органи томонидан нотижорат хусусиятига эга бўлган функциялар (бошқарув, муҳофаа, ижтимоий-маданий тадбирлар ва б.)ни амалга ошириш учун ташкил этилган ва смета тартибида молияланувчи ташкилот.

Назорат-ҳисоблаш органлари тегишли бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботлар ташқи аудитини ўткази.

Юқорида санаб ўтилган барча ҳокимият органлари ва муассасалар бюджет жараёнининг иштирокчилари ҳисобланишади. Бюджет жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- йиғма молиявий режалаштириш ва прогноз қилиш;
- бюджет лойиҳасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

- бюджет йили мобайнида бюджетни ижро этиш;
- бюджет ижросини таҳлил ва назорат қилиш.

10.2. Давлатнинг макроиктисодий сиёсати ва уларни бошқаришда бюджет ресурсларининг аҳамияти

Ҳозирги шароитда давлат молиясининг аҳамияти ғоят юксак. Давлат молияси ёрдамида ва унинг ҳисобидан умумий талаб рағбатлантирилади; таркибий ва илмий-техник сиёсат амалга оширилиб, иқтисодиёт барқарорлаштирилади. Давлат молияси воситасида турмушнинг маълум даражасига эришишни таъминловчи ижтимоий дастурлар ва тадбирлар амалга оширилади. Молиявий сиёсатнинг асосий вазифаси умумий талаб билан умумий таклиф ўртасида макроиктисодий барқарорликка эришишдан иборат.

Бюджет қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ЯИМни қайта тақсимлаш;
- иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш ва рағбатлантириш;
- бюджет соҳасини молиявий таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш;
- пул маблағларининг марказлаштирилган фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш.

Бюджетнинг тақсимлаш функцияси давлат ва ҳудудий ҳокимият ва бошқарув даражалари бўйича пул маблағларининг марказлаштирилган фондларини шакллантириш орқали намоён бўлади. Ривожланган мамлакатларда турли даражадаги бюджетлар орқали ЯИМнинг 50 фоизигачаси қайта тақсимланади. Бюджет ёрдамида давлат бюджет маблағларини тармоқлар, минтақаларни қўллаб-қувватлаш ёки ривожлантиришга йўналтирган ҳолда мамлакатнинг хўжалик фаолиятини, иқтисодий муносабатларни тартибга солади. Шу тариқа иқтисодий муносабатларни тартибга солиш орқали давлат ишлаб чиқариш суръатларини оширишга ёки пасайтиришга, сармоялар ва хусусий жамғармалар ўсишини жадаллаштиришга ёки сусайтиришга, талаб ва истеъмол таркибини ўзгартиришни тартибга солади.

ЯИМни бюджет орқали қайта тақсимлаш бир вақтнинг ўзида ва узлуксиз кечадиган иккита ўзаро боғлиқ босқичга эга:

- 1) *бюджет даромадини шакллантириш;*
- 2) *бюджет маблағларидан фойдаланиш (бюджет харажатлари).*

Бюджет даромадлари - давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ихтиёрига бегараз ва қайтаришсиз тартибда келиб тушувчи пул маблағлари.

Бюджет даромадларини шакллантириш жараёнида ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ЯИМнинг бир қисми давлат фойдасига мажбуран олиб қўйилади. Шу асосда давлатнинг солиқ тўловчилар билан молиявий муносабатлари пайдо бўлади.

Бюджет даромадлари уларни тўловчилар, солиқ солиш объектлари, олиб қўйиш усуллари, тўлаш муддатлари бўйича катта фарқ қилади. Лекин шу билан бирга улар ягоналиги билан фарқ қилади, чунки турли даражадаги

бюджетларнинг даромад қисмини шакллантиришдан иборат ягона мақсадни кўзлайди. Уларга пул шакли ва нақсизланиш хос хусусиятдир.

Бюджет даромадлари солиқ ва солиқдан ташқари хусусиятга эга. Янгидан шакллантирилган қиймат ва уни дастлабки тақсимлаш натижасида олинган даромадлар (фойда, иш ҳақи, қўшилган қиймат, ссуда фоизи, рента, дивидендлар ва ҳ.к.), шунингдек жамғармалар *солиқ даромадларининг* асосий манбаси ҳисобланади.

Бюджетларнинг солиқдан ташқари даромадлари давлатнинг иқтисодий фаолияти ёки олинган даромадларни бюджет тизимининг даражалари бўйича қайта тақсимлаш натижасида ҳосил бўлади.

Бюджет даромадларининг таркиби ҳаракатчан бўлиб, у кўп жиҳатдан муайян иқтисодий шароитлар билан белгиланади. Масалан, аҳолининг турмуш даражаси юқори бўлган мамлакатларда жисмоний шахслардан олинадиган даромадлар, аҳолининг турмуш даражаси паст бўлган мамлакатларда эса билвосита солиқлар ва юридик шахслардан олинадиган солиқлар асосий солиқ даромадлари ҳисобланади.

Бюджет харажатлари — давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вазифалари ва функцияларини молиялашга йўналтириладиган пул маблағлари.

Бюджет харажатлари орқали *бюджетдан маблағ олувчилар* — бюджет маблағларининг олувчилари ёки тақсимловчилари ҳисобланган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасининг ташкилотлари молияланади. Шундай қилиб, бюджет харажатлари транзит хусусиятга эга. Бюджетда фақат харажатлар моддалари бўйича бюджет харажатлари аниқланади, бевосита харажатларни эса бюджетдан маблағ олувчилар амалга оширади. Бундан ташқари, бюджет харажатлари ҳисобидан дотация, субвенция, субсидия ва бюджет ссудалари орқали бюджет тизимининг даражалари бўйича бюджет маблағлари қайта тақсимланади. Бюджет харажатлари асосан беғараз хусусиятга эга бўлади. Қайтаришли асосда бюджет кредитлари ва бюджет ссудалари берилиши мумкин. Бюджет харажатларининг таркиби ҳар йили бевосита бюджет режасида белгиланади ва ҳудди бюджет даромадлари сингари, иқтисодий вазиятга ва ижтимоий йўналишларга боғлиқ.

Бюджетнинг назорат функцияси тақсимлаш функцияси билан бир вақтнинг ўзида амал қилади ва бюджет маблағларининг келиб тушиши ва улардан фойдаланиш имкониятини ва мажбурийлигини назарда тутди.

10.3. Давлат бюджети режаси ва бюджетни режалаштириш шакллари

Ялпи ички маҳсулот айланиши моддий-ашёвий ва қиймат шаклида амалга ошади. Ялпи маҳсулотнинг қиймат шаклида айланиш жараёнида молиявий ресурсларни ҳосил қилиш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва истеъмол қилиш юзасидан молиявий муносабатлар юзага келади. Молиявий ресурсларни ҳосил қилиш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларини бошқариш *молиявий режалаштириш* ёрдамига амалга оширилади, пул маблағлари эса унинг объекти ҳисобланади. Молиявий режалаштириш орқали

халқ хўжалигининг мутаносиблиги, тармоқлараро улушлар таъминланиб, меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш йўллари аниқланади.

Умумдавлат ва ҳудудий даражаларда молиявий режалаштириш қиймат ифодасидаги моддий ва меҳнат мувазанати билан боғланувчи *молиявий режалар тизими* билан таъминланади. Ҳар бир молия йили бошқарувнинг муайян бўғинида молияни ташкил қилиш ва бошқариш вазифаларини ҳал қилади.

Молиявий режалар тизимига қуйидагилар киради:

- истикболли молиявий режалар;
- бошқарувнинг умумдавлат ва ҳудудий даражаларида тузиладиган йиғма молиявий баланслар.

Истикболли молиявий режалаштириш ҳокимиятнинг барча даражаларида қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ҳамда молиявий сиёсатни мувофиқлаштиришни таъминлаш;
- режалаштирилаётган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган молиявий ресурслар ҳажмини прогноз қилиш;
- ислохотлар, дастурларнинг молиявий натижаларини прогноз қилиш;
- молия соҳасидаги турли тадбирларни амалга ошириш имкониятларини аниқлаш.

Истикболли молиявий режа давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий прогнозининг кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқилади. Унда бюджетнинг даромадларни сафарбар этиш ва харажат моддаларини молиялаш имкониятлари ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Мазкур режа бюджетнинг йириклаштирилган кўрсаткичлари бўйича 3-5 йилга мўлжаллаб тузилади. Режага ҳар йили давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши прогнозининг кўрсаткичлари билан тузатишлар киритилади.

Йиғма молиявий баланс – бу давлатда ёки муайян ҳудудда яратилган ва фойдаланилган молиявий ресурслар баланси. Йиғма молиявий баланс барча бюджетлар, бюджетдан ташқари мақсадли фонлар ва тегишли ҳудудда жойлашган корхоналарни қамраб олади.

Йиғма молиявий балансни тузиш манзилли молиявий режани, яъни бюджетни ишлаб чиқишнинг тайёрлаш босқичи ҳисобланади. Давлатнинг йиғма молиявий баланси халқ хўжалигида моддий ва молиявий улушларни боғлаш, молия-кредит тизими барча бўғинларининг кўрсаткичларини мувофиқлаштириш; давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши прогнозининг мувазанатлашганлигини текшириш, ушбу прогноз билан белгиланган тадбирларни молиялаш манбаларини аниқлаш; қўшимча молиявий ресурслар захираларини аниқлаш; прогноз молиявий ҳисоб-китобларни амалга ошириш; молиявий сиёсат йўналишларини ишлаб чиқиш.

Давлатнинг йиғма молиявий баланси одатда Молия вазирлиги иштирокида Иқтисодиёт вазирлигида макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилади. Умумдавлат даражасида тузиладиган йиғма молиявий баланс асосий кўрсаткичларининг схемаси 3 - жадвалда келтирилган.

Йиғма молиявий баланс таркиби (умумдавлат даражасида)

<i>Даромадлар</i>	<i>Харажатлар</i>
1. Фойда	1. Давлат инвестициялари учун харажатлар, шу жумладан кредиторлик қарзини қайтариш (ҳарбий қурилишдан ташқари)
2. Қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар	2. Маъданли-хомашё базасини такрор ишлаб чиқариш харажатлари
3. Жисмоний шахслардан даромад солиқлари	3. Давлат дотациялари
4. Мол-мулк солиғи	4. Солиқлар тўланганидан кейин корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобидан, шунингдек амортизация ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар
5. Ижтимоий суғурта фонди, Пенсия фонди, Бандлик фондини ҳосил қилиш учун маблағлар	5. Бюджет ҳисобидан, шунингдек бюджетдан ташқари мақсадли фондлар ҳисобидан молияланадиган ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари (капитал қўйилмаларсиз)
6. Бошқа бюджетдан ташқари мақсадли фондлар маблағлари	6. Бюджет ҳисобидан амалга ошириладиган фан учун харажатлар
7. Маъданли-хомашё базасини такрор ишлаб чиқариш учун ажратмалар	7. Бошқа бюджет мақсадли фондлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар
8. Амортизация ажратмалари	8. Мудофаа харажатлари
9. Давлат мулки ёки фаолиятидан келадиган даромадлар, шу жумладан давлат мулкини сотишдан олинadиган даромадлар	9. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, судлар ва прокуратурани сақлаб туриш харажатлари (капитал қўйилмаларсиз)
10. Ташқи савдо, ташқи иқтисодий операциялар учун солиқлар ва ташқи иқтисодий фаолиятдан олинadиган даромадлар	10. Давлат ҳокимияти оргаларини сақлаб туриш харажатлари (капитал қўйилмаларсиз)
11. Бошқа даромадлар	11. Ташқи иқтисодий фаолият харажатлари
Жами даромадлар	12. Заҳира фондларини ҳосил қилиш харажатлари
	13. Бошқа харажатлар
	Жами харажатлар

Йиғма молиявий режалаштириш билан *бюджетни прогноз қилиш* узвий боғланган.

Муваффақиятли хўжалик юритишнинг муҳим шарти – уни бошқариш усуллари доимий равишда такомиллаштиришдан иборат. Бошқариш – демак, олдиндан кўра билиш. Шу муносабат билан истиқболни режалаштириш, яъни илмий прогноз қилишнинг роли ортади. Натурал кўрсаткичлар параметрларини прогноз қилиш билан бир вақтнинг ўзида молиявий ресурслар ҳам прогноз қилиниши керак, чунки ушбу ресурслар ҳажмини ошириш истиқболларини ҳисобга олмасдан туриб хўжалик ривожини сифатли прогноз қилиб бўлмайди.

Одатда, анча узоқ давр учун амалга ошириладиган йиғма молиявий режалаштиришдан фарқли ўлароқ бюджетни прогноз қилиш манзилли ҳисобланиб, у бюджет даврига, яъни кўпи билан бир йилга мўлжалланган. Лекин йиғма молиявий баланс кўрсаткичларининг катта қисми қатор бюджет кўрсаткичларини ўз ичига олганлиги боис, истиқболга мўлжалланган йиғма

молиявий балансни тузишда асосий бюджет кўрсаткичларининг прогноз ҳисоб-китобларини амалга ошириш лозим.

Бюджет ривожини прогноз қилиш деганда унинг даромад ва харажат қисмларини ривожлантириш йўллари эҳтимолий баҳолаш мажмуи назарда тутилади.

Бюджетни прогноз қилиш – бу юзага келган тенденциялар, муайян ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ва истиқболни баҳолаш асосида бюджетни ривожлантиришнинг оптимал йўллари ишлаб чиқиш ва асослашдан ва шу асосда уни мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар бериш демакдир. Бундай прогноз қилиш натижаларини ўз вақтида ҳисобга олиш давлат ва минтақанинг молиявий сиёсатида энг самарали чораларни қўллашнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Прогноз қилинаётган бюджет кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш йиллик бюджет кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқишга қараганда бошқача методологик ёндашувларга асосланган. Агар йиллик ва чораклик бюджетлар кўрсаткичлари иқтисодий ва молиявий параметрларни тўғридан-тўғри ҳисоблаб чиқиш асосида аниқланса, у ҳолда прогноз бюджет кўрсаткичларини аниқлашда, одатда, зарур статистика ва ҳисобот маълумотларининг йўқлиги туфайли бундай имконият мавжуд эмас.

Бюджет ривожининг прогнозини ишлаб чиқишда турли усуллардан фойдаланиш мумкин.

1) *Экстраполяция усули*, яъни аввалги даврлар амалиётидан келиб чиқиб истиқболларни тузиш. Бироқ ушбу усул фақат бюджет харажатлари ва даромадларининг озми кўпми барқарор хусусиятга эга бўлган айрим моддаларини прогноз қилиш учун яроқли.

2) *Эксперт баҳолаш усули*, яъни фан ва иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларида ваколатли мутахассислар томонидан берилган ва асосланган баҳолар асосида қилинган прогноз ҳам камчиликлардан ҳоли эмас, чунки у субъектив ёндашув унсурларига эга.

3) Ушбу иккита усулни бир вақтнинг ўзида қўллш; бунда ривожланишнинг объектив тенденцияларидан ҳам, экспертлар фикрларидан ҳам фойдаланилади.

Чизиқли регрессия линиялари асосий молиявий қонуниятлар экстраполяциялаш усулларида бири бўлиб, прогноз қилинаётган бюджет кўрсаткичларини бир неча ўзгарувчан кўрсаткичларга тобе қилувчи кўп кадамли корреляцион моделларни тузишда уларнинг ишончлилиги ортади. Шунинг учун бюджетни прогноз қилиш ишини бюджетни шакллантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар (ўзгарувчан катталиклар)ни ажратиш ва ўрганиб чиқишдан бошлаш лозим. Бундай омиллар жумласига мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишини ва умумдавлат молиявий ресурсларнинг мавжудлигини, демографик ўзгаришларни, хўжаликнинг ривожини ва ҳоказоларни киритиш лозим.

Истиқболга мўлжалланган давлат бюджетининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш учун бюджет даромадларининг ҳажми билан иккита ўзгарувчан: ишлаб чиқарилган миллий даромад ва ялпи саноат ва қишлоқ

хўжалиги маҳсулоти ўртасидаги *корреляцион алоқалардан*, шунингдек ушбу кўрсаткичлар билан фойда солиғи ўртасидаги алоқадан фойдаланиш мумкин. Корреляция коэффициентлари ўрганиб чиқиладиган алоқалардаги жипсликни даражасини кўрсатади. Бюджет даромадлари биринчи галда миллий даромад ҳисобидан шаклланади.

Истиқболга мўлжалланган бюджет ресурсларининг ҳажмини прогноз қилишда кўплаб омиллар таъсирини маълум даражадаги эҳтимоллик билан ўртача баробарлаштириш, энг умумий тенденцияларни аниқлаш имконини берувчи чуқур *иқтисодий* ва *статистик таҳлил* қилиш лозим.

Юқорида кўрсатилган иккита ўзгарувчан катталиққа эга бўлган регрессия тенгламаси чизиқли кўринишга эга:

$$y = a_0 + a_1 x$$

бу ерда: y – давлат бюджет ресурсларининг ҳажми;

x – 1) халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот,

2) ишлаб чиқарилган миллий даромад;

a_0, a_1 – бошланғич маълумотлар асосида чизиқли регрессиянинг муайян турини белгилаб берувчи коэффициентлар.

Ушбу моделларни ишлаб чиқишда прогноз қилинаётган даврда мустақил ўзгарувчанлар (миллий даромад ва ишлаб чиқарилган маҳсулот) кўрсаткичларини топиш алоҳида муаммо туғдиради. Уларни аниқлаш учун юқорида кўрсатилган умумий иқтисодий кўрсаткичларнинг прогноз ҳисоб-китобларидан фойдаланилади. Иқтисодий таҳлил тадқиқ этилаётган кўрсаткичларнинг ривожланиш суръатларини ўрганиш, уларнинг ўзаро нисбати, тадқиқ этилаётган ҳодисаларнинг йиллар бўйича ўртача йиллик суръатларини ҳисоблаб чиқиш, уларнинг ривожланишини бошқа иқтисодий катталиқлар (ишлаб чиқарилган асосий фондлар, аҳоли сони ва б.) билан таққослаш ёрдамида тўлдирилади. Бундай таҳлил шунинг учун зарурки, бюджет реал иқтисодий вазиятлар билан боғлиқ ва шунинг учун халқ хўжалигининг исталган тармоғидаги ўзгаришларга тезда мослашади, шунингдек у аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги сиёсат, давлатнинг асосий харажатларини молиялаш тартибидаги ўзгаришлар билан боғлиқ.

Бюджетни режалаштиришнинг кейинги босқичи – *бюджет лойиҳасини тузиш жараёни*. Бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишнинг асосий вазифаси давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган функцияларни таъминлаш мақсадида бюджетда марказлаштириладиган пул маблағларининг ҳажмини ҳамда давлат ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозида кўзда тутилган тадбирларни аниқлашдан иборат.

Бюджет лойиҳасини тузиш Ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият ижроия органларининг ваколатига киради. Уларнинг топшириғига кўра бюджет лойиҳаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молиявий органлар томонидан ишлаб чиқилади.

11-Мавзу.

ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ

11.1. Демографик прогноз қилишнинг моҳияти.

11.2. Демографик прогнозлар таснифи.

11.3. Аҳоли ўсишини прогноз қилиш усуллари.

11.4. Аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини индикатив режалаштириш.

11.4.1. Режалаштиришда инсоният ривожланишининг индикаторлари.

11.4.2. Аҳоли бандлигининг индикаторлари.

11.1. Демографик прогноз қилишнинг моҳияти

Демографик прогноз қилиш – бу аҳоли ҳаракатининг асосий параметрлари ва демографик вазият: аҳоли сони, ёш-жинс ва оилавий таркиби, туғилиши, ўлими, миграциясини илмий асосланган олдиндан кўра билиш демакдир. Демографик прогноз қилиш зарурати умуман ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш ва режалаштириш вазифалари билан боғлиқ. Олдиндан демографик прогноз қилмасдан туриб товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш, уй-жой қурилиши, ижтимоий инфратузилма, соғлиқни сақлаш ва таълим, пенсия тизимини ривожлантириш, геосиёсий муаммоларни ҳал этиш ва ҳоказоларнинг истиқболини тасаввур қилиб бўлмайди. Айнан шунинг учун аҳоли сони ва таркиби, оилалар сони ва таркиби, алоҳида демографик жараёнлар динамикасини прогноз қилиш фаолияти халқаро, давлат ва ноҳукумат ташкилотлари, муассасалари ва илмий муассасалар умумий фаолиятининг муҳим қисмини ташкил қилади.

Техник нуқтаи назардан олиб қаралганда, демографик прогноз қилиш одатда аҳолини истиқболли ҳисоблаб чиқиш, яъни ўтмишда демографик хусусиятларнинг (аҳоли сони, демографик тузилмалар, туғилиш, ўлим) ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар асосида, шунингдек уларнинг келгусидаги динамикасига нисбатан қабул қилинадиган тахминларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли сони ва ёш-жинсий таркибини ҳисоблаб чиқиш кўринишида иштирок этади. Бундай турдаги ҳисоб-китоблар одатда аҳолининг энг эҳтимолий ўзгаришлари чегараларини белгилаган ҳолда бир неча вариантларда амалга оширилади.

Демографик прогноз қилишнинг кўп вариантлилиги давр талаби ҳисобланади. Одатда прогноз учта вариантда амалга оширилиб, уларни <қуйи>, <ўрта> ва <юқори> вариантлар деб аташ қабул қилинган, бунда <ўрта> вариант воқеаларнинг энг эҳтимолий кечишига мос келади, <қуйи> ва <юқори> вариантлар эса демографик кўрсаткичлар динамикасининг ташқи чегараларини белгилайди.

Аҳолининг репродуктив, ўзини асраш ва миграция ҳаракатлари ўзгаришининг тенденциялари ҳақида тўғри, илмий асосланган тахминлар, прогноз аниқлигининг муҳим шарти ҳисобланади, улар ҳақидаги

маълумотларни махсус ташкил этилган ижтимоий-демографик тадқиқотлар ёрдамида олиш мумкин. Ушбу тенденциялар ҳақидаги фаразларни олға суриш гоёт қизиқарли илмий вазифага айланиб бормоқда.

Демографик прогнозлар исталган ижтимоий прогноз қилиш ва режалаштиришнинг асосида ётади. Аслида, биз келажак учун нимани режалаштирмайлик, муайян товарлар ёки хизматлар ишлаб чиқаришни, жамиятнинг ижтимоий таркибини, шу жумладан унинг оилалар ўлчамлари ва таркиби бўйича тузилишини ривожлантиришни, ҳар қандай ижтимоий жараёнлар – барча ҳолатларда, албатта, биз биринчи галда ушбу ижтимоий жараёнлар бўлажак иштирокчиларининг жинси ва ёши бўйича сони ва таркибини билишимиз зарур, чунки, инсонларнинг ушбу <параметрлари> улар фаолиятининг хусусияти ва интенсивлигига ва ўз навбатида, ижтимоий жараёнларнинг хусусияти ва интенсивлигига кучли таъсир кўрсатади.

Демографик прогноз қилиш мақсадлари иқтисодий режалаштириш эҳтиёжлари (меҳнат ресурсларининг сони ва таркиби динамикасини олдиндан кўра билиш зарурати); товарлар ёки хизматларнинг у ёки бу турлари учун, шу жумладан маркетинг вазифаларини ҳал этиш учун истеъмол талабининг бўлажак динамикасини баҳолаш зарурати; уй-жой қурилишини режалаштириш эҳтиёжлари; ижтимоий соҳа (таълим, соғлиқни сақлаш, пенсия тизими ва б.)ни режалаштириш эҳтиёжлари; геосиёсий вазифалар ва кўплаб бошқа масалалар билан боғлиқ. Демографик прогноз қилиш мақсадлари аҳолининг прогнозларини таснифлаш учун муҳим асослардан бири ҳисобланади.

Демографик прогнозларнинг ишончлилиги, яъни аҳолининг прогноз хусусиятлари ва демографик прогнозларнинг ҳақиқатда қандай бўлишига мос келиши ушбу прогнозларнинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Демографик прогнознинг ишончлилиги бошланғич демографик ахборотнинг аниқлиги, қабул қилинаётган фаразларнинг асослилиги ва прогноз даврининг узоқлиги билан белгиланади.

11.2. Демографик прогнозлар таснифи

Прогноз горизонтининг узунлиги ва прогноз даврининг узоқлиги демографик прогнозларни таснифлашнинг биринчи мезони ҳисобланади. Одатда қисқа муддатли (1-5 йил), ўрта муддатли (5-10 йил) ва узоқ муддатли (25-30 йил) демографик прогнозлар мавжуд. Прогноз горизонти қанчалик кенг бўлса, прогнозлар шунчалик аниқ ва ишончли бўлади. Мамлакатимизда қисқа ва ўрта муддатли демографик прогнозлар мунтазам равишда ишлаб чиқилиб, шўролар даврида улар асосида беш йиллик режалар (қисқа муддатли прогнозлар) ва 15-20 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишлари белгиланарди.

Ушбу прогнозлар кўп жиҳатдан конъюнктура хусусиятига эга эди ва кўпинча турли гуруҳлар манфаатлари ўртасидаги ўзига хос муросанинг натижаси ҳисобланарди. Масалан, собиқ Иттифоқнинг аксарият республикалари ўз аҳолиси прогноз сонининг юқори бўлишидан манфаатдор эди, чунки улар марказдан оладиган ижтимоий трнcфертлар ҳажми ана шунга

боғлиқ эди. Бунда марказ демографик прогнозларни ишлаб чиқувчи орган ҳисобланган Давлат режа қўмитаси тимсолида ушбу сонни камайтиришга интиларди, чунки аҳолининг катта сони қатор муҳим макроиктисодий параметрларнинг ёмонлашувини англатарди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда демографик прогнозлар Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси ва айрим илмий ташкилотлар томонидан мунтазам равишда ишлаб чиқилади ва эълон қилинади.

Демографик прогнозларнинг мақсади уларни таснифлашнинг иккинчи муҳим мезони ҳисобланади. Прогноз қилиш мақсадларига кўра барча демографик прогнозлар таҳлилий прогнозлар, огоҳлантирувчи прогнозлар, норматив прогнозлар ва функционал прогнозларга бўлинади.

Таҳлилий прогнозларнинг мақсади аҳолининг келгуси сони ва таркибига, шунингдек умуман ижтимоий-иктисодий ривожланишга эҳтимолий таъсирини баҳолаш йўли билан аҳолини кўпайишининг замонавий тенденцияларини тадқиқ этишдан иборат. Бошқача айтганда, таҳлилий прогноз шунчаки прогноз қилишни эмас, балки сақланиб қолиниши ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва бошқа жараёнларнинг бўлажак динамикасига таъсир кўрсатиши, мавжуд муаммолар ва муаммоли вазиятларни кескинлаштириш ёки янгиларининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган реал вазиятдаги <оғриқли нуқталар>, <муаммоли вазиятлар>ни аниқлаш учун уни ўрганишни амалга оширади.

Таҳлилий прогноз одатда бўлажак демографик вазият параметрларини баҳолаш кўринишида ифодаланади, бу баҳолаш аҳоли кўпайиши ҳолатининг ўзгармаслиги ёки унинг қандайдир ўзгариши ҳақидаги тахмин асосида амалга оширилади. Таҳлилий прогноз, одатда, узок муддатли ҳисобланади. Бунда, унинг ўзи ҳақиқатга камроқ яқин ва кам эҳтимолли бўлгани ҳолда таҳлилий прогноз аҳоли сони ва таркибидаги келгуси ўзгаришларни гўёки тасвирлайди. Шу нуқтаи назардан таҳлилий прогноз юзага келиши эҳтимолини аниқлаш учун демографик прогноз амалга ошириладиган салбий оқибатлар ва муаммоли вазиятлар пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган ижтимоий-иктисодий ва хусусан, демографик сиёсат мақсадларини белгилашга хизмат қилади.

Прогноз қилиш-огоҳлантириш таҳлилий прогнознинг бир тури ҳисобланади. Прогноз қилиш-огоҳлантиришнинг мақсади юзага келган демографик вазиятнинг ноқулай ёки хавфли оқибатларини кўрсатиб беришдан иборат. Т.Р.Мальтуснинг аянчли нуфус қонуни энг машҳур демографик прогноз қилиш-огоҳлантиришлардан бири ҳисобланади. Ўзининг аҳоли геометрик прогрессияда (яъни, экспоненциал), ҳаёт кечириш воситалари эса арифметик прогрессияда (яъни, чизикли) ўсиши тўғрисидаги ғоясини олға сурган ҳолда, Мальтус, унинг фикрига кўра, аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши ва шу сабабли ҳосил бўладиган аҳолининг ортиқча кўпайиб кетиши келтириб чиқариши мумкин бўлган аянчли оқибатлар (қашшоқлик, эпидемия, тартибсизлик, уруш ва ҳ.к.)ни тасвирлади. Мальтусиан анъаналари руҳида ижро этилган замонавий прогноз қилиш-огоҳлантиришлардан Рим кулубининг прогнозлари машҳур бўлиб, улар ўз муаллифларининг фикрига кўра, аҳоли сонининг ўсиши, шунингдек минерал ва энергетика ресурсларини истеъмол қилиш ҳажмининг ўсиши туфайли келиб чиқадиган ҳар хил фожиаларга

бойдир.

Норматив прогнознинг асосий мақсади—демографик жараёнларнинг айрим кўнгилли ҳолатига эришиш учун муайян тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Норматив прогноз қилишда демографик вазият ва демографик жараёнларнинг кўнгилли ҳолатлари тўғрисида қатор фикрлар билдирилади: аҳолининг исталган сони, туғилиш, ўлимнинг мақбул даражаси ва ҳ.к. Шундан кейин ушбу кўнгилли ёки норматив, мақсадли параметрларга эришиш учун кўрилиши лозим бўлган чоралар белгиланади.

Функционал прогноз қилиш мақсади аҳоли тўғрисида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва давлат ҳамда ижтимоий бошқарув фаолиятининг бошқа соҳаларида зарур бўлган прогноз ахборотини олишдан иборат. Функционал прогноз қилиш – бу у ёки бу ташкилотлар, фирмалар, корпорациялар, давлат органлари, ўқув муассасаларининг муайян амалий мақсадлари ва вазифаларига хизмат қилувчи прогноз. У, ижтимоий тилда айтганда, ижтимоий институтлар, ташкилотлар ва бошқа ижтимоий тузилмаларнинг фаолият кўрсатишини таъминловчи аҳоли гуруҳлари, оилалар ва уй хўжаликларининг бўлажак сони ва таркибини ўзида намоён этади.

11.3. Аҳоли ўсишини прогноз қилиш усуллари

Қуйидагилар демографик прогноз қилишнинг асосий усуллари ҳисобланади: у ёки бу математик функцияни қўллашга асосланган усуллар (экстраполяция ва таҳлилий усуллар), шунингдек компонент усули.

Математик функцияларни қўллашга асосланган усуллар. Айниқса улар учун ишончли демографик статистика мавжуд бўлмаган кичик ҳудудлар (масалан, у ёки бу мамлакат минтақалари) ушбу тоифа усулларини қўллаш учун асос ҳисобланади. Мамлакат даражасида аҳолини прогноз қилиш учун математик усуллар камдан-кам ҳолларда қўлланилади, чунки ушбу усулларга хос бўлган аҳоли сони ўсишининг таркибий қисмларидаги ва ёш-жинс таркибидаги ўзгаришларни ҳисобга олмаслик прогноз қилишда катта ҳатоларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Минтақа даражасида бундай ҳатолар эҳтимоли қуйидаги қўшимча шарт ёрдамида камайтирилиши мумкин: минтақалар аҳолисининг умумий сони мамлакат учун прогноз натижаларидан фарқ қилмаслиги лозим. Шундай қилиб, мамлакат учун прогноз минтақа даражасида аҳолини прогноз қилиш учун назорат параметри сифатида иштирок этади.

Математик усуллар баъзан тарихий динамикани таҳлил қилиш ва глобал даражада аҳоли сонини прогноз қилиш учун ҳам қўлланилади. Математик усуллар фақат аҳолининг умумий сонини прогноз қилиш имконини беради. Тўғри, эркаклар ва аёллар сонини алоҳида тарзда прогноз қилиш ҳам мумкин, лекин улар йиғиндиси аҳолининг умумий сонидан фарқ қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Экстраполяция усул. Ушбу усул чизикли ва экспоненциал функциялардан, яъни давр мобайнида аҳоли сонининг ўртача йиллик абсолют ўзгаришлари тўғрисидаги ёки ўртача йиллик ўсиш суръатлари тўғрисидаги

маълумотлардан фойдаланишга асосланган. Агар ушбу кўрсаткичлар маълум бўлса, у ҳолда аҳоли сонининг бутун прогноз даври мобайнида ўзгармаслигини тахмин қилган ҳолда уни исталганча йиллар олдинга ҳисоблаб чиқиш мумкин. Прогноз қилишнинг энг сода усулларида бири ҳисобот даври учун ҳисоблаб чиқилган аҳоли сонининг ўртача йиллик абсолют ўсишлари келгусида ҳам сақланиб қолади деган тахминга асосланади.

Амалда аҳолини прогноз қилиш учун чизикли функциядан деярли фойдаланилмайди, чунки ўртача йиллик абсолют ўсишларнинг ўзгармаслиги тўғрисидаги тахмин фақат жуда қисқа вақт (кўпи билан 5 йил) учун нисбатан тўғри бўлиши мумкин.

Айниқса туғилиш ва ўлиш даражаларининг ўзгармаслиги ва миграция мавжуд эмас деб фараз қилинганда аҳоли сони ўртача йиллик ўсиш суръатларининг ўзгармаслиги тўғрисидаги тахмин ҳақиқатга анча яқин ҳисобланади. Мазкур ҳолатда гап прогноз қилишда экспоненциал функциядан фойдаланиш ҳақида борапти.

Таҳлилий усул шунга асосланганки, илгариги демографик динамикадан келиб чиққан ҳолда уни энг яқин тасвирловчи функция танлаб олинади. Бу ҳар қандай функция бўлиши мумкин, бироқ, ҳар қандай ҳолатда ушбу функция эмпирик хусусиятга эга бўлиб, демографик динамиканинг ҳеч қандай умумий математик қонуни мавжуд эмас.

Компонент усули. Мазкур усул демографик прогноз ишлаб чиқувчилари олдида кенг имкониятларни очиб беради. Экстраполяцион ва таҳлилий усуллардан фарқли ўлароқ, у нафақат аҳолининг умумий сонини билиш, балки уларни жинси ва ёшига қараб тақсимлаш имконини беради.

Амалиётда аҳолини прогноз қилиш ҳар бир жинс учун алоҳида ёш-жинс маълумотлари асосида амалга оширилади. Туғилиш унинг ёш коэффициентларида ифодаланади. Ўлиш кучи эркаклар ва аёллар учун алоҳида кейинги ёшгача яшаш ёш эҳтимолида ўз ифодасини топади. Миграцияни жинси ва ёшига қараб таснифланган кутилаётган ҳар йиллик нетто-миграция атамаларида ўлчаш қабул қилинган.

11.4. Аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини индикатив режалаштириш

11.4.1. Режалаштиришда инсоният ривожланишининг индикаторлари

Ижтимоий сиёсатнинг самарадорлигини аҳолининг турмуш даражаси кўрсаткичи билан баҳолаш мумкин. Турмушнинг барча томонлари динамикасини назорат қилиш, уни ўтган даврлар ва бошқа мамлакатлар билан, шунингдек, юзага келган оқилона илмий нормалар билан солиштириш имконини берувчи турмуш даражаси индикаторларининг тизими саломатлик кўрсаткичлари ва соғлиқни сақлаш, бандлик, овқатланиш, уй-жой шароитлари кўрсаткичларини, рўзгор буюмларининг мавжудлигини, маданият даражаси, пуллик хизматлар кўрсаткичларини ўз ичига олади. “БМТни ривожлантириш дастури” мутахассислари учта катталикдан ўртача кўрсаткич сифатида ҳисоблаб чиқиладиган турмуш даражасининг умумлаштирувчи индикаторини

ишлаб чиқди: аҳоли жон бошига ҳисобланганда ЯИМ, ҳаёт кечириш давомийлиги ва аҳолининг маълумот даражаси (25 ёш ва ундан катталар). Бу индикатор “Инсон ривожининг индикатори” деб номланган.

Давлат даражасида ижтимоий сиёсатни амалга оширишда ижтимоий ҳамкорлик институти ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ғарбий Европа мамлакатларида тадбиркорлар, касаба уюшмалари ва давлат вакилларида иборат уч томонлама ижтимоий-иқтисодий кенгашларнинг шаклланиши ижтимоий ҳамкорликнинг расмий сиёсатга айланиши кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Турли мамлакатларда улар турлича номланади. Италияда 1947 йилда Иқтисодиёт ва меҳнат миллий кенгаши, Бельгияда 1948 йилда шунга ўхшаш орган ташкил этилди, Францияда иқтисодий ва ижтимоий қўмита 1958 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Бундай кенгашлар Голландия (1950 й.), Англия (1962 й.), Ирландия (1973 й.) ва Люксембургда (1966 й.) ҳам ташкил этилган.

Европа Иттифоқи доирасида иқтисодий ва ижтимоий қўмита фаолият кўрсатиб, у бошқа функцияларни бажариш билан бир қаторда миллий кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштиришга ҳам кўмаклашади. Ижтимоий ҳамкорлик сиёсати миллий доиралардан четга чиқиб, мувофиқлаштирилган халқаро (минтақавий) сиёсатга айланиб бормоқда.

Мамлакат кўламларида консенсусни таъминлаш ижтимоий ҳамкорлик механизмнинг функцияларидан бири ҳисобланади. Мазкур функцияни бажариш учун иқтисодий ва ижтимоий кенгашлар ҳукумат ва парламентга ижтимоий муаммоларга тааллуқли қонун ҳамда қарорлар лойиҳалари бўйича мунтазам маслаҳат бериб туриш баробарида, меҳнат муносабатлари субъектларининг манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий адолат ўрнатиш юзасидан уйғунлаштирилган сиёсатни ишлаб чиқади.

Давлат даражасида ижтимоий жараёнларни тартибга солиш миллий даромадни қайта тақсимлаш йўли билан амалга оширилади. Ян Тинберген қатор мамлакатлар учун миллий даромадни аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари учун қайта тақсимлаш улушига баҳо берди ва уни шартли равишда ижтимоийлаштириш кўрсаткичи деб аташ мумкин. Тўртта мамлакат учун ушбу кўрсаткич қуйидаги тарзда намоён бўлади: Швеция - 0,299, Нидерландия - 0,28, АҚШ - 0,125, Япония - 0,1. Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатлар кўрсаткичлари Швеция ва Япониянинг экстремал кўрсаткичлари орасида туради.

Ижтимоий сиёсатни амалга ошириш механизми бир неча йўналишларни кўзда тутди. Бунга қуйидагилар киради: ижтимоий суғурта; иш ҳақи соҳасидаги сиёсат; меҳнат бозоридаги ижтимоий чора-тадбирлар; уй-жой сиёсати.

Ижтимоий суғурта – аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий унсури ҳисобланади. Ижтимоий суғурта тизимининг мақсади касал бўлиш ҳолатида ва қариялик даврида, бахтсиз ҳодисалар ва ишлаб чиқариш бўйича касалланишлар, ишсизлик муносабати билан инсоннинг иқтисодий ҳимояланишини таъминлашдан иборат. Давлат ижтимоий суғурта тизими биринчи бўлиб Германияда XIX аср охирида бахтсиз ҳодисалар ва касаллик бўйича суғурталаш тўғрисидаги (1883 - 1884 йй.), қариялик ва ногиронлик бўйича пенсияларнинг

жорий этилиши тўғрисидаги (1889 й.), қонунларнинг қабул қилиниши билан ташкил этилди, сўнгра Австрия, Дания, Франция, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда ҳам ана шундай тизим йўлга қўйилди.

Суғурталашнинг иккита хили мавжуд – мажбурий ва ихтиёрий. Ихтиёрий суғурта ҳам худди мажбурий суғурта сингари суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида амал қилади, лекин ихтиёрий хусусиятга эга ва суғурта шартномаси билан тартибга солинади (суғурта таъминоти) ва бошқа шартлар томонларнинг келишувига кўра белгиланади. Даниядан ташқари, Европанинг қолган мамлакатларида ишсизлик бўйича суғурталаш мажбурий хусусиятига эга.

Ҳозирги шароитда ривожланган мамлакатларда ўз кўламлари ва ривожланиш даражасига кўра пенсия таъминоти ижтимоий суғуртанинг асосий тури ҳисобланади. Давлат ижтимоий фондларни ташкил этиш тартибини, пенсиялар белгилаш шартларини (ёш, суғурта ёки меҳнат стажи, фуқароликнинг давомийлиги), пенсиялар миқдорини аниқлаш тамойилини (қатъий белгиланган, энг кам иш ҳақига боғлиқ) тартибга солади. Ижтимоий фондлар давлат дотациялари, иш берувчилар учун ижтимоий солиқлар ва суғурталанувчиларнинг бадаллари ҳисобидан шаклланади.

Ишсизлик бўйича давлат ижтимоий суғуртаси ижтимоий ҳимоялашни таъминловчи ижтимоий суғуртанинг яна бир тури ҳисобланиб, у бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда XX асрнинг 20-30-йилларида жорий этилган. Ишсизлик бўйича нафақанинг тайинланиши у тўланадиган шахслар доирасини чекловчи қатор талабларнинг бажарилиши билан боғлиқ. Нафақа сўраб мурожаат этган ходим муайян стажга эга бўлиши, муайян муддат (йилнинг чораги, бир йил) мобайнида зарур энг кам иш ҳақини олиши керак. Малака стажининг давомийлиги, шунингдек нафақа тўлаш муддати ҳам турли мамлакатларда турлича (Германияда 13 ҳафтадан 52 ҳафтагача, АҚШнинг аксарият штатларида, Италия ва Японияда ўртача 26 ҳафтагача). Ишсизлик бўйича нафақалар тўлашнинг катта улуши давлатнинг чекига тушади. Хусусан, Швецияда ишсизлик бўйича нафақанинг фақат 15 фоизи суғурта бадаллари ҳисобидан, 85 фоизи эса тадбиркорларнинг мажбурий бадаллари ва солиқлардан юзага келадиган давлат маблағлари ҳисобидан тўланади.

11.4.2. Аҳоли бандлигининг индикаторлари

Бандлик турмуш даражаси ва сифатини тавсифловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар жумласига киради. Бандлик деганда катта ёшдаги (16 ёшдан катта) меҳнатга лаёқатли, иш билан банд бўлган аҳолининг сони тушунилади.

Аҳоли бандлиги муаммоси – бу инсонларни меҳнат фаолиятига жалб этиш муаммоси ва уларнинг меҳнатга бўлган эҳтиёжларини иш ўринлари билан қаноатлантириш даражаси. Лекин барча меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳам иш билан таъминланмаган, ишсизлар ҳам мавжуд. Аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра иш ўрни ва иш ҳақи (меҳнат даромади) билан таъминланмаган, давлат бандлик

хизматларида иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга қодир ва тайёр бўлган ва уларга мазкур хизмат муносиб ишни таклиф қилмаган фуқаролар тан олинади. Яъни пенсия ёшига етмаган, ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра иш ҳақидан маҳрум бўлган ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг фақат бандлик хизмати уларни иш билан таъминламаган қисми ишсизлар ҳисобланади.

Ишсизлик иш билан таъминланмаган ва уни қидирувчи катта ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг сони сифатида тавсифланади. Бандлар ва ишсизларнинг умумий сони ишчи кучини ташкил қилади. Ишчи кучи меҳнат қилишга қодир бўлган ва меҳнат қилаётган, уй хўжалиги билан шуғулланувчи, мустақил ишни малга оширувчи, иш қидирувчи барчани ўз ичига олади. Бунга ёши бўйича ишлаб чиқаришга (ёки меҳнат фаолиятига) киришмаган (болалар) ёки ёши бўйича ундан чиққан (пенсионерлар) шахслар, шунингдек таълим олаётган ёшлар (ўқувчилар, талабалар), ногиронлар ва ҳарбий хизматчилар, бир сўз билан айтганда, ишлай олмайдиган ва ишлаши шарт бўлмаган, шунингдек иш қидирмаган шахслар кирмайди.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, барча меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлашнинг иложи йўқ. Чунки айримлар ишчи кучига қўшилади, бошқалари ундан чиқади, учинчилари эса ишдан бўшатилади ёки ўзлари бўшайди, тўртинчилари иш қидириш жараёнида бўлади, ишчи кучининг нормал ҳаракатланиши юз бериб, бунда уларнинг бир қисми қандайдир вақтга ишсиз қолади. Масалан, АҚШда барча ишчи кучининг 1/5 қисми ҳар йили ишини алмаштиради.

Бандлик цикли ишсизлик мавжуд бўлмаган тақдирда тўлиқ бўлиб қолади: тўлиқ бандликни таъминлаш учун фрикцион ва таркибий ишсизлик ҳисобга олинмайди.

Демак, тўлиқ бандлик ишсизликнинг мавжуд эмаслигини англатмайди. Ғарб адабиётида тўлиқ бандлик шароитида ишсизликнинг табиий даражаси фрикцион ва таркибий ишсизлик йиғиндисига тенг деб қабул қилиниши бежизга эмас.

Бандлик соҳасида индикатив режалаштириш орқали давлат йўли билан тартибга солишнинг таъсири қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

- 1) бандликнинг ўсишини рағбатлантириш ва давлат секторида иш ўринлари сонини ошириш дастурлари;
- 2) ишчи кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурлари;
- 3) ишчи кучини ёллашга кўмаклашиш дастурлари.

Давлат субсидиялари билан қисман бандлик ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси билан ишлаш кабилар рағбатлантирилади.

Ишсизлик даражасини пасайтириш мақсадида “муддатдан олдин” пенсияга чиқиш амалиёти қўлланилмоқда. Масалан, АҚШда 1980-йилларда пенсия олди ёшидаги шахсларни 23 фоизи учун меҳнат фаоллиги даври қисқартирилди. Англияда муддатдан олдин пенсияга чиқиш ҳисобидан 750 минг иш ўрни барпо этилди. Ижтимоий ёрдам ҳақида тўхталадиган бўлсак, у бир неча йўللار билан амалга оширилади: ишсизлик бўйича нафақа, моддий

ёрдам.

Бандликни рўйхатга олиш бир неча даражада амалга оширилади:

- умумдавлат даражаси, бунда жамиятнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифалари ҳал этилиб, қабул қилинадиган қарорларнинг аксарияти у ёки бу даражада бандликда ўз аксини топади;

- маҳаллий ҳокимият ваколатлари ва тегишли бюджетлар имкониятлари доирасида бўлган минтақавий даража, унда меҳнатни тартибга солиш, шу жумладан, ходимларнинг оммавий бўшатилишининг олдини олиш, ишсизларга ижтимоий ёрдам бериш масалалари бўйича қарорлар қабул қилинади;

- маҳаллий даража, бунда меҳнат бозори субъектлари, муайян шахснинг иш берувчи, Бандлик маркази, маҳаллий ижроия ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлиги амалга оширилади.

Барча даражаларда тартибга солиш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг умумиқтисодий концепцияси асосида амалга оширилиши керак.

Меҳнат бозорида вазиятнинг ёмонлашуви маҳаллий қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларидан, бандлик хизматларидан меҳнат бозоридаги экстремал шароитда аҳолининг бандилигини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар қабул қилишни талаб қилади.

Қуйидагилар шулар жумласидандир:

- ижтимоий кескинликка барҳам бериш юзасидан шошилиш қисқа муддатли тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш;

- ходимларни оммавий тарзда ишдан бўшатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳолини экспертиза қилиш;

- ходимларни оммавий тарзда ишдан бўшатиш жараёнини тўхтатиш ёки уни босқичма-босқич амалга ошириш;

- ижтимоий меҳнатлар кўламини ошириш;

- қайта ташкил қилиш ва тугатиш тадбирлари ўтказилаётган даврда корхона ходимларини ўқитиш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш.

12-Мавзу.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ҲОЛАТИ

12.1. Ишлаб чиқариш ва унинг асосий соҳаларини индикатив режалаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.

12.2. Индикатив режа тузишда иқтисодий органларнинг функционал ҳамкорлиги.

12.3. Режаларни амалга ошириш механизмлари ва воситалари.

12.1. Ишлаб чиқариш ва унинг асосий соҳаларини индикатив режалаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши

1 босқич – Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрта муддатли истиқболга

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг индикатив режасини ишлаб чиқиш ҳақидаги қарорининг қабул қилинади. Ҳукумат қарори билан вазирликлар ва идоралардан маъсул ижрочиларни белгиланган ҳолда ўрта муддатли истиқбол учун индикатив режани ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар рўйхати ва муддатлари ўрнатилади.

Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги билан ҳамкорликда индикатив режани ишлаб чиқишнинг биринчи босқичини амалга оширади. Ҳукумат бўлинмалари ва Иқтисодиёт вазирлиги аниқ мақсадлар, асосий вазифаларни ва дастурларни шакллантириш ва асослаш йўли билан ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг истиқболларини ишлаб чиқади.

2 босқич – Прогноз ишларини ташкил этилишида ўзаро келишувни ва кетма-кетликни таъминлаш мақсадида Иқтисодиёт вазирлиги бошқа вазирликлар, идоралар ва корхоналар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва ривожланишининг охириги 3-5 йил макроиқтисодий кўрсаткичларини муаммоли саволларни аниқлаган ҳолда комплекс таҳлилни амалга оширади.

Комплекс таҳлил қуйидагиларни очиб бериши зарур:

- тасдиқланган дастурларни амалга ошириш ва янгиларини ишлаб чиқиш бўйича ҳукумат қарорларининг ижро этилишини;

- ишлаб чиқариш қувватини, иқтисодиёт ривожланишининг ички ва ташқи тенденцияларини, иқтисодий сиёсат ва давлат меъёрлаштириш тизимлари натижалчилиги ҳолатини;

- ишлаб чиқариш қувватларининг таркиби ва динамикасини, шунингдек шу жараёнларга таъсир этувчи омилларни ҳамда жаҳон иқтисодиёти ривожланиши билан таққосланиши;

- маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича корхоналарнинг мақсадлари ва имкониятларини, уларни экспортга чиқариш, қувватларни техник таъминлашни.

3 босқич – стратегик мақсадларни ва устуворликларни аниқлаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш биринчи олти ойликда Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа иқтисодий органлар, илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда ўрта муддатли истиқболда ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари, устуворликлари ва мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқади.

4 босқич – макроиқтисодий прогнозларни, мақсадли йўналишларни ва ривожланиш индикаторларини ишлаб чиқиш. Иқтисодиёт вазирлиги макроиқтисодий сиёсатнинг мувофиқлаштирилишига жавобгар марказий иқтисодий органлари билан ҳамкорликда рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўрта муддатларга сценарийли макроиқтисодий прогнозларни ва иқтисодий сиёсатни аниқлаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқади.

Прогноз вариантларида:

- иқтисодиёт ривожланишининг мақсадлари ва устуворликлари;
- таркибий ва инвестицион сиёсатнинг йўналишлари;
- илмий техник тараққиёти ривожланиши;

-Республикада иқтисодиётнинг ижтимоий чегарлари ва бошқа таянч саволлари қайта кўриб чиқилади.

Ўрта муддатли истиқбол учун сценарли макроиқтисодий прогнозларни ишлаб чиқишга асосий талабалар бўлиб иқтисодий органлар томонидан макроиқтисодий мувозанатни таъминланиши ҳисобланади.

Мазкур босқич вазифаларини амалга ошириш учун марказий иқтисодий органларнинг илмий экспертлар, раҳбар ходимлар ҳамда тажрибали мутахассислари таркибида ташкилотлараро ишчи гуруҳ ташкил этилади.

Ташкилотлараро ишчи гуруҳ вазифаларига прогнознинг бир қанча сценарли вариантларини ишлаб чиқиш ва ҳар хил мақсадли устуворликларини ҳамда сиёсат воситалари ўзгариши негизида уларнинг мувозанатини таъминлаш киради.

Вазирлар Маҳкамасида мақсадли йўналишлар, устуворликлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциялари, иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари ҳамда макроиқтисодий прогноз вариантлари кўриб чиқилганидан кейин белгиланган тартибда асосий йўналишлар сифатида вазирликларга, ташкилотларга, маҳаллий маъмуриятларга, корхоналарга етказилади.

5 босқич – мақсадли ва тармоқ кўрсаткичларини амалга ошириш шартлари ва индикаторларини ҳамда ривожланиш дастурларини аниқлаш Иқтисодиёт вазирлиги ва тармоқ вазирликлари, ташкилотлар ва корхоналар иқтисодий сиёсатнинг эҳтимолли йўналишларини ва ҳукумат йўналишларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда ўз ривожланишининг прогноз кўрсаткичларини аниқлайдилар ҳамда башорат қилинаётган давр учун ўз фаолиятлари ҳақида уларни умумлаштириш учун ҳудудий ва тармоқ органларига тақдим қиладилар.

Бошқарувнинг ҳудудий ва тармоқ органлари корхоналар бажармоқчи бўлган ишларини умумлаштирадилар ва кейинчалик Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этадилар.

6 босқич – макроиқтисодий прогнозларни мақсадли ва тармоқ кўрсаткичлари ҳамда ривожланиш дастурлари билан мувофиқлаштириш. Бу босқичда Иқтисодиёт вазирлигининг макроиқтисодий башоратларни реал секторнинг тармоқ ташкилотлари, ҳудудий органлар, вазирликлар ва ижтимоий соҳа ташкилотлари ривожланиш прогнозлари билан мувофиқлаштириш ва интеграциялаштиришга оид ишлари амалга оширилади.

Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳамкорликда давлат эҳтиёжларини ресурс таъминотини тавсифловчи иқтисодий мувофиқлаштиргич ва кўрсаткичлар тизимини ҳисобга олган ҳолда, кейинги йилги давлат бюджети лойиҳаси ва башорат кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлигини амалга оширадилар.

7 босқич – Вазирлар Маҳкамасига индикатив режанинг охириги вариантини тақдим этиш. Вазирлар Маҳкамасига индикатив режанинг охириги вариантини тақдим этиши уни Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Бирлашган Ҳайъатда кўриб чиқилганидан кейин Иқтисодиёт вазирлиги томонидан амалга оширилади. Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлисга ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг индикатив режасини Давлат бюджети билан бир вақтда киритади.

Олий Мажлисда ўрта муддатли индикатив режа кўриб чиқилишидан кейин

оммавий ахборот воситаларида чоп этилади.

12.2. Индикатив режа тузишда иқтисодий органларнинг функционал ҳамкорлиги

Зарур натижаларга эришишда ўрта муддатли индикатив режани тайёрлашнинг тўғри ташкил этилиши зарурий аҳамиятга эга ва ҳар хил вазирлик ҳамда ташкилотлар томонидан режани ишлаб чиқишда харажатлар камайишига йўналтирилган бўлиши керак.

Макроиқтисодий прогнозларни тайёрлашда Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий Банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ ва Давлат мулки қўмиталари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо ва бошқа вазирлик ҳамда ташкилотлар, Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари, концернлар, компаниялар, уюшмалар, ҳиссдорлик жамиятлари ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар қатнашадилар.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг индикатив режаларини ишлаб чиқишга доир ишларни умумий мувофиқлаштириш, индикатив режаларни ишлаб чиқишда иқтисодий органларнинг ишларини ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига юклатилади.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг индикатив режасини ишлаб чиқиш жараёнида иқтисодий органларнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси – ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг индикатив режаларини ишлаб чиқишга доир ҳукумат қарорлари бажарилишини назорат қилиш ва режа вариантларини тиклаш;

Иқтисодиёт вазирлиги – ўрта муддатли истиқбол учун иқтисодиётнинг реал сектори ривожланиши таҳлили ва прогнози, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иқтисодиётнинг ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш ва ривожланиши истиқболлари;

- жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги тенденциялар;

- иқтисодиёт тармоқлари ва секторларидаги иқтисодий ўсиш ва ички талаб ривожланишини баҳолаш;

- инфляция даражаси ва антиинфляция сиёсатининг кўрсаткичлари;

- ташқи талаб ривожланишини ва ташқи иқтисодий фаолиятни баҳолаш.

Марказий Банк – асосий пул-кредит агрегатлари ва пул-кредит сиёсатини асосий йўналишлари бўйича таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини, банк тизими актив ва пасив баланс кўрсаткичларини, монетаризация даражасини тайёрлайди.

Молия вазирлиги – Давлат бюджетининг даромад ва харажатлари ва бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари: бюджетнинг даромад ва харажат кўрсаткичлари, давлатнинг ташқи қарзи, бюджет дефицити ва уни молиялаштириш бўйича таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини тайёрлашни амалга оширади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги – демографик ривожланиш, меҳнат ресурслари, бандлик, ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари ва ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари: аҳоли сони ва меҳнат ресурслари, бандлик даражаси, турмуш даражаси бўйича таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини тайёрлашни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлари Кенгаши, Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари – вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, маҳаллий бюджетнинг шаклланиши ва бюджетдан молиялаштиришга талабномалар прогнозини амалга оширадilar.

Ижтимоий соҳа вазирликлари ҳамда бошқа вазирлик ва ташкилотлар – ривожланишнинг мос йўналишлари бўйича таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини тайёрлашни амалга оширади.

Концернлар, компаниялар, уюшмалар, хиссдорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар – режалаштираётган давр учун ишлаб чиқариш-хўжалик юритиш ва корхонанинг молиявий фаолияти ривожланишига оид таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини тайёрлашни амалга оширади.

Ташкилотлараро ишчи гуруҳ – ўрта муддатли режани ишлаб чиқишда иқтисодий органлар ўртасида мувофиқлаштирувчи бўғин сифатида фаолият юритади.

Иқтисодий органларнинг раҳбарлари ва мутахассисларидан ташкил этилган ташкилотлараро ишчи гуруҳнинг вазифалари биринчи навбатда қуйидагиларга йўналтирилган бўлиши керак:

- макроиқтисодий жараёнларни таҳлили ва прогнозида иқтисодий органлар ҳамкорлигини ташкил этиш;

- аниқ умумий йўналишларни ва самарали сиёсатни ишлаб чиқиш мақсадларини аниқлаш;

- прогнозлар сифатида ва балансини, қўйилган мақсадларнинг мавжуд моддий-молиявий ресурслар ҳажмига мослигини таъминлаш;

- иқтисодий ўсишга ички ва ташқи омилларнинг таъсирини ҳамда макроиқтисодий сиёсат воситалари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда башоратнинг бир неча вариантларини ишлаб чиқиш.

Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Бирлашган ҳайат – ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг индикатив режаси вариантларини муҳокама қилиш ва мазкур масала юзасидан ҳукуматга таклифлар тайёрлаш.

Ўрта муддатли истикболга макроиқтисодий прогнозларни тайёрлашга ташкилий-услубий ёндашувлар.

1. Макро-прогноزلарни ташкил этиш.

Макроиқтисодий прогнозларнинг ташкилий блоклари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичларини ишлаб чиқишнинг таркибий қисми бўлган макроиқтисодий прогноз иқтисодий тузилмаларни индикатив режанинг мақсадли вазифаларини бажаришга йўналтиришни амалга оширади.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини ишлаб чиқишдаги асосий талаблар бўлиб қўйилган мақсадларга эришишда иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари ривожланишига йўналтирувчи макро кўрсаткичларнинг

балансашувининг юқори даражасига эришиш ҳисобланади.

Макроиктисодий прогнозлар тўртта асосий блок бўйича ишлаб чиқилади:

- реал сектор блоки;
- тўлов баланси блоки;
- давлат бюджети блоки;
- пул-кредит сектори блоки.

Реал сектор блоки кўрсаткичлари прогнози. Ресурслар, маҳсулотлар ва хизматлар бозорини комплекс таҳлилини назарда тутди, Булар:

- демографик ҳолат ва меҳнат ресурслари таҳлил ва прогнози;
- иқтисодиётнинг ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятни, тўпланган миллий бойликни таҳлили ва прогнози;
- иқтисодиётда ички талаб кўрсаткичлари таҳлили ва прогнози;
- табиий ресурсларнинг мавжуд захиралари ва кўрсатилган омиллар ўзгаришини истиқболлари таҳлили ва прогнози;
- ижтимоий ривожланиш даражаси таҳлили ва прогнози.

Тўлов балансининг прогнози қуйидаги асосий йўналишларда таҳлилий ва прогноз ишларини амалга оширишни назарда тутди:

- маҳсулот экспорт ва импорти таҳлили ва прогнози;
- омилли ва ноомилли хизматлар кўрсатиш таҳлили ва прогнози;
- капитал ҳаракати таҳлили ва прогнози;
- тўлов баланси дефицитини молиялаштириш таҳлили ва прогнози;

Давлат бюджети прогнози қуйидагиларни назарда тутди:

- бюджетнинг солиқ ва носолиқ даромадлари таҳлили ва прогнози;
- бюджетнинг жорий ва капитал харажатлари таҳлили ва прогнози;
- давлатнинг ички ва ташқи қарзларига харажатлари таҳлили ва прогнози;
- бюджет дефицити ва уни молиялаштириш таҳлили ва прогнози;

Пул-кредит соҳаси прогнози қуйидагиларни назарда тутди:

- банк тизимини актив ва пасивлари баланси кўрсаткичлари таҳлили ва прогнози;
- пул ҳажми кўрсаткичлари таҳлили ва прогнози;
- монетаризация даражаси таҳлили ва прогнози;

Агар Иқтисодиёт вазирлиги томонидан дастур лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг умумий механизми ва ривожланиши янгича бўлмаса (аммо ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг қисқа муддатли прогнозларини ишлаб чиқишда фаол фойдаланилади), ташкилотлараро иқтисодий Кенгашнинг ваколати ва фаолияти анча аниқ белгиланган бўлиши шарт. Ташкилотлараро иқтисодий кенгаш хусусий бизнес ва тадбиркорлик тузилмаларини жалб қилишни алоҳида эътиборга олган ҳолда иқтисодиётнинг барча манфаатдор секторларини индикатив рижалаштириш жараёнига жалб этиш учун ташкил этилиши керак деб, қаралади.

Булар Кенгаш томонидан иккита асосий вазифаларни бажариш учун муҳим:

Биринчидан, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатаётган “иқтисодиёт ўйинчилари”, ёки уларнинг вакиллари фикрини ҳисобга олиш кенг жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқилган

индикатив режа, директив режаларни тузишнинг усулига хос бўлган хатолардан ҳоли бўлиши мумкин.

Иккинчидан, “иқтисодиёт ўйинчилари” ҳукуматнинг стратегик режалари ва иқтисодиёт ривожланишининг (илмий техник тараққиёт, демография) прогнози ҳақида кенг ахборот бериши мумкин. Бу бизнес ва аҳолини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг барча секторларига янги шароитларга тезроқ мослашишга ва ўз фаолиятини оптималлаштиришга олиб келади. Мисол учун, Японияда режалаштириш амалиёти кўп япон компаниялари (асосан йирик) умумдават режасини амалга оширилишига ёрдам кўрсатдилар ва ўз фаолиятини унинг кўрсаткичлари ҳамда йўналишларидан келиб чиқиб режалаштирдилар.

Ташкилотлараро иқтисодий Кенгашнинг юқорида келтирилган иккала вазифаси ҳам иқтисодий нуқтаи назардан, ҳам мамлакатда фуқаролик жамият куришда аҳамиятли.

Ўзбекистоннинг мураккаб ҳудудий-маъмурий бўлинишини ҳисобга олган ҳолда умумдават индикатив режаларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий ривожланишининг индикатив режаларини ишлаб бориш жуда аҳамиятли ҳисобланади (бундай тажриба Япония, Малайзия, Россия ва бошқа давлатларда қўлланилади). Бу жараёни институционал равишда ҳоким ҳузуридаги иқтисодий кенгаш, шунингдек Иқтисодиёт вазирлигининг ҳудудий органлари бошқа ҳудудий иқтисодий органлари ва тадбиркорлик сектори билан ҳамкорликда таъминлаши мумкин.

12.3. Режаларни амалга ошириш механизмлари ва воситалари

Индикатив режалаштиришнинг самарадорлиги, унинг иқтисодиётга умумий ижобий таъсир даражаси билан аниқланади. Бунда индикатив режанинг мақсадларига эришиш механизмлари ва воситаларини тўғри танлаш аҳамиятли ролни ўйнайди. Жаҳон тажрибасини ўрганиш Ўзбекистонда ҳам фойдаланиш мумкин бўлган индикатив режаларни самарали амалга ошириш учун давлат томонидан фойдаланиладиган қуйидагини аҳамиятли механизм ва воситалар сифатида ажратишга имкон беради.:

1. Қатнашиш. Индикатив режалаштириш жараёнига давлат тузилмалари билан бир қаторда хусусий бизнес, жамоа ташкилотлари, аҳоли ва ҳатто сиёсий партиялар вакиллари жалб этиш. Юқорида таъкидланганидек, бундай ёндашув барча “ўйин қатнашувчиларининг” қизиқишлари ва ҳолатини ҳисобга олишга имкон беради.

Шунинг билан бирга, жуда аҳамиятли бўлган нарсалар, режалар, унинг кучли ва заиф томонларини узоқ муҳокама қилиш мобайнида, бу жараён қатнашчилари янги шароитлар доирасида ишлаш шартлари белгиланади. Шунинг натижасида бу уларга янги шароитларга тез мослашишга, шунингдек башорат даврида давлатнинг янги стратегиясини ҳисобга олиб унга мос ҳўжалик ҳаракати учун зарурий институционал, молиявий ва бошқа чораларни амалга ошириш имконини беради.

2. Хабардор қилиш. Ахборот берилиши кутилатган стратегиялар, фискал ва пул-кредит сиёсати ҳақида жамиятнинг барча қатламларини кенг тарзда ўз

вақтида хабардор қилиш, нафақат индикатив режалаштириш жараёни иштрокчиларига, балки кўпчилик фаолият юритувчи хўжалик субъектларига ва аҳолига, мажбур бўлмаган хатолардан қочиш, ўз бизнес-стратегиясини оқилона яратиш, янгиликлардан ёки конъюктура ўзгаришидан кейинги бўлиши мумкин бўлган нохуш оқибатларни олдини олиш имконини яратади.

3. Меъёрлаштириш. Ўрта муддатли индикатив режалар директив (тўғридан тўғри) топшириқлар ўрнига, макроиктисодий сиёсатнинг белгиланган шароитларини: аниқловчи солиқ юклари, Марказий Банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси, банкларнинг мажбурий захира меъёрлари, айирбошлаш курси, божхона тўловлари, чекловлар, бюджет тизими даражалари бўйича даромадларнинг тақсимланиш меъёрлари, бюджет ташкилотларида иш ҳақи жамғармаси лимитлари, ижтимоий меъёрлар аниқловчи белгиланган меъёрий ҳужжатлар тизимига эга бўлиши керак. Меъёрий ҳужжатларни жорий қилиш мумкин бўлмаган ҳолларда, мос кўрсаткичлар (валюта коридори, қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг тебраниш коридори) тебраниш узунлигини чеклаш усули қўлланилади.

4. Молиялаштириш. Мақсадли дастурларни давлат бюджети, жалб қилинадиган кредитлар, шу жумладан, давлат кафолати орқали маблағлар ҳисобидан молиялаштириш индикатив режаларни амалга оширишнинг тўғридан-тўғри воситаси ҳисобланади. Одатда, бу восита бюджет сиёсати, давлат мақсадли дастурлари, инвестицион дастурлар, шунингдек индикатив режалар мақсадларига эришиш учун аҳамиятли бўлган стратегик соҳалар ва лойиҳаларга имтиёзлар ва ҳар хил субсидиялар механизмлари орқали амалга оширилади.

5. Давлат мақсадли дастурлари. Индикатив режаларнинг устувор йўналишлари бўйича қўйилган вазифаларни молиявий манбалар билан боғловчи, муддатлар ва маъсул ижрочиларни аниқловчи мукамал мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу механизм индикатив молиялаштиришдан фойдаланувчи барча мамлакатларда фойдаланилади.

6. Давлат харидлари. Харидлар кўпинча мақсадли дастурлар доирасида амалга оширилади, уларни бажариш учун давлат ва хусусий корпораиялар ўртасида бюртмаларни жойлаштирувчи ва уларнинг фаолиятини назорат қилувчи махсус давлат компаниялари ташкил этилади.

7. Давлат секторини режалаштириш. Бу механизм Францияда кенг қўлланилади ва тўлиқ давлат ихтиёридаги корхоналарни бошқариш воситаси бўлиб хизмат қилади. Одатда бу – хусусий сектор корхоналаридан фарқ қиладиган, давлатнинг қатъий назорати остида бўлиши керак бўлган табиий монополия тармоқларидаги катта корхоналар ҳисобланади.

8. Инвестицион дастур. Бу механизм Японияда шунингдек Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида нисбатан кенг қўлланилади. Япония тажрибаси кўрсатишича 1953 йилдан буён давлат бюджетига нисбатан инвестициялар ва заёмларнинг муваққат дастури ишлаб чиқилади, мамлакатнинг “иккинчи бюджети” ишлаб чиқаришга инвестиция киритишнинг ва иқтисодий ривожланишнинг кучли воситаси ҳисобланади. Ундан ажратиладиган кредитларнинг реал аҳамияти нафақат уларнинг ўзларига, балки

улар хусусий корпорациялар иқтисодиётини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг йўналишлари сифатида намоён бўлишидадир.

9. Баҳо сиёсати. Бозорлардан баҳо сиёсати, инфляцияни ушлаб туриш мақсадидаги табиий монополия тарифларини каттиқ тартибга солиш, инновацион ва технологик реконструкция даврида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш. Ишлаб чиқарувчилар томонидан, бу мисол учун режалаштирилаётган давр учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг нарх ўзгариши чегараларини кафолатлашнинг истёмолчилари томонидан – мазкур маҳсулотни ўз вақтида сотиб олиш мажбуриятларини кафолатлаш.

10. Бюджет сиёсати. Амалга оширилаётган бюджет сиёсати индикатив режаларда намоён бўлган устуворликлар ва йўналишларга мос келиши зарур. Давлат бюджетини шакллантириш тамойиллари ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодиётни тартибга солиш тизимининг усусий мантиғига мос равишда қайта кўриб чиқиши зарур. Уни ишлаб чиқиш асосига муайян йўналишлар бўйича бюджет харажатлари даражаларини аниқлаштирувчи қонуний белгиланган норматив ҳужжатларини, шунингдек харажатларни режалаштириш ва амалга ошириш дастурли мақсадли тамойилларини қўйиш керак. Бунда асосий устуворлик биринчи навбатда, фан ва ИТТ ривожлантириш харажатларига, шунингдек, келгуси ривожланиш мустахкамлиги асосини ташкил этадиган таълим ва миллий хавфсизликка берилиши зарур. Юқори усутворлик, яна инвестицион дастурларга берилиши лозим.

11. Пул кредит сиёсати. Индикатив режаларни самарали амалга ошириш аҳамиятли шарти бўлиб пул кредит органлари фаолиятининг шаффофлиги ҳисобланади. Ҳукумат пул-кредит сиёсатидаги ўзгаришлар ҳақида оммавий ҳабар бериш уларнинг сабабларини тушунтиришлари лозим. Шаффофлик амалга оширилаётган сиёсатнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Ҳаракатлар шаффофлик кутиш механизмлари орқали бозор иштрокчиларига таъсир кўрсатади ҳамда монетар воситаларни қўллаш вақти ва иқтисодий агентлар жавоби ўртасидаги масофани қисқартиради.

12. Ташқи савдо. Ташқи савдо сиёсати танланган иқтисодий стратегияни амалга ошириш учун экспорт ва импорт қилувчилар фаолиятини зарурий томонга йўналтирувчи божхона тўловларини, нотариал тўсиқларни, чеклов ва лицензияларни, экспорт (импорт) қилувчиларга очик ва яширин субсидияларни жорий қилиш.

13. Ижтимоий сиёсат. Индикатив режаларда назарда тутилган ижтимоий сиёсат. Мақсадли ижтимоий дастурлар, ижтимоий нормативлар (энг кам иш ҳақи, нафақа ва х.к.), шунингдек ижитмий соҳаларни ривожлантиришга бюджет харажатлари орқали амалга оширилади. Демак қатъий айтадиган бўлсак, давлат хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонида индикатив режаларни тушуниш механизмини шунга мос равишда уларни тўғридан-тўғри усулларини эмас, балки кенгайтириш-чеклаш-йўналтирувчи механизми орқали амалга ошириш шартларини ишлаб чиқади.

Кенгайтирувчилар бўлиб индикатив режаларни ишлаб чиқишда кенг

иштирок этиш ва улар ҳақида маълумот бериш назарда тутилади. Чекловчилар бўлиб, белгиланадиган нормативлар ва бюджет чегаралари ҳисобланади. Йўналтирувчилар бўлиб – макроиқтисодий сиёсатнинг прогнози ва шаклланувчи шартлари мақсадли ва инвестицион дастурлар ҳисобланади.

2.2 МАВЗУЛАР БЎЙИЧА ТАҚДИМОТ СЛАЙДЛАРИ

1-Мавзу. Бозор иқтисодиётида режалаштиришнинг моҳияти ва роли

1.1. Индикатив режалаштириш фанининг мақсади, мазмунини ва предмети

Курснинг мақсади – бўлажак мутахассисни индикатив режалаштиришнинг мазмун – моҳияти ва иқтисодий ривожланишни асослаш методологиясига ўқитишдан иборат. "Билимлар – йўлни йўлсизликдан фарқлаш учун мавжуд", - деган эди шарқ мутафаккирларидан бири.

Илмий олдиндан кўра билиш тамойиллари ва усулларини билиш бўлғуси мутахассисга содир бўлаётган ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга ва турли вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради.

Курснинг мазмуни давлат даражасида ҳам, тармоқ, корхона даражасида ҳам индикатив режалаштириш жараёнининг назарий-амалий масалаларини ўз ичига олади.

Иқтисодий олдиндан кўра билиш табиати, кўрсаткичлар ва параметрлар таснифи, мутахассисларнинг прогнозлаштириш ва режалаштириш масалалари бўйича фикрлари ва қарашлари, хорижий мамлакатларнинг ушбу соҳадаги тажрибаси, фаолиятнинг турли соҳаларини иқтисодий жиҳатдан асослаш, шу жумладан ривожланиш стратегияларини танлашга нисбатан тавсия этилаётган ёндашувлар, танланган қарорларининг иқтисодий самарасини аниқлаш, режа таркиби, мамлакатда режалаштириш тақомиллаштириш вазифалари – буларнинг барчаси ва қатор бошқа масалалар ўрганилаётган фаннинг мазмунини ташкил қилади.

Курснинг методологик асосини диалектика ташкил этади. Айнан диалектика, кўплаб илмий фанларнинг методологияси бўлгани ҳолда, мутахассисга турмуш, жамият ва тафаккур ривожланишининг умумий қонуниятлари ҳақидаги билимни беради. Хўжалик юритиш муҳитини тушунишни белгилаб берувчи унинг категориялари ҳаёт фаолияти унсурларининг туташуви нукталарини аниқлаш, уларда бир лаҳзали ва тасодифий ҳолатларни олиб ташлаб, объектив ва алоҳида ҳолатларни кўриш имконини беради.

1.2. Бозор ҳўжалигини давлат йўли билан тартибга солиш - индикатив режалаштиришнинг объекти сифатида

Иқтисодий мустақилликнинг мустаҳкамланиши билан ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солиш зарурати янада қатъийлашди. Янги шароитда давлатнинг тартибга солувчи роли иқтисодиётни ривожлантиришнинг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини яратиш, фаол саноат, ташқи иқтисодий, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ҳамда ҳаётни таъминловчи муҳим тизимлар – инфратузилма, фан-техника соҳаси, фуқаролар ҳаёти сизилигини тўғридан-тўғри давлат йўли билан бошқаришдан иборат. Ривожланган мамлакатларда индикатив режалаштириш иқтисодиётни тартибга солишнинг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади.

Давлат жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солиш чораларини кўради. Давлат миқёсида рақобат, талаб ва тақлифни шакллантириш билан боғлиқ ва айрим бошқа ҳодисаларнинг истиқболлари прогноз қилинади. Бу уларнинг ҳақиқий мазмунини бузиб кўрсатиш эҳтимоли туфайли иқтисодиётга давлатнинг тўғридан тўғри аралашуви кўнгилсиз бўлган ҳолат. Бироқ мамлакатда ҳамма вақт давлат уларни стихияли бозор таъсирига ташлаб қўя олмайдиган қатор фаолият соҳалари мавжуд бўлади. Бундай соҳалар жумласига миллий муҳофаа, ҳуқуқ-тартибот, илмий тадқиқотлар, таълим, шунингдек айрим энергетика тармоқларининг фаолияти киради.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг алоҳида соҳалари ўзгаришини акс эттирувчи алоҳида прогнозлар, хусусан:

- мамлакатдаги демографик вазият;
- табиат муҳитининг ҳолати, шу жумладан табиий қазилмаларнинг аниқланган захиралари, ер, сув ва ўрмон ресурслари;
- фан-техника ютуқларининг ҳолати ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган талабининг ҳажми ва динамикаси;
- асосий ишлаб чиқариш омиллари: сармоя, меҳнат, инвестицияларни прогноз қилиш;
- халқ ҳўжалиги алоҳида тармоқлари, ҳудудлар ва фаолиятнинг бошқа ижтимоий аҳамиятга молик соҳаларининг ривожланишини прогноз қилиш.

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўп қиррали, кўп омилли ва зиддиятли бўлиб, шунинг учун прогнозлар ва режалар одатда эҳтимолий ўзгаришларни баҳолаш учун кўп вариантлидир. Бу иқтисодий тизимнинг ривожланишидаги ўтиш, танглик босқичлари шароитида жуда муҳим, чунки бунда у беқарор бўлиб қолади.

Прогнозлар давлат органлари учун, биринчи галда, узоқ муддатли ва ўрта муддатли даврларга мўлжалланган ривожланишнинг устувор йўналишлар ва стратегияларини асослаш учун, яъни *индикатив режалаштириш* учун зарур.

1.3. Индикатив режалаштиришнинг моҳияти ва унинг ижтимоий-иқтисодий вазиятларни тартибга солишдаги роли

Ижтимоий – иқтисодий ривожланишни прогнозлаштириш жараёни монанд равишда ҳаётнинг объектив шарт-шароитларини, иқтисодиёт субъектлари манфаатларини акс эттирувчи объектив омилларни ўз ичига олувчи режалаштириш жараёнига айланади. Бозор иқтисодиётида омилларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш режалар орқали эришилади.

Режа – бу ҳўжалик юритиш муҳитининг конъюнктурали прогнози асосида барпо этилган бўлиб, ижрочилар, вақт ва ресурслар билан таъминланган тадбиркорлик субъекти томонидан олдинга қўйилган мақсадларга эришиш ишчи воситасидир.

Режанинг юқорида келтирилган таърифи қўйидаги асосий сўзларни ўзида мужассам этган:

"*Восита*" – бу режа мақсаднинг ўзи эмас, балки мақсадга эришиш воситаси эканлигини англатади. Мақсадга эришиш воситаларининг мажмуи иқтисодий, руҳий, тижорат, ташкилий, кадрлар, технологик ва бошқа ҳаракатларни ўз ичига олади. Мақсадга эришиш воситалари ўзгариши мумкин ва "ишчи воситаси" тушунчасининг мазмуни ана шундан иборат. Бундай ёндашув режани мослаштиришнинг унинг барқарорлигидан усунлигини англатади;

"*Олдинга қўйилган мақсадларга эришиш*" – ҳўжалик юритиш объекти ходимларининг шахсий ва жамоавий манфаатларининг қониқишини белгилаб беради. Мақсад – исталган натижа ва режадаги интилишлар маркази сифатида белгиланган муддатга аниқ амалга оширилиши лозим;

«*Конъюнктура прогнози асосида*» – бу шунинг англатадики, режа ижрочиларининг субъектив ҳаракатлари асосида уларнинг ҳўжалик муҳити мавжуд бўлишининг объектив қонуниятларини тушуниши ва ундан фойдаланиши: бозор механизмини билиш ва режалаштиришнинг дастлабки қисми сифатида прогнозни ишлаб чиқиш ётади;

"*Ижрочилар, вақт ва ресурслар билан таъминланган*" – шунинг англатадики, ҳаракатлар режаси ресурслар билан таъминланиши шарт, яъни ижро этиш муддатлари бўйича моддий, меҳнат, молиявий ва интеллектуал ресурслар билан таъминланган бўлиши керак. Бундай таъминотсиз режа ҳаёлга айланади.

Режалаштиришнинг устунилик томонлари:

- вазифани оқилона тарзда ва кам ҳаражатлар билан ҳал этишга уриниш;

ҳўжалик юритиш муҳитининг бўлажак устуниликларидан фойдаланишга чуқур ўйлаб тайёргарлик кўриш;

ижрочилар ҳаракатларини мувофиқлаштиришни яхшилаш;

манфаатдор шахсларнинг биргаликдаги сазй-ҳаракатлари ҳисобидан кучларни сарфлашнинг жамоавий имкониятларини кучайтириш;

чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш;

воқеаларни назорат қилиш имконияти ва фаолиятдаги муаммоларни аниқлаш.

2-Мавзу. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ЭВОЛЮЦИОН РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Режали хўжаликнинг устунлик томонлари қуйидагилардан иборат эди:

- режаларда жамиятни ривожлантириш ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларининг ўзаро боғлиқлиги;
- кучларни фаолиятнинг устувор йўналишларини бажаришга жамлаш;
- муаммони ҳал этишга нисбатан ялпи ёндашув;
- узлуксиз истиқболий ва жорий режалаштириш имкониятларининг ҳисобга олиниши;
- тармоқ ва ҳудудий ёндашувларнинг уйғулашуви;
- меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларни мувазанатлаштиришга уриниш.

2.1. Индикатив режалаштириш шакллари эволюцияси.

Прогнозлар ва режаларни асослаш даражасининг ошиши келажак тимисолини ишлаб чиқишга нисбатан тўпланган ва бажарият томонидан фойдаланиладиган илмий ёндашув тажрибасидан далолат беради. Тажрибани ижодий ўзлаштириш эса – фаолиятнинг исталган соҳасида муваффақият гаровидир. Агарда муайян иқтисодиётни оладиган бўлсак, у ҳолда ушбу соҳада прогнозлаштириш ва режалаштириш натижалари иқтисодий муносабатлар қонунлари ва тенденцияларини тўғри тушунишга, муайян хўжалик юритувчи субъект фаолияти шароитларини яхши билиш ва ҳисобга олишга боғлиқ.

Марказлашган тарзда режалаштиришнинг камчиликлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Марказлашган тарзда режалаштиришнинг камчиликлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

товар-пул муносабатлари ривожланиши табиий қонунлари ва тенденцияларининг етарлича ҳисобга олинмаслиги;

“ҳар қандай йўл билан режа” тамоийли бўйича фаолият мақсади режанинг иқтисодий муносабатлар устидан ўзига хос фетиши сифатида режа ролининг ортиши;

гурул миқтакалар қорқоналари тўлиқ фаолият юритиши учун майдоннинг мавжуд эмаслиги ва юзага келган режалаштириш тизимининг бесўнақайлиги;

заҳиралар, ташаббус, микродаражанинг хилма-хиллигини ҳисобга олмайдиغان режалаштиришнинг методологик жиҳатдан заифлиги;

ҳаётнинг бошқарувчи партия томонидан истиқболсиз деб эътироф этилган алоқила томонлари, масалан, кибернетика, генетиканинг унутилиши;

ресурсларнинг оптимал ишлаб чиқиш, қилиниш, тасдиқлаш, аниқлаштириш ва уларнинг барқарорлигини қўллаб-қувватлаш учун кучлар, вақт ва маблағларнинг қўп сарфлашуви;

2.2. Жаҳонда, шу жумладан Ўзбекистонда прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг ҳолати

Ҳозирги вақтда, биринчидан, корхона даражасида прогнозлаштириш ва кўрсаткичли режалаштиришни қўллаш мумкинлиги ва зарурлиги ҳамда, иккинчидан *давлат даражасида* прогнозлаштириш, индикатив режалаштириш ва дастурлашни қўллаш мумкинлиги ҳақидаги нуқтаи назар кенг эътироф этилмоқди.

Иқтисодиётда прогнозлаштириш ва режалаштириш ғояси умуман олганда оқилона ҳисобланади. Лекин тажриба шуни кўрсатдики, кўрсаткичли режалаштириш фақат фирма даражасида амалга оширилиши керак. Бу фирма ички режасининг айрим ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ, яъни у:

- 1) муваффақиятга эришиш учун тўлиқ жавобгар ҳисобланган хусусий мулкдорнинг топшириғи сифатида тузилади;
- 2) қонун билан кафолатланган битимлар бўйича шерикларни танлаш ва улар билан сотувлар нархини келишиш эркинлиги шaroитида амалга оширилади;
- 3) доимий харидорлар талаби орқали текширилиб турилади;
- 4) масала бўйича мавжуд барча ижтимоий-иқтисодий ахборот қарор қабул қилувчи ва уларнинг оқилоналиги учун тўлиқ жавоб берувчи шахс томонидан тўпланиши ва англаб етилиши мумкин бўлган ҳолларда ишлаб чиқилади.

Прогнозлар ва режалар воқеалардан илгарилаб тузилади, лекин уларнинг асослилиги ушбу воқеаларга мос келиш даражасига боғлиқ. Бозор иқтисодиётида воқеаларнинг прогноз қилиниш даражаси ушбу ҳолат стохастик хусусиятга эга бўлганлиги боис, паст. Шунинг учун эски ахборотни ҳисобга олган ҳолда тузилган прогнозлар ва режаларга реал ҳаётда ўзгаришлар юз берганида, аниқликлар киритилиши керак.

Давлатнинг индикатив режаси ва прогнози кўрсатмали режадан фарқли ўлароқ бозорнинг ҳаракатлантирувчи кучлари – ҳаракатлар эркинлиги, мулк ва рақобатга таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун улар иқтисодий ҳаётнинг динамиклигига эришиш воситаси сифатида кўриб чиқирилиши мумкин. Шунинг учун мана бир неча ўнлаб йиллар мобайнида давлат даражасида индикатив режалаштириш аксарият мамлакатлар томонидан муваффақиятли фойдаланилмоқда.

2.3. Ўзбекистон Республикасида индикатив режалаштириш концепцияси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни биртараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида таъкидлаганидек, “Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз, енг аввало, “шок терапияси” деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солиди, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик.”

Индикатив режалаштириш тизими – ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида мос келувчи иқтисодиёт ҳолатини ва ривожланишини тавсифловчи индикаторларни (кўрсаткичларни) шакллантириш ҳамда ушбу индикаторларга эришиш мақсадида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш чораларини белгилаш ҳисобланади.

Ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий ҳолатни баҳолашдан ташқари, индикаторлар қуйидагиларга йўналтирилган бўлиши лозим:

иқтисодиётнинг самарали ривожланиши ва аҳолининг ижтимоий фаровонлиги даражасини белгилаш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳаракатларини режалаштириш;

режалаштирилган натижаларга эришиш устидан назорат қилиш;

тартибга солишчи таъсир этиш чораларини қўриш;

ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш

Индикаторлар манзилли бўлиши ҳамда вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг функционал фаолияти билан боғлиқ бўлиши керак. Индикаторлар ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини, ҳўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий ўсишни таъминлашга ва республика аҳолисининг турмуш даражасини оширишга йўналтириши лозим. Бошқарувнинг ҳар бир даражаси учун индикаторлар сони чекланган бўлиши керак.

3- Мавзу. БОЗОР ХЎЖАЛИГИДА РЕЖАЛАШТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Индикатив режалаштириш методологиясининг тизими

Индикатив режалаштириш методикаси – бу барча даражадаги прогнозлар, дастурлар, режалар ва режа кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш тизимининг вақт чегараларини ишлаб чиқиш, асослаш ва таҳлил қилиш усулларининг йиғиндиси. Индикатив режалаштириш усули деганда унинг ёрдамида режалаштиришнинг қандайдир муаммоси ҳал этилиб, прогнозлар, дастурлар ва режа кўрсаткичларининг сон қийматлари ҳисоблаб чиқиладиган муайян усул, техник ёндашув тушунилади.

Индикатив режалаштириш муаммоларининг таркибида фарқлар мавжудлиги туфайли прогнозлар, дастурлар ва режалар ишлаб чиқишнинг бир неча усулларидан фойдаланилади. Улар жумласига қуйидагилар киради: эксперт (баҳолаш) ёки эвристик усуллар; ижтимоий-иқтисодий таҳлил усуллари; тўғридан-тўғри муҳандислик-иқтисодий ҳисоб-китоблар усуллари; баланс усули; иқтисодий-математик усуллар ва моделлар; тизимли таҳлил ва синтез усуллари.

Баланс усули. Баланс усули деганда ўзаро боғлиқ кўрсаткичларнинг боғланишини ва мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун фойдаланиладиган усуллар йиғиндиси тушунилади. Ушбу усулларнинг мақсади - кўрсаткичлар ўртасида мувазанатга эришишдан иборат.

Баланс усули миллий иқтисодиётнинг ривожини таҳлил ва прогноз қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Унинг ёрдамида мамлакатда моддий ва молиявий оқимлар ҳаракатининг йўналишларини аниқлаш, иқтисодиётда моддий-ашёвий ва қиймат улушини белгилаш, ижтимоий эҳтиёжлар, бозорнинг моддий неъматлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг моддий асосини яратиш учун ишлаб чиқариш турли омилларининг зарур ўсишини ҳисоблаб чиқишнинг

3.2. Бозор шароитида мувозанатлашган режалаштиришнинг зарурияти

Режалаштириш – давлат, бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг мамлакат, минтакалар, тармоқлар, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган фаолияти.

Давлат томонидан режалаштирилиши лозим бўлган объектлар доираси анча кенг. Биринчи галда – бу ижтимоий ишлаб чиқариш таркиби. Бозорнинг мавжуд бўлиши улушлар ва таркибий силжишларга таъсир кўрсатиши мумкин ва давлат улушларнинг қандай юзага келишига бефарқ эмас. Ижтимоий соҳада эса, энг асосийси – иқтисодиётнинг келгусидги ривож аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари турмушига қандай таъсир кўрсатишини олдиндан кўра билиш, ушбу таъсирнинг салбий томонларини аниқлаш ва муҳтожларни ҳимоялаш чораларини кўришдан иборат.

Режалаштириш директив, индикатив, шартномавий ва тадбиркорликни режалаштириш каби турларга бўлинади.

Директив режалаштириш манзилли топшириқларни белгилаш ва уларни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режа ижрочилари ўртасида тақсимлаш орқали амалга оширилади. Асосий ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан давлат мулкчилиги монополияси шароитида режалаштириш жамият ҳаёт фаолиятининг барча томонларини қамраб олади. Бюджетдан молиялаш, капитал қўйилмалар меъёрлари, моддий-техника ресурслари фондлари, давлат буюртмалари директив режалаштиришнинг асосий воситалари ҳисобланади.

Индикатив режалаштириш бозорнинг мустақил субъектларини давлат билан мутаносиб асосларда ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб қилиш усули ҳисобланади. У товар ишлаб чиқарувчилар, харидорлар ва умуман бозорга таъсир этишнинг иқтисодий воситаларидан фойдаланишга асосланиб, давлат ва хусусий сармоя манфаатларини уйғунлаштириш имконини беради.

3.3. Дастурий-мақсадли режалаштириш

Мақсадли дастурлар режалаштиришнинг муҳим унсури ҳисобланади. Давлат даражасидаги йиғма мақсадли дастурлар ҳал этиш учун миллий иқтисодиётни ривожлантириш муаммоларини қамраб олган дастурлар сифатида ишлаб чиқилади. Дастурий-мақсадли усул йирик муаммоларнинг ҳал этилишини марказлашган тарзда бошқаришнинг самарали воситаси бўлиши мумкин. У мақсадлар, устувор йўналишларни ажратишни, режа кўрсаткичларида ифодаланадиган мақсад вазифаларини шакллантиришни, ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлашни, олдинга қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Лойиҳалаштириш. Лойиҳалаштириш – режалаштиришнинг барча тартибларининг якунловчи босқичи. Унинг мақсади барча даражалар ва вақт горизонтлари индикатив режаларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Стратегик режалар бошқарув субъектларининг сиёсатини амалга ошириш воситаси сифатида қўлланилиши; уларни ривожлантириш мақсадлари ва йўналишларини очиқ бериши; умуман жамиятни ва унинг алоҳида кичик тизимларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш босқичларини белгилаб бериши; жамият иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг ўлчови, мезони сифатида иштирок этиши ушбу режаларнинг муҳим ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг ўтиш даври шароитида режаларнинг ижтимоий-иқтисодий йўналтирилиши ўзгариши керак:

- режалар маъмурий бўйсундириш қуролидан мувазанатлашган режалаштириш воситасига айланади;
- режаларни лойиҳалаштиришнинг стратегик хусусияти кучаяди (макроиқтисодий режалаштиришда бозор ҳўжалиги шароитида асосий эътибор иқтисодиётни таркибий ўзгартиришга қаратилади);
- стратегик режалар лойиҳаларининг илмий жиҳатдан асосланганлик даражаси ортади.

4-Мавзу. РЕЖАЛАШТИРИШ БОШҚАРУВ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

4.1. Режалаштириш тушунчаси ва унинг мақсадлари

Ҳам давлат, ҳам хусусий ташкилотлар мураккаб вазиятда ўз мақсадлари ва ўз фаолиятини режалаштириши лозим. Давлат ижтимоий ҳаёфсизлик, транспорт, муҳофаа, халқаро муносабатлар соҳасидаги режалаштириш, шунингдек умумий давлат солиқларини режалаштириш билан шуғулланади. Хусусий корхоналарда сотиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, таъминот, инвестициялар ва ходимлар режалаштирилади. Ва, ниҳоят уй хўжалиги даражасида режалаштириш предмети сифатида ўз даромади, истеъмол, маблағларни тежаш, таълим, қариликни таъминлаш, мол-мулк, уй қуриш ва саёхатни танлаш мумкин.

Режалаштириш муддати, аниқлиги, киритиладиган тузатишлар ва мувофиқлашув даражасига кўра турлича бўлиши мумкин. Қуйидаги белгилар умумий ҳисобланади:

- тартибга солинган жараён,
- ахборотга ишлов бериш,
- лойиҳани ишлаб чиқиш,
- муайян мақсадларга эришишга йўналтирилганлик,
- келажакка нисбатан муносабат.

Юқоридаги
босқичларни
табақалаштирилган
бўлсак, унга
қуйидагилар
қиралган қисмларга
эга бўламиз:

мақсадларни
ишлаб
чиқиш;

муаммоларни
қўйиш;

муқобил
вариантларни
топиш;

4.2. Режаштиришнинг асосий вазифалари ва босқичлари

Режаштириш жараёнининг биринчи босқичи мақсадларни шакллантиришдан иборат.

Мақсадларни шакллантириш – бу кейинги ҳаракатлар учун аниқ, таркибланган ва амалга ошириш учун яроқли бўлган меъёрлар тизимини яратиш.

Ялпи муаммоларнинг ҳал этилиши режаштиришнинг алоҳида ҳолати ҳисобланади. Улар кўпинча муаммоларни қисмларга ажратиш, уларнинг таркибий қисмларини аниқлаш мақсадида алоҳида муаммоларни таҳлил қилиш, шунингдек айрим муаммолар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш учун сабаб бўлади. Алоҳида муаммоларнинг ўзаро бўйсунishi муаммоларнинг кўргазмали иерархиясини барпо этишга олиб келади, бу умумий ялпи муаммони мақсадли ҳал этиш учун бошланғич нуқтага айланади.

Муаммонинг ҳал этилиши бир неча муқобил вариантларни назарда тутса, уларнинг ҳар бири учун муқобил режа тузилиши мумкин. Агар муаммони тизимли ва тўлиқ ҳал этиш мақсад қилинса, у ҳолда ҳамма вақт қайси муқобил вариантлар иқтисодий, техник, ижтимоий, ҳуқуқий ва экологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкинлигини билиш лозим. Амалга оширилиши мумкин бўлган барча муқобил вариантлар йўл қўйиладиган қийматлар соҳасини ташкил этади.

Қидирув жараёнини қўйиладиган вазифалари мавжуд:

йўл қўйиладиган соҳанинг тўлиқлигини текшириш.

алоҳида ғоялар (муаммоларни ҳал этиш юзасидан кўрсатмалар, ёндашувлар)ни мунтазам ва кўп томонлама қидириш;

йўл қўйиладиган соҳада муқобил вариантларни чеклаш (иккинчи даражали шароитлар мавжуд бўлганда амалга оширилиши мумкин бўлган муқобил вариантларни чиқариб ташлаш);

алоҳида ғояларни мустакил муқобил вариантларга айлантириш;

муқобил вариантлар таркибини ва алоҳида муқобил вариантларнинг ўзаро нисбатини таҳлил қилиш;

топилган муқобил вариантларни аниқ ифодалаш;

4.3. Корхонада режалаштиришнинг таркибий қисмлари



Режалаштириш тизими – бу режалаштириш алоҳида қисмларининг тартибга солинган таркибий тузилиши.

«Фольксваген» АЖ (VAG) заводининг **режалаштириш тизими** мисолида режалаштиришнинг ташкилий чизмасини кўрсатиб ўтамыз. Заводда режалаштириш учун барча бўлимлар ўзларига белгиланган вазифалар доирасида жавоб беради. Режалаштириш тизимининг таркибий тузилиши ижро этишга йўналтирилган бўлиб, бунда алоҳида режалар умумий режалаштириш доирасида контроллинг бўйича мутахассислар (назоратчилар) томонидан, режалаштириш бўйича конференцияларда ва турли комиссиялар ёки қўмиталар доирасида мувофиқлаштирилади.

Муддатларига кўра режалаштиришнинг қуйидаги босқичлари ажратилади:

- стратегик доиравий режалаштириш;
- узок муддатли режалаштириш;
- ўрта муддатли режалаштириш, бюджетни режалаштириш, ўзгариб турувчи қисқа муддатли режалаштириш.

Режалаштириш тизимларининг хусусиятлари. Комплекс тарзда режалаштириш тизимининг барпо этилиши ва қўлланилиши муносабати билан пайдо бўладиган корхона иқтисодиётининг маркази масаласи – бу режалаштириш тизимининг устунликлари тўғрисидаги масала. Бошқача айтганда, режалаштириш тизими корхона мақсадига эришишга қандай улush қўшини аниқлаш муҳим аҳамият казб этади. Ушбу масалани мақсадга эришиш кўрсакичлари, яъни натижалар бошқарувнинг алоҳида унсурлари бўйича фақат кардинал шкала бўйича ўлчаниши ва ушбу унсурлар билан шартли равишда мувофиқлаштирилиши мумкинлигига қарамасдан қўйиш лозим.

4.4. Қишлоқ хўжалигини режалаштиришда прогноزلашнинг аҳамияти


Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш бозор иқтисодиёти муносабатларига мос ҳолда, яъни бозорга ва истеъмолчига қаратилган ҳолда ташкил этиш лозим. Иқтисодиётнинг аграр секторини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш Ўзбекистоннинг бозорга ўтишдаги бутун стратегиясини ҳал қилувчи бўғиндир. Бу қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги ролидан келиб чиқади. Аҳолининг 60 % қишлоқ жойларда яшайди. Миллий даромаднинг 32 фоизидан кўпроғи бугунги кунда қишлоқ хўжалигидан олинади. Қишлоқ хўжалиги республика ҳаётини таъминлашнинг асоси, саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш учун шунингдек, экспорт ресурслари ва валюта тушумларининг энг муҳим манбаларидандир.

Хўжаликларда режалар аниқ ва илмий жиҳатдан асосланган бўлади. Чунки, ҳар бир хўжалик режани тузишда режалаштирувчи бўлимлар иқтисодий шарт-шароит ва имкониятларга, ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарувчи кучларни, фан ва техникани ривожлантиришда эришилган даражага асосланади. Режаларнинг аниқлиги хўжалиқда ташкилотчилик иши ва меҳнаткашларнинг ижодий ташаббуси билан таъминланади.

Истиқбол режада экин майдонларининг структураси, хўжалик тармоқларининг йўналиши, янги ерларни суғориш, яйловларга сув чиқариш, экин майдонларини кенгайтириш, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, моллар туёғини кўпайтириш, уларнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш каби тадбирлар кўрсатилади.

Истиқбол режаларни тузиш, бу ердан максимал даражада фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўплаб етиштириш ва маҳсулотларни кўпайтириш эвазига қорхона ишчиларининг моддий манфаатдорлигини янада яхшилаш учун имкониятлар очиб беради. Умуман хўжаликларнинг беш йилга мўлжалланган истиқбол режаларида жуда муҳим ташкилий-хўжалик масалалари ҳал қилинишини кўрсатилади.

5-Мавзу. ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ



5.1. Индикатив режалаштиришни ташкил этиш

Индикатив режалаштиришни ташкил этишда унинг таркибий унсurlari сифатида қуйидагилар иштирок этади:

- режани ишлаб чиқиш тартиби ва изчиллиги;
- ахборот тизими;
- ижрочилар.

Режалаштиришда ахборот йиғиш ишлари кўп жиҳатдан прогнозлаштиришни ташкил этишдаги худди шундай босқичга ўхшаб кетади. Бунда унинг фарқи кўпроқ хўжалик юритиш ички муҳитининг ахборотидан фойдаланишдан иборат.

5.2. Индикатив режалаштиришда иқтисодчиларнинг функциялари ва мажбуриятлари

Индикатив режалаштириш сифати кўп жиҳатдан мутахассисларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқ бу қуйидагилар билан белгиланади:

назарий тайёргарлик;

уларнинг интеллектуал ривожланганлиги;

тажриба ва малака;

режа – бу тегишли ҳаракатларни талаб қилувчи онгли равишда қабул қилинадиган қарорлар тизими эканлигини тушуниш;

қўлланиладиган тадбирларнинг оқибатларини олдиндан кўра билиш;

асосийсини кўра олиш қобилияти;

бизнес шароитида ташқи ва ички омилларнинг таърифи нисбатини топа олиш.

Режа кўрсаткичларини тасдиқлаш жараёни режа лойиҳасининг даставвал манфаатдор тузилмавий бўғинлар томонидан, сўнгра эса юқори раҳбарият томонидан муҳокама этилишини назарда тутати. Расмий режаларнинг тасдиқланиши баённома, буйруқ ёки фармойиш билан қайд этилади. Тасдиқланганидан кейин режалар ижрочиларга, яъни: таркибий бўлинмалар, бўлимлар, хизматлар ва алоҳида ходимларга етказилади. Режаларни бажариш ишлари бошланади ва бунда менежерлар катта рол ўйнайди.


Бозор муносабатлари шароитида режалаштириш бўйича асосий масъулият иқтисодчи-менежерлар зиммасига юклатилади. Агар иқтисодчиларнинг вазифаси режа кўрсаткичларини иқтисодий жиҳатдан асослашдан иборат бўлса, менежерлар вазифаси қаторига ушбу кўрсаткичларни муайян тижорат, технологик, кадрлар ва бошқа хусусдаги ҳаракатлар билан талқин этиш киради. Лекин бири иккинчиси билан узвий боғланган. тарздаги ўқув ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Меҳнат жамоасида режа ҳисоб-китобларини асослашда ижод қилиш, янгиликни қидириб топиш, ишларнинг аҳволини такомиллаштириш чораларини қўлаш учун барча шароитлар яратилиши керак. Ушбу мақсадларда муайян муаммоларни ҳал этишга нисбатан ёндашувларни тадқиқ этиш учун турли хизматлар ходимларидан таркиб топган вақтинчалик қидирув гуруҳларини ташкил этиш мумкин.

5.3. Иқтисодий кўрсаткичларини индикатив режалаштиришда ахборот технологияларининг устунликлари

Ҳозирги замонда компьютер кўплаб касблар ходимлари меҳнат воситаларининг ажралмас қисмига айланди. У прогноزلаштириш ва режалаштириш масалалари билан шуғулланувчи иқтисод ходимлари томонидан ҳам фаол қўлланилади. Информатиканинг ахборотни олиш ва қайта ишлаш усуллари ва воситалари бўйича амалий даражасини акс эттирувчи, билимларнинг муайян соҳаларида назарияни амалиётда қўллаш соҳасини қамраб олувчи ахборот технологиялари иқтисодий олдиндан кўра билишнинг кўплаб масалаларини оқилона ҳал этиш имконини беради.

Иқтисодий ҳисоб-китобларда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг афзалликлари нималардан иборат? Ахборот технологиялари жаҳон эволюциясининг ўзига хос катализатори сифатида иштирак этади. Фан-техника тараққиётининг ривожланиш ва унинг натижаларидан ҳўжалик амалиётида фойдаланиш жараёнини акс эттирган ҳолда ахборот технологиялари жамиятда иқтисодий ўсишнинг муҳим воситасига айланиб бормоқда. Ахборот технологияларини иқтисодий асослашларда қўллаш ҳисоб-китобларни тезлаштириш ва уларнинг аниқлигини оширишнинг гарови бўлмоқда.



Эғалик қилиш умумий қийматини пасайтириш бошқарувнинг турли вазифалари, шу жумладан прогноزلаштириш ва режалаштириш учун қўлланилиши мумкин бўлган ахборот тизимини танлашга боғлиқ. Бироқ ушбу вазифалар, одатда, бухгалтерия ҳисоби дастурлари мавжуд бўлган тақдирда ҳал этилади.

6-Мавзу.
ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА
ИҚТИСОДИЙ ҲОДИСАЛАРНИНГ
ТАМОЙИЛЛАРИ

6.1. Индикатив режалаштириш функциялари

Индикатив режалаштириш бозорнинг мустақил субъектларини давлат билан мутаносиб асосларда ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб қилиш усули ҳисобланади. У товар ишлаб чиқарувчилар, харидорлар ва умуман бозорга таъсир этишнинг иқтисодий воситаларидан фойдаланишга асосланиб, давлат ва хусусий сармоя манфаатларини уйғунлаштириш имконини беради.

Индикатив режа иккита асосга таянади. Бир томондан, у дастурлар ёки алоҳида кўрсаткичларни ишлаб чиқиш учун йўналтирувчи ахборот ҳисобланади. Бу борада у тавсиявий хусусиятга эга: кўрсаткичлар стратегия ёки иқтисодий ҳаракат тўғрисида қарорлар қабул қилишда индикаторлар сифатида фойдаланилади. Индикатив режа қамраб олган ҳўжалик юритувчи субъектлар учун унинг кўрсаткичлари мажбурий ҳисобланади, чунки уларни бажармаслик режада қўйилган вазифаларнинг бажарилмаслигига олиб келади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш индикаторлари сифатида иқтисодиётнинг динамикаси, таркиби ва самарадорлигини; молия-кредит сиёсатининг ҳолатини; товарлар ва қимматли қоғозлар бозори, валюта бозорининг ҳолатини; нархлар ҳаракатини; аҳолининг бандлиги ва турмуш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлардан фойдаланилади.

6.2. Индикатив режалаштириш методологиясининг асосий қоидалари

Режалаштириш мантиғи қатор қонуниятларга (тамойилларга) асосланади.

Режалаштириш тамойили – ривожланиш қонунларининг умумий ҳаракатини ифодаловчи ҳамда дастурлар, лойиҳалар ва режаларнинг вазифаларини, йўналишларини ва бажарилиш имкониятларини белгилаб берувчи объектив категория.

Стратегик дастурлар ва режаларнинг илмий асосланганлиги ва самарадорлиги қуйидагиларни аниқлатади:

- режаларни ишлаб чиқиш технологиясини такомиллаштириш.

- стратегик режаларни тузиш ва ҳисоблаб чиқиш учун режа айлантиришнинг ишончлилиқ даражасини ошириш;

- иқтисодиётни, ишлаб чиқаришни таркибий қайта қуриш, унинг ижтимоий йўналиштирилишини, меҳнат самарадорлигининг юқори даражасини таъминлаш мақсадида режалаштиришда фан-техника тараққиёти ютуқларидан амалда фойдаланиш;

- жамиятнинг ўзгараётган эҳтиёжларига тезда мослашиш;

Бундан ташқари, индикатив режалаштириш қуйидаги учта ўзига хос ёки локал тамойилга таянади:

3) дастурлар ва режаларни ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилиш имкониятини таъминлаш ва бажарилишини текшириш жараёнининг ягоналиги тамойили.

1) етакчи бўғинларни ажратиш асосида оптимал мутаносибликни таъминлаш тамойили;

2) прогнозлар, дастурлар ва режаларнинг ягоналиги ва мажмуийлиги тамойили;

Етакчи бўғинларни ажратиш асосида оптимал мутаносибликни таъминлаш тамойилининг моҳияти оптималлик мезонлари: а) стратегик режалаштириш муаммоларини ҳал этиш учун зарур бўлган вақт; б) режа қарорларини амалга ошириш учун талаб этиладиган капитал қўйилмалар ҳажми, ёки моддий ресурслар ҳажми; в) режа вазифасини ҳал этиш учун зарур бўлган ходимлар сонидан келиб чиққан ҳолда бошқарувнинг тегишли субъектлари томонидан бошқарилаётган кичик тизимнинг таркибий унсурлари ўртасида улуслар ва мувофиқликларни шакллантиришдан иборат.

6.3. Иқтисодий инновациялар ва режалаштириш тажрибалари

Ҳеч бир давлат иқтисодий тизимнинг беқарорлиги билан боғлиқ хатарлардан ҳимояланмаган. Бироқ ўтиш ва ривожланаётган иқтисодиётлар бундай хатарларга тез-тез дучор бўлади, чунки уларнинг бозорлари очиқ, лекин шу билан бирга молиявий беқарорлик пайдо бўлиши омиллариининг таъсирини юмшатовчи механизмлар шаклланмаган.

6.4. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт концепциялари

Белгиланган тартибга мувофиқ давлат прогнозлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозлари демографик, илмий-техникавий, экологик, иқтисодий, ижтимоий, шунингдек тармоқ, минтақавий ва фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа соҳаларини акс эттиради.

Қисқа муддатли истиқбол учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози ҳар йили ишлаб чиқилади. Қисқа муддатли истиқбол учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари;

- Ижтимоий ривожланиш;

- Фаннинг ривожини;

- Бюджетдан ташқари ва мақсадли бюджет фондларининг маблағларини шакллантириш ва сарфлаш;

7-Мавзу. ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

7.1. Индикатив режалаштиришда умумий ёндашувлар

Ҳар қандай фан методологияси умумий дунёқараш, умумий методологик тамойиллар, билишнинг умумий илмий усуллари ва ўзига хос, хусусий методология бирлигини ўзида намоён этади. Методология – бу ҳақиқатни билиш ва ўзгартириш мақсадида тадқиқот ўтказиш усулларининг йиғиндисидир. Режалаштириш методологияси индикатив режалаштиришнинг илмий асоси ҳисобланади. Режалаштириш методологияси – бу амалий фаолиятда иқтисодийнинг ривожланишини белгилаб берувчи қонунлардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш воситасидир; режалаштириш муаммоларини ҳал этиш усуллари ва уларни амалиётга жорий этиш усулларини ишлаб чиқиш.

Методологик ёндашув – бу барча даражадаги прогнозлар, дастурлар, режалар ва вақт горизонтларини ишлаб чиқишда стратегик режалаштириш мантиғи, тамойиллари ва усулларида фойдаланишнинг яхлит йўналиши.

Индикатив режалаштириш режалаштиришга нисбатан умумий методологик ёндашувлардан фойдаланишни инкор этмайди, лекин бунда уларга режалаштиришнинг ўзига хос функциялари билан шартланган тузатишларни киритади (тизимли ёндашув, режалаштиришнинг ўзини ўзи ривожлантирувчи интерактив схемаси, ўзи ўқиб, ўрганувчи концепция ва режалаштиришнинг мослашувчан тизими).

Аввалги тажрибани ҳисобга олиш ва режа қарорларининг изчиллиги реактив ёндашувнинг афзаллиги ҳисобланади. Реактив режалаштиришнинг камчиликлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– режалаштириш тизимларининг таркибий ўнсurlари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги;

– ташкилотлар хўжалик фаолияти умумий самарадорлигининг пасайиши;

– бошқарувнинг бюрократик тизими.

7.2. Индикатив режалаштиришда тизимли ёндашув

Тизимли ёндашув моҳияти тизимлар умумий назарияси талабларини амалга оширишдан иборат бўлиб, унга кўра ҳар бир объект уни тадқиқ этиш жараёнида катта ва мураккаб тизим сифатида ва бир вақтнинг ўзида, умумий тизим ўнсури сифатида кўриб чиқилиши лозим.

Тизимли-мажмуавий ёндашув – турли ижтимоий тизимлар (мажмуалар) – корхоналар, минтақалар ва жамиятга нисбатан тизимли ёндашувни аниқлаштириш. Ҳар бир мажмуа мураккаб динамик тизим сифатида ва даражаси бўйича янада юқори тизимнинг ўнсури сифатида кўриб чиқилади. Бунда ўнсурий, таркибий, функционал, мақсад, ресурс, коммуникатив ва тарихий жиҳатлардан фойдаланилади.

Тизимли-динамик ёндашув – индикатив режалаштириш объектларини ривожлантириш, сифат хусусиятларини чиқиш ва асослашга нисбатан тизимли ёндашувни аниқлаштириш.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш индикаторлари сифатида иқтисодиётнинг динамикаси, таркиби ва самарадорлигини; молия-кредит сиёсатининг ҳолатини; товарлар ва қимматли қўғозлар бозори, валюта бозорининг ҳолатини; нархлар ҳаракатини; аҳолининг бандлиги ва турмуш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлардан фойдаланилади.

8-Мавзу.
ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШДА
ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШНИНГ СЦЕНАРИЙ
ШАРТЛАРИНИ АНИҚЛАШ

8.1. Сиёсий қарорлар вариантларининг ижтимоий-иқтисодий тизимлар ривожланишига таъсири

Сценарий шартларини ишлаб чиқиш, одатда, иккига вариантда амалга оширилади:

1-вариант - базовий - прогноз қилинаётган даврда иқтисодиётни ривожлантириш тенденциялари ҳамда ташқи ва ички шартларини сақлаб қолган ҳолда инерцион ривожланиш варианты.

2-вариант - асосий - прогноз қилинаётган даврда минтақавий даражада бошқарувчи таъсирлар тизimini қўллаш варианты.

Сценарий шартларини ишлаб чиқишда қуйидаги вазифаларни ҳал этишга эътиборни қаратиш зарур:

аҳолининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган давлат таъсири чора-тадбирларининг мажмуини ишлаб чиқиш ва асослаш;

давлат бюджети ва минтақавий бюджетларнинг барқарор тўлдирилишини таъминлаш мақсадида иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш;

ишлаб чиқариш ва инфратузилмани янгилаш мақсадида инвестиция фаолиятини рағбатлантириш;

кичик тадбиркорликни ривожлантириш;

корхоналарнинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш, кредиторлик қарзларининг миқдорини пасивитириш, корхоналарнинг асосий ва айланма сармоясини молиялашга жалб этиладиган кредит ресурсларининг ҳажмини ошириш чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириш;

Инвестицияларни шакллантиришнинг барча манбаларини: корхоналар маблағлари; кучмас мулк муомаласи; аҳоли жамғармалари; хорижий инвестициялар; давлат ва минтақавий бюджетлар маблағлари ва бошқа манбаларини сафарбар этиш муҳим вазифа ҳисобланади.


8.2 Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясини таркиби

Иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш вазифаси ва унинг асосида ётувчи иқтисодий сиёсат концепцияси – бу мавжуд тузум доирасида энг юқори фаровонликка эришиш мақсадида кўп сонли ва турли манфаатлар ўртасида келишиладиган муроса.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш босқичлари. Давлат иқтисодий сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш қуйидаги унсурларга асосланади:

1. Иқтисодиётда ишларнинг аҳволини таҳлил қилиш. Давлатнинг оқилона иқтисодий сиёсати шундан бошланади. Таҳлил муайян ҳўжалик даражасида амалга оширилади, мамлакат, тармоқ, минтақа, соҳа иқтисодиётидаги «оғриқли нуқталар» ажратилади, муаммоларни ҳал этишнинг муддатлилиги, салбий ҳолатларга барҳам бериш ёки бермасликнинг муқобил оқибатлари баҳоланади.

2. Мақсадларни ишлаб чиқиш ва асослаш. У умуман барча мумкин бўлган мақсадларни аниқлашдан бошланади. Сўнгра ҳар бир мақсаднинг хусусияти аниқланади; у дастлабки, оралиқ ёки якуний, миқдорий ёки сифат, қисқа муддатли ёки ўрта муддатли мақсадларга тааллуқли. Айрим мақсадлар бир вақтнинг ўзида турли хусусиятларга эга бўлиши мумкин, ушбу ҳолатда улар ичидан ҳозирги вазият нуқтаи назаридан энг асосийларини ажратиш лозим.



**9-Мавзу.
МИНТАҚАЛАРНИНГ
ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШИДА ИНДИКАТИВ
РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ
МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

9.1. Минтақавий индикатив режалаштириш - минтақа бошқарув тизимининг асосий унсури

Макроиқтисодий мувазанат ва барқарорлашувни таъминлаш учун давлат минтақавий сиёсатини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Уни амалга ошириш зарурати шу билан боғлиқки, ҳар қандай мамлакат кўплаб курсаткичлар бўйича фарқ қилувчи ҳудудлар йиғиндисини узида намоён этади.

Қуйидагилар шулар жумласига киради:

- табиий ресурслар (хомашё базаси ва фойдали қазилмалар)нинг мавжудлиги;
- аҳоли зичлиги, меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва сифати;
- ишлаб чиқариш таркиби;
- ижтимоий соҳанинг ҳолати;
- юқори даражада ривожланган саноат ва маданий марказларгача бўлган масофа.

Минтақавий дастурлаштириш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида йиғма дастурларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш методикаси индикатив режалаштириш воситаларидан фойдаланишни талаб қилади. Бугунги кунга келиб минтақавий дастурлаштириш жаҳон амалиётида назарий тадқиқотлар борасида катта тажриба тўпланган.

9.2. Минтақавий режаларни ишлаб чиқишнинг асосий йўналишлари


Мақсадли комплекс дастурни ишлаб чиқиш асносида минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш жараёнининг ўта муҳимлигини таъкидлаш зарур. Дастурда белгиланадиган устувор йўналишларнинг тўғри танланиши барча саъй-ҳаракатлар ва ресурсларни иқтисодий ривожланиш салоҳиятини амалга оширишга қаратиш ва бу билан дастурий тадбирларнинг самарадорлигини таъминлаш имконини беради.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнига таъсир кўрсатиш белгиси бўйича индикаторларни иккита гуруҳга бўлиш мумкин:

- ижобий жараёнларни ёритувчи индикаторлар.

- салбий жараёнларни ёритувчи индикаторлар.

Минтақавий режалаштиришнинг «мақсадлар дарахти» учта даражадан таркиб топган



9.3. Минтақани комплекс тарзда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури

Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини шакллантириш алгоритмини қуйидагича тарзда намоян этиш мумкин.

Чет эл амалиётида минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини шакллантиришга нисбатан турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар асосида индикаторларнинг уч даражали поғонасини шакллантириш мумкин.

9.4. Минтақавий режаштириш амалиётидаги асосий муаммолар. Ўзбекистонда минтақавий режаштириш амалиёти

Минтақавий сиёсат кўплаб мураккабликларга эга бўлиб, улар ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий омиллар билан белгиланган. Минтақалар қатта ҳуқуқлар ва ҳаракатлар эркинлигига эга бўлиши билан давлат ва минтақалар ўртасида ҳам, ҳудудлар манфаатлари ўртасида ҳам зиддиятлар келиб чиқиши муқаррар.

Давлатнинг минтақавий иқтисодий сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий нормалар тизимини барпо этиш, минтақавий ривожланишни давлат йўли билан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш лозим.

Минтақавий сиёсатни амалга оширишда барча мамлакатлар ўзига хос муаммоларга дуч келишади. Минтақавий сиёсат таркибий сиёсат билан мураккаб ўзаро боғлиқликка эга. Улар бир-бирини тўлдириши ҳам, бир-бирига зид бўлиши ҳам мумкин. Агар кўп тармоқли ишлаб чиқаришга эга бўлган ҳар томонлама ривожланган минтақаларни оладиган бўлсак, иқтисодиёт таркибини яхшилаш унинг ривожланишига ёрдам беради.

Фан-техника тараққиёти ва саноатнинг иккита шартли гуруҳга (илғор ва қалоқ тармоқларга) ажралиши шароитида ҳукуматнинг илғор тармоқларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари шунга олиб келадики, кўплаб янги тармоқларга эга бўлган минтақаларда ривожланиш учун умумий туртки кучаяди.

10.1. Бюджетлаштириш ва бюджетнинг асосий тушунчалари

10-Мавзу. МОЛИЯВИЙ ОҚИМЛАР ИНДИКАТИВ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Давлат томонидан ўз зиммасига юклатилган функцияларнинг бажарилиши унда зарур молиявий ресурсларнинг мавжудлиги билан боғлиқ, бу биринчи навбатда давлатда ҳосил бўладиган пул маблағлари бир қисмининг бюджетда жамланишини талаб қилади.

Муносабатлар ҳокимият органлари томонидан ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган молия-бюджет сиёсатига мувофиқ қурилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ваколатларига, яъни бюджет жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган органлар бюджет жараёнини амалга оширади. Қуйидагилар ана шундай ваколатларга эгадирлар:

• ижроия ва вакиллик ҳокимияти органлари;

• молия ва солиқ органлари;

• пул-кредитни тартибга солиш органлари ва давлат молия назорати органлари;

• бюджет маблағларининг бош тақсимловчилари ва бюджет маблағларининг тақсимловчилари;

Бюджет жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

• бюджет ижросини таҳлил ва назорат қилиш.

• йиғма молиявий режалаштириш ва прогноз қилиш;

• бюджет йили мобайнида бюджетни ижро этиш;

• бюджет лойиҳасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

10.2. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати ва уларни бошқаришда бюджет ресурсларининг аҳамияти

Давлат молияси ёрдамида ва унинг ҳисобидан умумий талаб рағбатлантирилади; таркибий ва илмий-техник сиёсат амалга оширилиб, иқтисодиёт барқарорлаштирилади. Давлат молияси воситасида турмушнинг маълум даражасига эришишни таъминловчи ижтимоий дастурлар ва тадбирлар амалга оширилади. Молиявий сиёсатнинг асосий вазифаси умумий талаб билан умумий таъкиф ўртасида макроиқтисодий барқарорликка эришишдан иборат.


Бюджет қуйидаги вазифаларни бажаради:

- пул маблағларининг марказлаштирилган фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш.

- бюджет соҳасини молиявий таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш;

- ЯИМни қайта тақсимлаш;

- иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш ва рағбатлантириш;



Бюджет даромадлари – давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ихтиёрига беғараз ва қайтаришсиз тартибда келиб тушувчи пул маблағлари.

Бюджет даромадларини шакллантириш жараёнида ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ЯИМнинг бир қисми давлат фойдасига мажбуран олиб қўйилади. Шу асосда давлатнинг солиқ тўловчилар билан молиявий муносабатлари пайдо бўлади.

Бюджет харажатлари – давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вазифалари ва функцияларини молиялашга йўналтириладиган пул маблағлари.

Бюджет харажатлари орқали бюджетдан маблағ олувчилар – бюджет маблағларининг олувчилари ёки тақсимловчилари ҳисобланган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасининг ташкилотлари молияланади. Бюджет харажатлари ҳисобидан дотация, субвенция, субсидия ва бюджет ссудалари орқали бюджет тизимининг даражалари бўйича бюджет маблағлари қайта тақсимланади.

10.3. Давлат бюджети режаси ва бюджетни режалаштириш шакллари

Ялпи ички маҳсулот айланиши моддий-ашёвий ва қиймат шаклида амалга ошади.

Ялпи маҳсулотнинг қиймат шаклида айланиш жараёнида молиявий ресурсларни ҳосил қилиш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва истеъмол қилиш юзасидан молиявий муносабатлар юзага келади. Молиявий ресурсларни ҳосил қилиш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларини бошқариш *молиявий режалаштириш* ёрдамига амалга оширилади, пул маблағлари эса унинг объекти ҳисобланади.

Умумдавлат ва ҳудудий даражаларда молиявий режалаштириш қиймат ифодасидаги моддий ва меҳнат мувазанати билан боғланувчи *молиявий режалар тизими* билан таъминланади. Ҳар бир молия йили бошқарувнинг муайян бўғинида молияни ташкил қилиш ва бошқариш вазифаларини ҳал қилади.

Молиявий режалар тизимига қуйидагилар киради:

- истиқболли молиявий режалар;
- бошқарувнинг умумдавлат ва ҳудудий

даражаларида тузиладиган йиғма молиявий баланслар.


Истиқболли молиявий режалаштириш ҳокимиятнинг барча даражаларида қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ҳамда молиявий сиёсатни мувофиқлаштиришни таъминлаш;

- режалаштирилаётган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган молиявий ресурслар ҳажмини прогноз қилиш;

- ислохотлар, дастурларнинг молиявий натижаларини прогноз қилиш;

- молия соҳасидаги турли тадбирларни амалга ошириш имкониятларини аниқлаш.



11-Мавзу. ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ

11.1. Демографик прогноз қилишнинг моҳияти

Демографик прогноз қилиш – бу аҳоли ҳаракатининг асосий параметрлари ва демографик вазият: аҳоли сони, ёш-жинс ва оилавий таркиби, туғилиши, ўлими, миграциясини илмий асосланган олдиндан кўра билиш демакдир. Демографик прогноз қилиш зарурати умуман ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш ва режалаштириш вазифалари билан боғлиқ. Олдиндан демографик прогноз қилмасдан туриб товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш, уй-жой қурилиши, ижтимоий инфратузилма, соғлиқни сақлаш ва таълим, пенсия тизимини ривожлантириш, геосиёсий муаммоларни ҳал этиш ва ҳоказоларнинг истиқболини тасаввур қилиб бўлмайди.

Техник нуқтаи назардан олиб қаралганда, демографик прогноз қилиш одатда аҳолини истиқболли ҳисоблаб чиқиш, яъни ўтмишда демографик хусусиятларнинг (аҳоли сони, демографик тузилмалар, туғилиш, ўлим) ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар асосида, шунингдек уларнинг келгусидаги динамикасига нисбатан қабул қилинадиган тахминларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли сони ва ёш-жинсий таркибини ҳисоблаб чиқиш кўринишида иштирок этади. Бундай турдаги ҳисоб-китоблар одатда аҳолининг энг эҳтимолий ўзгаришлари чегараларини белгиллаган ҳолда бир неча вариантларда амалга оширилади.

Аҳолининг репродуктив, ўзини асраш ва миграция ҳаракатлари ўзгаришининг тенденциялари ҳақида тўғри, илмий асосланган тахминлар, прогноз аниқлигининг муҳим шarti ҳисобланади, улар ҳақидаги маълумотларни махсус ташкил этилган ижтимоий-демографик тадқиқотлар ёрдамида олиш мумкин. Ушбу тенденциялар ҳақидаги фаразларни олға суриш гоят қизиқарли илмий вазифага айланиб бормоқда.

11.2. Демографик прогнозлар таснифи

Прогноз горизонтининг узунлиги ва прогноз даврининг узоклиги демографик прогнозларни таснифлашнинг биринчи мезони ҳисобланади. Одатда қисқа муддатли (1-5 йил), ўрта муддатли (5-10 йил) ва узоқ муддатли (25-30 йил) демографик прогнозлар мавжуд. Прогноз горизонти қанчалик кенг бўлса, прогнозлар шунчалик аниқ ва ишончли бўлади. Мамлакатимизда қисқа ва ўрта муддатли демографик прогнозлар мунтазам равишда ишлаб чиқилиб, шўролар даврида улар асосида беш йиллик режалар (қисқа муддатли прогнозлар) ва 15-20 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишлари белгиланарди.

Норматив прогнознинг асосий мақсади— демографик жараёнларнинг айрим кўнгилли ҳолатига эришиш учун муайян тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Норматив прогноз қилишда демографик вазият ва демографик жараёнларнинг кўнгилли ҳолатлари тўғрисида қатор фиклар билдирилади: аҳолининг исталган сони, туғилиш, ўлимнинг мақбул даражаси ва ҳ.к. Шундан кейин ушбу кўнгилли ёки норматив, мақсадли параметрларга эришиш учун кўрилиши лозим бўлган чоралар белгиланади.

Қуйидагилар
функционал
прогноزلарг
а мисоллар
бўла олади:

– товарлар ёки
хизматларнинг у ёки
бу турларига бўлган
талабни прогноз
қилиш. Масалан,
туғилишнинг
прогноз
тенденцияларини
ҳисобга олганда
болалар товарларига
бўлган истеъмол
талабнинг бўлажак
динамикасини
баҳолаш. Ёки
аҳолининг
қарияларнинг
ҳисобга олганда
қариялар учун
қўндалик
ишлатиладиган
товарларни прогноз
қилиш;

– электорал
прогноз.
Келажак учун
сайловчилар
сони ва
таркибини
аниқлаш, у
ёки бу партия
сайловларида
ғолиб чиқиш
истикболлари
ни баҳолаш
ва Ҳ.К.;

– таълим
тизимининг
турли
босқичларида
ўқувчиларнинг
сони ва
таркибини
прогноз қилиш.
Шу асосда,
ўқитувчилар
талаб
этилатган сони
ва таълим
жараёнининг
моддий базаси
баҳоланади.
Аҳолининг
таълим
даражасини
прогноз қилиш;

бандлар сонини ва таркибини прогноз қилиш. Уларнинг касб–малака ва бошқа
таркибини баҳолаш. Неъматлар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг эҳтимолий
ҳажмининг прогноз қилиш;

– аҳолининг сони ва жинс–ёш таркиби, касалланиш динамикаси асосида
соғлиқни сақлаш эҳтиёжларини прогноз қилиш. Тиббиёт ходимларининг
(мутахассисликлар ва малака даражаси бўйича) талаб этиладиган сонини,
шунингдек соғлиқни сақлашнинг зарур моддий базасини аниқлаш;

– пенсионерлар ва бошқа ижтимоий хизматлар миқдорлари сонининг
динамикасини прогноз қилиш;

– қуролли кучлар сафига жалб этилиши мумкин бўлган шахсларнинг сони ва
таркибини аниқлаш.

11.3. Аҳоли ўсишини прогноз қилиш усуллари

Математик функцияларни қўллашга асосланган усуллар. Айниқса улар учун ишончли демографик статистика мавжуд бўлмаган кичик ҳудудлар (масалан, у ёки бу мамлакат минтақалари) ушбу тоифа усуллари қўллаш учун асос ҳисобланади. Мамлакат даражасида аҳолини прогноз қилиш учун математик усуллар камдан-кам ҳолларда қўлланилади, чунки ушбу усулларга хос бўлган аҳоли сони ўсишининг таркибий қисмларидаги ва ёш-жинс таркибидаги ўзгаришларни ҳисобга олмаслик прогноз қилишда катта ҳатоларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Прогноз қилиш учун турли математик функцияларни қўллаш мумкин. Бироқ, кўпинча чизиқли, экспоненциал ва мантикий функциялардан фойдаланилади. Бунда чизиқли ва экспоненциал функцияларни қўллашга асосланган прогноз қилиш баъзан шартли равишда экстраполяцион усул деб, мантикий ва бошқа функцияларни қўллашга асосланган прогноз қилиш эса тахлилий усул деб номланади. Қуйида экстраполяцион ва тахлилий прогноз қилишнинг асосий усуллари кўриб чиқамиз.

11.4. Аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини индикатив режалаштириш

11.4.1. Режалаштиришда инсоният ривожланишининг индикаторлари

Ижтимоий сиёсатнинг самарадорлигини аҳолининг турмуш даражаси кўрсаткичи билан баҳолаш мумкин. Турмушнинг барча томонлари динамикасини назорат қилиш, уни ўтган даврлар ва бошқа мамлакатлар билан, шунингдек, юзага келган оқилона илмий нормалар билан солиштириш имконини берувчи турмуш даражаси индикаторларининг тизими саломатлик кўрсаткичлари ва соғлиқни сақлаш, бандлик, овқатланиш, уй-жой шароитлари кўрсаткичларини, рўзгор буюмларининг мавжудлигини, маданият даражаси, пуллик хизматлар кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Мамлакат қўламлигида консенсусни таъминлаш ижтимоий ҳамкорлик механизмининг функцияларидан бири ҳисобланади. Мазкур функцияни бажариш учун иқтисодий ва ижтимоий кенгашлар ҳукумат ва парламентга ижтимоий муаммоларга тааллуқли қонун ҳамда қарорлар лойиҳалари бўйича мунтазам маслаҳат бериб туриш баробарида, меҳнат муносабатлари субъектларининг манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий адолат ўрнатиш юзасидан уйғунлаштирилган сиёсатни ишлаб чиқади.

12-Мавзу.
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА
ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШНИ
ИНДИКАТИВ
РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ
ҲОЛАТИ

12.1. Ишлаб чиқариш ва унинг асосий
соҳаларини индикатив режаштиришнинг
ижтимоий–иқтисодий ривожланиши

Комплекс таҳлил қуйдагиларни очиб бериши зарур:

тасдиқланган дастурларни амалга ошириш ва янгиларини ишлаб чиқиш бўйича ҳукумат қарорларининг ижро этилишини;

ишлаб чиқариш қувватини, иқтисодиёт ривожланишининг ички ва ташқи тенденцияларини, иқтисодий сиёсат ва давлат меъёрлаштириш тизимлари натижаллиги ҳолатини;

ишлаб чиқариш қувватларининг таркиби ва динамикасини, шунингдек шу жараёнларга таъсир этувчи омилларни ҳамда жаҳон иқтисодиёти ривожланиши билан таққосланиши;

Прогноз вариантларида:

иқтисодиёт ривожланишининг мақсадлари ва устуворликлари;

таркибий ва инвестицион сиёсатнинг йўналишлари;

илмий техник тараққиёти ривожланиши;

Республкада иқтисодиётнинг ижтимоий чегарлари ва бошқа таянч саволлари қайта кўриб чиқилади.

Мазкур босқич вазифаларини амалга ошириш учун марказий иқтисодий органларнинг илмий экспертлар, раҳбар ходимлар ҳамда тажрибали мутахассислари таркибида ташкилотлараро ишчи гуруҳ ташкил этилади.

Ташкилотлараро ишчи гуруҳ вазифаларига прогнознинг бир қанча сценарли вариантларини ишлаб чиқиш ва ҳар хил мақсадли устуворликларини ҳамда сиёсат воситалари ўзгариши негизда уларнинг мувозанатини таъминлаш киради.

12.2. Индикатив режа тузишда иқтисодий органларнинг функционал ҳамкорлиги

Макроиқтисодий прогнозларни тайёрлашда Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий Банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ ва Давлат мулки қўмиталари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо ва бошқа вазирлик ҳамда ташкилотлар, Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари, концернлар, компаниялар, уюшмалар, ҳиссadorлик жамиятлари ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар қатнашадилар.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг индикатив режаларини ишлаб чиқишга доир ишларни умумий мувофиқлаштириш, индикатив режаларни ишлаб чиқишда иқтисодий органларнинг ишларини ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига юклатилади.

Иқтисодиёт вазирлиги – ўрта муддатли истиқбол учун иқтисодиётнинг реал сектори ривожланиши таҳлили ва прогнози, улар қўйидагиларни ўз ичига олади:

иқтисодиётнинг ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш ва ривожланиши истиқболлари;

жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги тенденциялар;

иқтисодиёт тармоқлари ва секторларидаги иқтисодий ўсиш ва ички талаб ривожланишини баҳолаш;

инфляция даражаси ва антиинфляция сиёсатининг кўрсаткичлари;

Марказий Банк – асосий пул-кредит агрегатлари ва пул-кредит сиёсатини асосий йўналишлари бўйича таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини, банк тизими актив ва пасив баланс кўрсаткичларини, монетаризация даражасини тайёрлайди.

Молия вазирлиги – Давлат бюджетининг даромад ва харажатлари ва бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари: бюджетнинг даромад ва харажат кўрсаткичлари, давлатнинг ташқи қарзи, бюджет дефицити ва уни молиялаштириш бўйича таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини тайёрлашни амалга оширади.

12.3. Режаларни амалга ошириш механизмлари ва воситалари

Индикатив режалаштиришнинг самарадорлиги, унинг иқтисодиётга умумий ижобий таъсир даражаси билан аниқланади. Бунда индикатив режанинг мақсадларига эришиш механизмлари ва воситаларини тўғри танлаш аҳамиятли ролни ўйнайди. Жаҳон тажрибасини ўрганиш Ўзбекистонда ҳам фойдаланиш мумкин бўлган индикатив режаларни самарали амалга ошириш учун давлат томонидан фойдаланиладиган қўйидагини аҳамиятли механизм ва воситалар сифатида ажратишга имкон беради.

Шунинг билан бирга, жуда аҳамиятли бўлган нарсаси, режани, унинг кучли ва заиф томонларини узоқ муҳокама қилиш мобайнида, бу жараён қатнашчилари янги шартлар доирасида ишлаш шартлари белгиланади. Шунинг натижасида бу уларга янги шартларга тез мослашишга, шунингдек башорат даврида давлатнинг янги стратегиясини ҳисобга олиб унга мос ҳўжалик ҳаракати учун зарурий институционал, молиявий ва бошқа чораларни амалга ошириш имконини беради.

Кенгайтирувчилар бўлиб индикатив режаларни ишлаб чиқишда кенг иштирок этиш ва улар ҳақида маълумот бериш назарда тутилади. Чекловчилар бўлиб, белгиланадиган нормативлар ва бюджет чегаралари ҳисобланади.

Йўналтирувчилар бўлиб – макроиқтисодий сиёсатнинг прогнози ва шаклландуриш шартлари мақсадли ва инвестицион дастурлар ҳисобланади.

Ижтимоий сиёсат. Индикатив режаларда назарда тутилган ижтимоий сиёсат. Мақсадли ижтимоий дастурлар, ижтимоий нормативлар (энг кам иш ҳақи, нафақа ва х.к.), шунингдек ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга бюджет харажатлари орқали амалга оширилади. Демак қатъий айтадиган бўлсак, давлат ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонида индикатив режаларни тушуниш механизмини шунга мос равишда уларни тўғридан-тўғри усуллари эмас, балки кенгайтириш-чеклаш-йўналтирувчи механизми орқали амалга ошириш шартларини ишлаб чиқади.

III. ФАНИИ ЎҚИТИШНИНГ ИНТЕРАКТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

3.1 ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРҲИ

1. Маъруза машғулотларини ташкил этишнинг асосий шакллари

Маъруза машғулоти – ОЎЮда билимларни бирламчи эгаллашга йўналтирилган ўқитишнинг асосий шакли ҳисобланади.

Маъруза ўқитишни назарий асосини таъминлаб бериш, ўқув фаолиятига ва аниқ ўқув фанига қизиқишни ошириш, талабаларга ўқув курси бўйича мустақил ишлаш учун йўналишларни шакллантиради.

Маъруза материалларининг мазмуни ва ҳажмига талаблар

Маъруза материалларининг мазмуни қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- янгилик, илмийлик, асослилик ва ахборот учун белгиланганлик;
- аниқ, ишончли асосли ва илмий далилларнинг мавжудлиги;
- фактга асосланган (статистик ва в.х.) материалларни кўп эмаслиги.

Маъруза материалларининг ҳажми режалаштирилган мавзунини ёритиш учун етарли бўлиши керак.

Маърузалар турлари вауларга хос хусусиятлар

Ўқув машғулотнинг мақсади	Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари
Кириш маърузаси	
Фан доирасида ўқув ахборотини ўзлаштириш бўйича талабалар ҳаракатининг йўналтирувчи асосини таъминлаш.	Таълим бериш тузилишида мотивацион босқич ҳисобланади. Унинг вазифаси – ўқув фани мазмуни, унинг ўқув жараёнидаги ўрни ва келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятдаги ахамияти тўғрисида дастлабки тасаввурларни бериш, талабаларни ишлаш тизимида йўналтириш, олдинда турган мустақил ишнинг услубиёти ва ташкиллаштирилиши билан таништириш, ҳисобот бериш вақти ва баҳолашни аниқлаштириш.
Ахборотли маъруза	
Ўқув мавзу бўйича тасаввурни шакллантириш	Бу анъанавий маъруза тури: маъруза режасига мувофиқ ўқув материални монологик тарзда изчилликда баён этиш.
Муаммоли маъруза	
Муаммони белгилаш ва уни ечимини топишни ташкиллаштириш/анъанавий ва замонавий нуқтаи назарларни жамлаш ва таҳлил қилиш ва в.х. орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/билимларни шакллантириш.	Янги билимлар савол/вазифа/вазиятларнинг муаммолиги орқали киритилади. Бу жараёнда талабаларнинг билиши ўқитувчи билан ҳамкорлигига ва диалогига асосланади, ҳамда изланувчилик фаолиятига яқинлашади.
Кўргазма маъруза	
ЎТВдан кенг фойдаланиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/билимларни шакллантириш.	Бундай маърузани ўқиш, кўриб чиқиладиган кўргазмали материалларни очиб беришга ва қисқача шарҳлашга олиб келади.
Бинар маъруза	
Талабаларга мунозара маданиятини, муаммони ҳамкорликда ечишни намоёни	Бундай маърузани ўқиш икки ўқитувчи/2-мактабнинг илмий вакиллари/олим ва амалиётчи/ўқитувчи ва талабаларнинг диалогини ўзида намоён этади.

Ўқув машғулотнинг мақсади	Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари
этиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	
Анжуман-маъруза	
Ўқув ахборотни излаш, танлаш ва баён этиш жараёнида талабаларнинг фаол иштирокларида ёритиб бериш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	Олдиндан белгиланган муаммо ва уни ҳар томонлама ёритиб бериш назарда тутилган маърузалар тизими (5-10 дақ. давомийлигида) билан, илмий-амалий машғулот кўринишида ўтказилади. Машғулот якунида ўқитувчи мустақил иш ва сўзга чиқишларга якун ясайди, ахборотни тўлдиради/аниқлик киритади, асосий хулосаларни ифодалайди.
Умумлаштирувчи маъруза	
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Маърузада баён этилаётган назарий ҳолатларнинг негизини курснинг ёки катта бўлимларнинг илмий-тушунчали ва концептуал асоси ташкил этади.
Маслаҳатли-маъруза	
Билимларни чуқурлаштириш, тизимлаштириш.	Турлича сценарий бўйича ўтиши мумкин. 1. “Савол-жавоблар”- ўқитувчи бўлим ёки тўлиқ курс бўйича талабалар саволларига жавоб беради. 2. “Савол-жавоблар-мунозаралар”: ўқитувчи нафақат саволларга жавоб беради, балки жавобларни излашни ҳам ташкиллаштиради.
Якуний маъруза	
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Курсни ўрганишни якунлайди, бутун давр мобайнида ўтилганларни умумлаштиради. Якуний маърузада ўқитувчи курснинг асосий ғояларини ажратади, келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятда ва бошқа фанларни ўрганишда олган билимларни қандай қўллаш йўллари кўрсатади, фан бўйича якуний назорат хусусиятини тушунтиради, якуний назорат вариантларининг муракаб саволларини тушунтиради.

3.2 ГЛОССАРИЙ

Аҳолининг бандлиги – ижтимоий ишлаб чиқаришни фуқаролик секторида банд бўлган ва мамлакат қонунчилиги томонидан аниқланган нормаларга мос равишда ҳисобга олинадиган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли.

Аҳоли бандлиги муаммоси – бу инсонларни меҳнат фаолиятига жалб этиш муаммоси ва уларнинг меҳнатга бўлган эҳтиёжларини иш ўринлари билан қаноатлантириш даражаси.

Бандлик даражаси – бандлар умумий сонини меҳнатга лаёқати ёшдаги аҳоли сонига нисбати.

Баланс усули – ўзаро боғлиқ кўрсаткичларнинг боғланишини ва мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун фойдаланиладиган усуллар йиғиндиси тушунилади.

Баҳо – товар қийматининг пул орқали ифодаланиши.

Бюджет даври – бюджетни ижро этиш жараёнини амалга ошириш вақти.

Бюджет–солиқ сиёсати – бюджет сиёсатида бюджет харажатлари ва даромадларини шакллантирган ҳолда уч хил бюджет сиёсати юритилади. Бюджет харажатлари, трансфер харажатлари шаклидаги харажатлар. Даромадлар эса уч манбадан келиши мумкин: солиқлардан, хазина томонидан чиқарилган қимматбаҳо қоғозларнинг сотилишидан ва маълум қисми марказий банки эмиссияси ҳисобига. Шунга кўра давлат харажатлари ва даромадларни бошқариш орқали бюджет сиёсати юритилади.

Бюджетдан маблағ олувчи (бюджет муасасаси) – бу ижроия ҳокимияти органи томонидан нотижорат хусусиятига эга бўлган функциялар (бошқарув, мудрофаа, ижтимоий-маданий тадбирлар ва б.)ни амалга ошириш учун ташкил этилган ва смета тартибида молияланувчи ташкилот.

Бюджет даромадлари – давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ихтиёрига бегараз ва қайтаришсиз тартибда келиб тушувчи пул маблағлари.

Бюджетларнинг солиқдан ташқари даромадлари – давлатнинг иқтисодий фаолияти ёки олинган даромадларни бюджет тизимининг даражалари бўйича қайта тақсимлаш натижасида ҳосил бўлади.

Бюджет харажатлари – давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вазифалари ва функцияларини молиялашга йўналтириладиган пул маблағлари.

Бюджетни прогноз қилиш – бу юзага келган тенденциялар, муайян ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ва истикболни баҳолаш асосида бюджетни ривожлантиришнинг оптимал йўллари ишлаб чиқиш ва асослашдан ва шу асосда уни мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар бериш демакдир.

Бюджет тақчиллиги – давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан устун бўлиши.

Вазифа – бу режалаштириш даври доирасида маълум вақт оралиғида эришилиши кўзда тутилган мақсадлар. Вазифалар режалаштириладиган давр мобайнида амалга оширилиши лозим.

Валюта курси – мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси.

Давлат бюджети – асосан давлат (шаҳар, туман, муассаса, ташкилот ва бошқалар) нинг маълум муддатдаги (йил, квартал, ой) даромадлари ва харажатларининг пул ҳисоби.

Давлат ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнози бюджет лойиҳасини тузиш учун асосий ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади ва у ўз навбатида ҳисобот давридаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш маълумотлари, режалаштирилаётган йил учун ривожланиш тенденциялари ва бошқа кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилади.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторлари тизими – умумлаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичлар ва республика кўрсаткичларнинг чекланган доираси бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тавсифловчи аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Дастур – бу ҳодиса ривожининг мақсадли йўналишлари ва уларга эришишнинг режалаштирилаётган йўллари тизими.

Демографик прогноз қилиш – бу аҳоли ҳаракатининг асосий параметрлари ва демографик вазият: аҳоли сони, ёш-жинс ва оилавий таркиби, туғилиши, ўлими, миграциясини илмий асосланган олдиндан кўра билиш демакдир.

Директив режалаштириш – манзилли топшириқларни белгилаш ва уларни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режа ижрочилари ўртасида тақсимлаш орқали амалга оширилади.

Доиравий режалаштириш – фақат 10 йилдан 20 йилгача мўлжалланган глобал мақсадлар ва стратегияларни шакллантиради. У халқ ва жаҳон ҳўжалиги, аҳоли, технологиялар ва ҳоказоларнинг тахминий прогноз тенденциялари асосида узоқ муддатли ривожланиш имкониятларини баҳолаш учун хизмат қилади.

Етакчи бўғинларни ажратиш – стратегик режалаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий тизимларда ва унинг объектларидаги мувазанат учун зарур бўлган шароитларни яратиш имконини берувчи муҳим йўналиши.

Фоиз – даромад, ўз мулкнинг бошқа жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга фойдаланишга бериш ва шундан фойда олиш.

Фоиз ставкаси – кредит ёки қарз ставкаси капитали эвазига тўловни фоиз кўрсаткичи. Одатда, қарзга олинган пул белгисини бир бирлигига тўғри келадиган йиллик тўловни акс эттиради.

Идеал – бу эришилиб бўлмайдиган, лекин унга чексиз равишда яқинлашиш мумкин бўлган мақсад.

Ижтимоий-иқтисодий таҳлил – ижтимоий-иқтисодий ҳақиқатни ҳар томонлама ўрганишни, ижтимоий муносабатлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг илғор тенденцияларини ва уларни такомиллаштириш имкониятларини аниқлаш мақсадида ҳодисаларнинг ички алоқалари ва боғлиқлигини билишни ўзида намоён этади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозлари демографик, илмий-

техникавий, экологик, иқтисодий, ижтимоий, шунингдек тармоқ, минтақавий ва фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа соҳаларини акс эттиради.

Ижтимоий соҳа вазирликлари ҳамда бошқа вазирлик ва ташкилотлар – ривожланишнинг мос йўналишлари бўйича таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини тайёрлашни амалга оширади.

Ижтимоий суғурта – аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий унсури ҳисобланиб, унинг мақсади касал бўлиш ҳолатида ва қариялик даврида, бахтсиз ҳодисалар ва ишлаб чиқариш бўйича касалланишлар, ишсизлик муносабати билан инсоннинг иқтисодий ҳимояланишини таъминлашдан иборат.

Илмий олдиндан кўра билиш – бу табиат, жамият ва тафаккур қонунларини билишга асосланган ҳақиқатни олдиндан акс эттиришдир.

Импорт – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини ва технологиясини олиб келиш. У халқ хўжалиги, вақтни тежаш, халқ еҳтиёжини қондириш вазибаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.

Инвестиция – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узок муддатли капитал киритиш. Унинг молиявий ва реал турлари мавжуд.

Индекслар – ЯИМ дефляторлари – ЯИМ кўрсаткичларини солиштирма нархларда акс эттириш учун ишлатиладиган индекслар гуруҳи, буларга нархларни агрегат индекси, ЯИМ дефлятори нархлари индекси, истеъмолчи нархлар индекси, шунингдек махсус ташкил қилинган индекслар киради.

Индикатив режалаштириш – давлат бошқарувининг онгли фаолияти сифатида таърифланадиган макроиқтисодий режалаштиришнинг бир тури бўлиб, унинг мақсади маълум вақт ўтиши билан умуман миллий иқтисодиётни исталган ҳолатга олиб келишдан иборат.

Индикатив режалаштириш – ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат-ҳуқуқий муносабатлари соҳасига, ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар соҳасига тааллуқли бўлган институтдир.

Индикатив режалаштириш фани – келажакни аниқ асослаш имконини берувчи режа ва прогноз ҳисоб-китоблари тамойиллари, усуллари, уларнинг босқичма-босқичлигини, иқтисодий олдиндан кўра билиш индикаторларини танлашни белгилаб берувчи ягона методологияга амал қилади.

Индикатив режалаштириш тизими – ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида мос келувчи иқтисодиёт ҳолатини ва ривожланишини тавсифловчи индикаторларни (кўрсаткичларни) шакллантириш ҳамда ушбу индикаторларга эришиш мақсадида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш чораларини белгилаш ҳисобланади.

Индикатив режалаштириш методикаси – бу барча даражадаги прогнозлар, дастурлар, режалар ва режа кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш тизимининг вақт чегараларини ишлаб чиқиш, асослаш ва таҳлил қилиш усулларининг йиғиндиси.

Индикатив режалаштиришнинг методологик тамойиллари – ривожланиш қонунларининг умумий ҳаракатини ифодаловчи ҳамда дастурлар,

лойиҳалар ва режаларнинг вазифаларини, йўналишларини ва бажарилиш имкониятларини белгилаб берувчи объектив категорияга асосланади.

Индикаторлар мажмуини қўллаш – бу қулай ижтимоий-иқтисодий муҳитни билвосита шакллантириш усулидир.

Индикатив режа – бу узоқ муддатли истиқболда бошқарув буткул объекти (корхона, минтақа, мамлакат)нинг ҳолатини илмий жиҳатдан олдиндан кўра билиш.

Индикатив режалаштириш усули – бозор иқтисодиётига ўтиш билан давлат ва нодавлат секторларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни онгли равишда бошқариш усули.

Инфляция – пулнинг қадрсизланиши, муомаладаги пулнинг қадрсизланиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши. Инфляция товар баҳосининг очиқчасига ва яширин равишда ошиб кетишига олиб келади.

Инфляция даражаси – маълум вақт ичида (ой, йил) нарх даражаси фоиз ўзгариши.

Иқтисодий-математик усуллар ижтимоий-иқтисодий тизимларни, иқтисодиётнинг мувозанатини таҳлил қилиш, иқтисодий ўсишни прогноз қилишнинг ўзига хос усуллари намоён этади.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторлари тизими – тармоқлар, тармоқлараро мажмуалар, шунингдек республика аҳолисига хизматлар кўрсатиш соҳаси ривожланишининг муҳим йўналишларини акс эттиради.

Иқтисодий таҳлил ўтмиш ва ҳозирги давр тўғрисидаги ахборотни баҳолаш сифатида иқтисодий ишнинг мустақил унсури сифатида кўриб чиқилади.

Иқтисодий ўсиш – реал миллий даромаднинг ёки реал миллий даромадни (маҳсулотни) аҳоли жон бошига ўсиши сифатида аниқлаш мумкин.

Ишчи кучи – одамларнинг меҳнат қобилияти, ҳаёт неъматларини ишлаб чиқариш жараёнида у ишга соладиган жами жисмоний ва маънавий кучлар.

Иш вақти – ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг ишлаган вақти ҳажми.

Йиғма молиявий баланс – бу давлатда ёки муайян ҳудудда яратилган ва фойдаланилган молиявий ресурслар баланси.

Жамиятнинг эҳтиёжлари – бу мураккаб, динамик тизим бўлиб, у қуйидаги кичик тизимлардан таркиб топган: а) моддий неъматларга бўлган эҳтиёж; б) номоддий эҳтиёжлар.

Конъюнктура прогнози – бу шуни англатадики, режа ижрочиларининг субъектив ҳаракатлари асосида уларнинг хўжалик муҳити мавжуд бўлишининг объектив қонуниятларини тушуниши ва ундан фойдаланиши: бозор механизмини билиш ва режалаштиришнинг дастлабки қисми сифатида прогнозни ишлаб чиқиш ётади.

Концепция – бу глобал мақсадлар ва режа даврида ижтимоий-иқтисодий тизимнинг устувор йўналишларини белгилашда ўз ифодасини топувчи прогнозлар, дастурлар лойиҳалари ва режаларнинг умумий мақсади ҳамда унга

эришиш йўллари, шакллари ва усуллари аниқлаш.

Концернлар, компаниялар, уюшмалар, хиссдорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар – режалаштираётган давр учун ишлаб чиқариш-хўжалик юритиш ва корхонанинг молиявий фаолияти ривожланишига оид таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини тайёрлашни амалга оширади.

Лойиҳалаштириш – режалаштиришнинг барча тартиботларининг якунловчи босқичи. Унинг мақсади барча даражалар ва вақт горизонтлари индикатив режаларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Марказий Банк – индикатив режалаштиришда пул-кредит агрегатлари ва пул-кредит сиёсатини асосий йўналишлари бўйича таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини, банк тизими актив ва пассив баланс кўрсаткичларини, монетаризация даражаси бўйича ахборот тайёрлайди.

Мақсадлар – индикатив режалаштиришда идеал ҳолат ёки режалаштириш объектининг маълум вақт оралиғида фаолият кўрсатиш натижалари сифатида тушунлади.

Мақсадларни шакллантириш – бу кейинги ҳаракатлар учун аниқ, таркибланган ва амалга ошириш учун яроқли бўлган меъёрлар тизимини яратиш.

Мақсадларни тартибга келтириш, мақсадлар дарахтини шакллантириш – бу ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларининг динамик тизимини шакллантириш, уларни вақт оралиқлари бўйича тақсимлаш вазифасидир.

Мақсадлар дарахти – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларининг тизимлаштирилган тўплами.

Методологик ёндашув – бу барча даражадаги прогнозлар, дастурлар, режалар ва вақт горизонтларини ишлаб чиқишда стратегик режалаштириш мантиғи, тамойиллари ва усулларидан фойдаланишнинг яхлит йўналиши.

Молия вазирлиги – индикатив режалаштиришда давлат бюджетининг даромад ва харажатлари ва бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари: бюджетнинг даромад ва харажат кўрсаткичлари, давлатнинг ташқи қарзи, бюджет дефицити ва уни молиялаштириш бўйича таҳлилий ва прогноз ҳужжатларини тайёрлашни амалга оширади.

Молия-бюджет сиёсати (бюджетлар) – бу ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган ўз функцияларини бажариш учун молиявий муносабатлардан фойдаланиш ва бюджет тизимини бошқариш бўйича ҳаракатлар ва тадбирлар йиғиндисидир.

Молиявий режалаштириш – молиявий ресурсларни ҳосил қилиш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларини бошқариш.

Молиявий режалар тизими – умумдавлат ва ҳудудий даражаларда молиявий режалаштириш қиймат ифодасидаги моддий ва меҳнат мувазанатини таъминловчи тизим.

Муаммоларни ташхис қилиш – бу мақсад билан режалаштиришнинг қандайдир даври учун объектнинг прогноз қилинаётган ҳолати ҳақидаги тасаввур ўртасидаги фарқларни аниқлаш.

Муқобил вариант – бу белгиланган мақсадга эришишнинг бошқа

эҳтимолий усуллардан фарқ қилувчи усули.

Нархлар индекси – икки ҳар хил вақт оралиғида товар ва хизматларга нархнинг мувозанатини ўзгаришини акс эттирувчи кўрсаткич.

Нархлар коррективкаси – бозор вазияти ўзгаришига нархларнинг мослашув жараёни.

Норматив прогнознинг асосий мақсади – демографик жараёнларнинг айрим кўнгилли ҳолатига эришиш учун муайян тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Олдинга қўйилган мақсадларга эришиш – хўжалик юритиш объекти ходимларининг шахсий ва жамоавий манфаатларининг қониқишини белгилаб беради.

Оммавий баҳолаш – аҳолининг алоҳида гуруҳларининг социологик тадқиқотлар жараёнида режалаштиришнинг қандайдир муаммосининг моҳияти юзасидан фикрларини аниқлаш.

Прогноз – ҳодиса ривожининг истиқболларини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқот олдиндан кўра билишнинг бир шакли ҳисобланади.

Режа – бу олдинга қўйилган мақсадга эришиш чора-тадбирлари тўғрисида қарор.

Режалаштириш – бу ўз мақсадларига эришиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг оқилона хатти-ҳаракатини иқтисодий асослаш жараёнидир.

Режалаштириш – давлат, бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг мамлакат, минтақалар, тармоқлар, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган фаолияти.

Режалаштириш тизими – бу режалаштириш алоҳида қисмларининг тартибга солинган таркибий тузилиши.

Режа кўрсаткичларини тасдиқлаш жараёни – режа лойиҳасининг даставвал манфаатдор тузилмавий бўғинлар томонидан, сўнгра эса юқори раҳбарият томонидан муҳокама этилишини назарда тутди.

Режалаштириш тамойили – ривожланиш қонунларининг умумий ҳаракатини ифодаловчи ҳамда дастурлар, лойиҳалар ва режаларнинг вазифаларини, йўналишларини ва бажарилиш имкониятларини белгилаб берувчи объектив категория.

Республика туманлари ва шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторлари тизими – республика маҳаллий тузилмалари ҳудудлари иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасининг ривожланишини тавсифлайди.

Сарф-харажатлар баланси – макроиқтисодиётда ЯИМни ишлаб чиқаришга кетган жами харажатлари ва яратилган ялпи миллий маҳсулоти охириги истеъмол мақсадида ишлатилиши орасидаги баланс.

Солиқлар – миллий даромадни тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир. Солиқ бюджет ва бюджетдан ташқари пул фондларини ташкил этишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Стратегик режалаштириш мантиғи – бу стратегик режалаштириш

муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ тартиботларнинг тартибга келтирилган изчиллиги, асосланганлиги.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши индикаторлари тизими – иқтисодиёт реал секторининг нодавлат ва давлат корхоналари ҳамда ижтимоий соҳа тармоқлари бюджет ташкилотлари (муассасалари)нинг ривожланиш индикаторларини ўз ичига олади.

Эксперт (баҳолаш) ёки эвристик усуллар – билвосита ва тўлиқсиз ахборотдан, эксперт мутахассислар тажрибасидан, ички ҳиссиётдан фойдаланишга асосланган.

Шартномавий режалаштириш – корхоналар, бирлашмалар, банклар, ҳокимият ва бошқарув органлари ўртасида ихтиёрий ва ўзаро фойдали асосда қуриладиган тижорат муносабатларини тартибга солади.

Йўл қўйиладиган қийматлар соҳаси – бу ҳозирги вақтда режани тузувчининг ихтиёрида мавжуд бўлган амалга ошириш учун яроқли ҳисобланган кўплаб муқобил вариантлар. Ушбу муқобил вариантлар бир бирини инкор этадиган даражада шакллантирилиши керак.

Тактик режалаштириш – тактик вазифаларни танлашни ва маълум стратегия ва идеал доирасида уларга эришиш воситаларини танлашни назарда тутди.

Ташкилотлараро ишчи гуруҳ – ўрта муддатли режани ишлаб чиқишда иқтисодий органлар ўртасида мувофиқлаштирувчи бўғин сифатида фаолият юритади.

Тизимли-мажмуавий ёндашув – турли ижтимоий тизимлар (мажмуалар) – корхоналар, минтақалар ва жамиятга нисбатан тизимли ёндашувни аниқлаштириш.

Тизимли-дастурий (дастурий-мақсадли) ёндашув – стратегик режалаштириш объектларининг йирик локал илмий, техник, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммоларини ҳал этишга нисбатан тизимли ёндашувни аниқлаштириш.

Тизимли-мультипликацион ёндашув (мультипликация – кўпайтириш) – самаралари пайдо бўлиши билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этишга нисбатан тизимли ёндашувни аниқлаштириш.

Тизимли-меъёрий ёндашув – режалаштириш субъектларининг талабларини индикатив режалаштиришга, унинг объектларига нисбатан (меҳнат, моддий ва ҳ.к.) ресурслардан оптимал тарзда фойдаланиш бўйича тизимли ёндашувни аниқлаштириш.

Тизимли-динамик ёндашув – индикатив режалаштириш объектларини ривожлантириш, сифат хусусиятларини оширишга йўналтирилган тадбирларни тадқиқ этииш, ишлаб чиқиш ва асослашга нисбатан тизимли ёндашувни аниқлаштириш.

Узоқ муддатли режалаштириш – инвестициялар ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастурларига маҳсулотнинг муайян груҳига хос бўлган режа горизонтигача муайянлаштиради ва одатда, 10 йилгача бўлган муддатни қамраб олади.

Функционал прогноз қилиш – бу у ёки бу ташкилотлар, фирмалар, корпорациялар, давлат органлари, ўқув муассасаларининг муайян амалий мақсадлари ва вазифаларига хизмат қилувчи прогноз.

Функционал демографик прогноз қилиш – бу айрим ўзига хос мақсадлар учун бўлажак талаб ва таклифни олдиндан айтиб берувчи тегламалар шаклига келтирилган аҳоли ёш-жинс таркибини прогноз қилиш.

Ўрта муддатли режалаштириш вазифалари – узоқ муддатли режалаштириш дастурларини амалга ошириш учун молиявий, иқтисодий ва техник нуқтаи назардан замин ҳозирлашдан иборат.

Қарор қабул қилиш – бу иккинчи даражали шароитларни ҳисобга олган ҳолда мақсад қўйилганда оптимал муқобил вариантни танлаш.

Қарорлар қабул қилиш мантиғи нуқтаи назаридан баҳолаш – бу муқобил вариантлар ёрдамида мақсадга эришиш даражасини тавсифловчи катталиқ.

Қадрсизланиш – миллий валютанинг нархи чет эл валюталарининг баҳосидан камайиши.

Қисқа муддатли режалаштириш мақсади – бир ой мобайнида бизнеснинг ривожланишини назарда тутиш, ишлар натижалари режалардан четга чиқишининг бутун режа горизонтини режалаштиришга таъсирини ҳисоблаб чиқиш ва ушбу ривожланишни ихчам бошқаришдан иборат.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлари Кенгаши, Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари – вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, маҳаллий бюджетнинг шаклланиши ва бюджетдан молиялаштиришга талабномалар прогнозини амалга оширадилар.

Экстраполяция усули – аввалги даврлар амалиётидан келиб чиқиб истиқболларни тузиш.

Экстраполяция усули – чизиқли ва экспоненциал функциялардан, яъни давр мобайнида аҳоли сонининг ўртача йиллик абсолют ўзгаришлари тўғрисидаги ёки ўртача йиллик ўсиш суръатлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишга асосланган усул.

Эксперт баҳолаш усули – фан ва иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларида ваколатли мутахассислар томонидан берилган ва асосланган баҳолар негизида қилинган прогноз.

Экспорт – ташқи бозорда товарлар, хизматлар ва капиталларни реализация қилиш мақсадида четга чиқариш.

IV. ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЯТИ

4.1. РЕЙТИНГ НАЗОРАТИ ТУРЛАРИ, БАҲОЛАШ МЕЪЗОНЛАРИ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Талабалар ЖН ва ОНдан тўплайдиган балларнинг намунавий мезонлари

т/р	Назорат туридаги топшириқларнинг номланиши	Максимал йиғиш мумкин бўлган балл	ЖН ва ОН баллар тақсимооти		
I. Жорий назоратдаги баллар тақсимооти		35 балл	<i>1-ЖН (15 б)</i>	<i>2-ЖН (14 б)</i>	<i>3-ЖН (6 б)</i>
Маъруза машғулотларда					
1.	Талабанинг маъруза машғулотларда фаоллиги, мунтазам равишда конспект юритиши учун	6	3	2	1
2.	Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши (кейс-стадилар, эссе, реферат, тақдимот ва бошқа турдаги мустақил таълим топшириқлари)	9	3	3	3
Амалий машғулотларда					
1	Талабанинг машғулотларда фаоллиги, саволларга тўғри жавоб берганлиги, амалий топшириқ (масала, мисол) ларни бажарганлиги учун	20	9	9	2
II. Оралиқ назорат		35 балл			
1.	Биринчи оралиқ назорат (амалий машғулот ўқитувчиси томонидан қабул қилинади)	15	Семестрнинг 10-хафтаси		
2.	Иккинчи оралиқ назорат (маърузачи ва амалий машғулот ўқитувчиси томонидан қабул қилинади). Иккинчи оралиқ назорат 2 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич, 10 балл-талаба яқка тартибда топшириқлар олади ва ҳимоя қилади. Иккинчи босқич, 10 балл-талабалар кичик гуруҳларга бўлинади (ҳар бир гуруҳда талабалар сони 5-7 тагача бўлиши мумкин), ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқлар берилади ва ҳимоя қабул қилинади. Топшириқлар 2-3-хафталар оралиғида талабаларга бириктирилади. Гуруҳнинг фаоллиги, берилган топшириқни назарий ва амалий жиҳатдан ёритилиши, хулосаларнинг мантиқий боғлиқлиги, креатив мулоҳазаларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни билиши ва бошқа талабларга мослиги ҳисобга олинади.	20	Семестрнинг 11-20-хафталар оралиғида		

	Гуруҳдаги ҳар бир талабага 0-10 оралиғида бир хил балл қўйилади. Ҳимоя кафедра мудири томонидан тасдиқланган график асосида дарс машғулотларидан сўнг ташкил этилади		
III. Якуний назорат		30 балл	Семестрнинг охириги икки ҳафтасида
Жами:		100 балл	

Изоҳ. Ж.Н. ва О.Н. бўйича талабалар рейтинг балларининг тақсимои шу фан бўйича ишлаб чиқилган силлабусда батафсил келтирилади.

“Индикатив режалаштириш” фанидан талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш мезони

“Индикатив режалаштириш” фани бўйича рейтинг жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек, жорий ва оралиқ назоратларининг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Фан бўйича талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- **жорий назорат (ЖН)** - талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маъруза ва амалий машғулотларда оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллেকвиум, уй вазибаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;

- **оралиқ назорат (ОН)** - семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фанларнинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг назарий билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назорат бир семестрда икки марта ўтказилади ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

